

Institut Français d'Études sur l'Asie Centrale
Markaziy Osiyoni Tadqiq Qilish Fransuz Instituti
Французский Институт Исследований Центральной Азии



Document de travail de l'IFEAC

«ИФЕАКнинг иш хужжатлари» серияси

29-чи сон, май 2008

N°29, mai 2008

**ИСМОИЛ ГАСПРИНСКИЙ
ВА ТУРКИСТОНДА ЖАДИДЧИЛИК**

ЗАЙНОБИДИН АБДИРАШИДОВ

Ўзбекистон Миллий Университети, Ўзбек филологияси факультети,
Матншунослик, миллий уйғониш ва hozirgi ўзбек адабиёти кафедраси
катта ўқитувчиси

Тошкент - 2008

Институти Франсавй Оиди Омўзиши Осиёи Марказй
Борбордук Азияны Изилдөөчү Француз Институту
Француздың Орта Азияны Зерттеу Институты
Merkezi Aziya Barlaglary Fransuz Ylym-dernew Instituty

Documents de travail de l'IFEAC - Рабочие документы ИФЕАК

<http://www.ifeac.org/fr/publications/doc/>

- №1 (02/2003) **Протюркский вокализм**, Э. Умаров, Институт языка и литературы им. А. Навои, АН РУз
- №2 (04/2003) **ТУХФАТ АЗ – ЗАИРИН / Мухаммад Насриддин Ал-Ханафи Ал – Хасани Ал – Бухари**, Перевод, предисловие, комментарии-Х.Тураев, Бухарский Гос.Университет
- №3 (04/2003), **АМИР ТЕМУР БИБЛИОГРАФИЯСИ**, И.Ниязов, Б.Касимов, Б.Баннопов, М.Зикруллаев, Я.Мухаммедов, Фонд «Амир Темура», Б.Ахмедов, академик
- №4 (06/2003), **ВОСПРИЯТИЕ ПРОСТРАНСТВА И ВРЕМЕНИ В КУЛЬТУРАХ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ**, Тексты некоторых выступлений на международной конференции IFEAC в 2000г. в Ташкенте
- №5 (10/2003), **НАЗРУЛЛОҲ ҒАЎОҒЎЎЎЎЎЎ СУХАНВАР / Õ À Ç È Ë Æ À**
- №6 (01/2004, дополнение к №4 (06/2003)), **Восприятие пространства и времени в культурах Ц.А. ...**
- №7 (02/2004), **Исламские ценности и центральноазиатские реалии**, тексты выступлений междунар. конф., орг. IFEAC и Гёте Институт, 2003 г., Ташкент (программа рег. сотрудничества СОСОР МИД Франции)
- №8 (05/2004), **«Великая сотня» Казахстана XX столетия**, Е. Имамбек (ИФЕАК Алматы)
- №9 (09/2004), **Сборник статей исследователей из Киргизстана**
- №10(11/04), **Экспансия подобия (Определение, аспекты)**, И.Асадуллаев, Инст.философии и права (Тадж.)
- №11 (12/2004), **Крымские татары в Узбекистане**, А. Хамзин, представитель Меджлиса крымскотатарского народа по Центр. Азии, член Совета представителей крымскотатарского народа при Президенте Украины
- №12(01/05) **Из истории исследования понятий синтаксиса членов предложений**, Р.Абдуллаева, ТошМИИ
- №13 (02/2005) **Средневековый аральский кризис. Культово-погребальные памятники каракалпак XV-XIX вв. по материалам могильника Крантау**, В.Ягодин, Г. Ходжаниязов, Ш.Амиров (Нукус)
- №14 (04/2005) **Ягнобцы в современном Таджикистане**, сборник статей, Т. Лой, Университет Гумбольдт, Берлин, С. Мирзозода, Институт языка и литературы Академии Наук Таджикистана, Душанбе
- №15 (04/2005) **Конфликты на узбекско-казахской границе: проблемы и решения**, Ф. Хамраев, представитель журнала «Центральная Азия и Кавказ» в Республике Узбекистан.
- №16 (06/2005) **Мусо Саиджонов, Бухоро шаҳри ва унинг эски бинолари / Муса Саиджанов, Город Бухара и его старинные здания**, нашрга тайёрловчи **Х. Тўраев**, Бухоро Давлат Университети/ Перевод со староузбекского, подготовка к изданию – Х.Тураев, Бухарский Государственный Университет.
- №17 (09/2005) **Алжир и Узбекистан в ракурсе колонизации и деколонизации. Становление двух молодых наций**. Ги Имар, выступление в рамках конференции «*Культурные меньшинства – европейский опыт (Cultural minorities – the European experience)*», IFEAC и G the Institut, Ташкент
- №18 (11/2005) **Қасамга садоқат (Қогон тиббиёт тарихидан)**, Х.Султанов, глав. врач больницы г. Каган
- №19 (05/2006) **Марказий Осиё ҳудудидаги – ижтимоий–диний табақалар (диний–экологик ва социо–антропологик таҳлил)** Комил Каланов, Ўзбекистон Давлат Жаҳон Тиллари Университети
- №20 (06/2006) **Муҳаммад Иброҳимбек Лақай**, Насреддин Назаров.
- №21 (09/2006) **Проблемы развития письменности языков в процессе глобализации**, Б. и У. Каримовы
- №22 (11/2006) **Страны Центральной Азии в цифрах**, Г.Хачиев, А.Хачиев
- №23 (01/2007) **Жития Ходжа Ахрара**, Опыт системного анализа по реконструкции биографии Ходжа Ахрара и истории рода Ахраридов, М.Кадырова, отв. ред. Б.Бабаджанов, Инст. востоковедения им. Бируни
- №24 (04/2007) **Муҳаммад Иброҳимбек Лақай**, Насреддин Назаров – réédition du n 20.
- №25 (05/2007) **ЮРИДИК ИБОРА ВА ИФОДАЛАР**, лотинча-русча-ўзбекча, Абдумажидов Ғ.А., Панасенко Э.Д., Панасенко Д.Э., Ўзб. Республикаси Адлия Вазирлиги, Тошкент Давлат Юридик Институти
- №26 (09/2007) **Заметки по истории нумизматики раннесредневекового Чача (III-VIII)**, М.Исхаков, Ш.Камолиддин, Г.Бабаяров
- №27 (10/2007) переизд. №23, 01/2007)) **Жития Ходжа Ахрара**, ...
- №28 (04/2008) **Восток в творчестве французских композиторов**, Т.А.Головянц, Гос. Консерватория (Таш.)
- №29 (05/2008) **Исмоил Гаспринский ва Туркистонда жадидачилик**, З.Абдирашидов,

Рабочие документы ИФЕАК: освещение вопросов, проектов и заявлений, гипотез и точек зрения по поводу ведущихся научных работ, публикация отчетов о проведении круглых столов, и т. д. Ответственность за содержание публикуемых рукописей несут их авторы, предоставляющие материалы в подготовленном для публикации виде (*camera ready*).

Выпуски данной серии распространяются среди специалистов в целях ознакомления и обсуждения. Ссылки и цитирование данных публикаций возможны лишь при согласии авторов.

Координатор: Б.Балчи, техническое исполнение: Х.Ибрагимов, М.Абдугафурова

IFEAC, д. 18а, ул. Ракатбоши, 100031 Ташкент – Узбекистан - administration@ifeac.org – www.ifeac.org

ЗАЙНОБИДИН АБДИРАШИДОВ

**ИСМОИЛ ГАСПРИНСКИЙ
ВА ТУРКИСТОНДА ЖАДИДЧИЛИК**

Тошкент - 2008

Ушбу китобда XIX аср охири туркий халқлар маънавий-маърифий ва ижтимоий кураши байроқдорларидан бўлган Исмоилбек Гаспринский фаолиятининг Туркистон билан боғлиқ жиҳатлари тадқиқ қилинган бўлиб, “Исмоил Гаспринский ва Туркистон” мавзуидаги илмий тадқиқотнинг бир қисми. Китоб жади́дчилик тарихи билан шуғулланувчи тадқиқотчилар ва талабаларга мўлжалланган.


Масъул муҳаррир:

филология фанлари номзоди, доцент Улуғбек Долимов

Тақризчилар:

филология фанлари доктори Баҳодир Каримов

катта ўқитувчи Жўра Худойбердиев



МУҚАДДИМА

2004 йил 30 март. Мен Германиядан, илмий сафардан қайтган кунимнинг ўзидаёқ устозим марҳум проф. Бегали Қосимов қўнғироқ қилиб эртасига эрталаб кафедрага келишимни айтди. Кафедрага келганимда домла бир ўзи қоғозга ниманидир қоралаётган экан. Кўришиб анча вақт суҳбат қилдик ва домла менга диссертациянинг биринчи бобини 14 июнь кuni кафедрада муҳокама қиламиз, деди. Бу гапни эшитиб нима дейишимни ҳам билмай қолдим. Чунки, кутилмаганда бундай гап ҳаммани ҳам шошириб қўяди. Табиийки, мен бу муддатдан олдин ишни ёзиб тугатишим ва кафедра аъзоларига ўқиш учун беришим керак эди. Домла мени кафедра ишларидан озод қилди. Домла айтганларидек, 2004 йил 14 июнь кuni кафедрамизнинг навбатдаги йиғилишида мен тайёрлаган ишни муҳокама қилдик. Иш барчага маъқул бўлди. Менга ишнинг давомини ҳам тезроқ ёзиб келишим юклатилди. Барча ишларни ташлаб диссертациянинг иккинчи бобини ҳам қоралама нусхасини тайёрладим ва домлага кўрсатдим. Домла баъзи жойларини тузатиш кераклигини айтди. Афсуски, бевақт ўлим домлани олиб кетди. Илмий ишимни домла раҳбарлигида тугата олмадим. Ушбу рисола ўша вақт тайёрланган илмий ишимнинг айрим парчалари. Уни яна қайта кўриб чиқдим, лекин деярли ўзгартирганим йўқ. Мен ушбу рисолани устозим, марҳум проф. Б.Қосимовнинг ёрқин хотирасига ҳамда ҳар вақт маънан қўллаб-қуватлайдиган ота-онам ва оиламга бағишламоқчиман.

Қолаверса ўзларининг фикрлари билан ёрдам берган проф. Ш.Юсупов, доц. У.Долимов, ф.ф.д. Н.Жабборов, ф.ф.д. Б.Каримовларга ўз миннатдорчилигимни билдираман. Ишнинг мазмунини ташкил қилган муҳим манбалар ва материаллар билан ишлашимда бевосита ёрдам берган ҳамда мазмунли ва далилли фикрлари йўлланма берган Берлин Хумбольдт Университети профессори Ингеборг Балдауфга (Ingeborg Baldauf) алоҳида ташаккур билдираман. Яна илмий ишим доирасида айрим манбалар ва фикрлари билан ёрдам берган Франсуа Умар Акакчага (François Ömer Akakça) ҳам миннатдорчилик изҳор этаман.

СЎЗ БОШИ ЎРНИДА

“1883 йилда ўзи асос солган ва Боғчасаройда чоп эттирган “Таржимон” газетаси воситасида халқини маънавий жихатдан уйғотди ва ўшандан буён ижтимоий ҳаётни янгилаш йўлида ғайрат ва муҳаббат билан меҳнат қилиб келмоқда. У бугунги замон илмини ўрганиш зарурлигини тарғиб қилмоқда ва халқ таълимини юксак савияга кўтариш учун курашмоқда... У ишни дастлаб барча янгиликларнинг ашаддий душмани бўлмиш муллаларнинг жаҳолати ва фанатизмига қарши кескин ҳужумга киришишдан бошлади”¹. Бу сўзлар машҳур венгр шарқшуноси Ҳерман Вамбери²нинг XIX аср охири мусулмон Шарқдаги энг машҳур ислохотчи Исмоил Гаспринский ҳақида эди.

Ислом азалдан икки нарсага – маърифат ва ибодатга таянади. Шунинг учун ҳам мусулмонлар истиқомат қиладиган ҳамма жойда масжид ва мактаб бор, - дейди И. Гаспринский. -Аввалги вақтларда бундай мусулмон мактаблари етарли эди, аммо ҳозирги пайтда улар ислох этишни талаб қиляпти... Шунинг учун 1884 йилда биз таълимнинг янги тизими (усули жади́д) ҳақидаги масалани пишитишга киришдик ва Боғчасаройда мактаб очдик. Унда болаларга янги товуш усули асосида савод ўргатилар эди. Бу мактабнинг муваффақияти бошқаларга ҳам далда бўлди ...бу усулнинг довуғи, ҳатто, Туркистоннинг энг олис вилоятларигача етиб боришга сабаб бўлди.³

Эскилик тарафдорлари Русия, хусусан Туркистон ўлкаси мусулмонларини олға қадам қўйишларига асосий тўсиқлардан бири эди⁴. Улар, ҳатто, газета ўқишни ҳам гуноҳ, деб ҳисобладилар. И. Гаспринский “Таржимон”⁵да бу мавзуга

¹ **Вамбери А.** Культурное движение среди русских мусульман. – **Гольдциер И.** Лекции об Исламе. СПб, 1912, стр. 276-302. Мақоланинг ўзбекча матни О.Шарафиддинов тарафидан “Тафаккур” журналида чоп қилинган: **Ҳерман Вамбери.** Маърифат йўлидаги уйғониш. Петербург, 1912. - // *Тафаккур*, 2000, 3-сон, 62-бет.

² **Арминий Вамбери** ёки **Герман Бамбергер** (1832 - 1913) — венгер шарқшуноси, сайёҳ. Ўрта Осиё ҳақидаги қатор илмий асарлар муаллифи.

³ **Ҳерман Вамбери.** Маърифат йўлидаги уйғониш..., 62-бет.

⁴ Гаспринский томонидан “янги усул” мактаблари жорий қилиниб, бир қадар ёйилгандан кейин ушбу мактабга қарши ҳаракатлар бошланди. Кейинчалик бу кураш жади́дчилик – қадимчилик шаклида давом этди. Ушбу ҳақда маълумот учун қаранг: **Гаспринский И.** Қадимчилик – жади́дчилик. // *Таржимон*, 1909, 19 – 21-сонлар;

⁵ “Таржимон” Россия империяси таркибидаги туркий миллатларнинг илк ўз тилларида чиққан норасмий газета. У И. Гаспринский томонидан нашр қилиниб, 1883 йилдан 1918 йилгача 35 йил давомида чиққан. Газета ҳақида батафсил маълумот учун қаранг: **Deliorman A.** Ismail Gaspıralı ve Terjüman gazetesi. // *Türk kulturu*, 1968, VI, No. 69; **Гафаров С.** Исмаил Гаспринский – великий просветитель. Симферополь, Тарпан, 2001; **Климович Л.** О первой тюркоязычной газете «Терджиман» и ее издателя И. Гаспринском. // *Звезда Востока*, 1987, №9; **Гайнуллин М.** Татарская литература и публицистика начала XX века. Казань, 1966; **Gaspıralı Ismail.** Secilmiş eserleri: 2. Fikri Eserleri. Istanbul, Ötüken, 2004. Nesre Hazırlayan: Yavuz Akpınar; **Lazzerini Edward**

оид мақолаларни мунтазам равишда чоп этиб, уларни ётиғи билан тушунтиришга ҳаракат қилди.

Иккинчи тарафдан, Русия мусулмонлари янгиланишига, ривожланишига тўсқинлик қилаётган гуруҳ, бу “ғайрижинслар”га нисбатан олиб борилаётган ҳукумат сиёсатини йўналишга солиб турган рус шовинистлари, миссионерлари эдилар. Ушбулар “саркардаси” эса машҳур рус шовинисти Николай Иванович Ильминский⁶ эди⁷. Бу “саркарда” бошчилигидаги рус миссионерлар гуруҳининг асосий вазифалари маҳаллий халқлар, яъни турк миллатига мансуб халқларнинг маориф тизимини шакллантириш, ҳар бир минтақа халқини ўз лаҳжаси, шеvasига асосланган кирилча алифбо тузиб, Гаспринский бошчилигидаги жади́длар бирлаштиришга ҳаракат қилаётган миллатни ичидан парчалаб, руслаштириш ва христиан динига олиб кириш эди.

Рус миссионерларининг амалга ошираётган ушбу ҳаракатларига биринчилардан бўлиб бош кўтариб чиққан ҳам Гаспринский бўлди. У олиб борилаётган сиёсатга бўлган муносабатини ўзининг машҳур “Русское мусульманство” (“Русия мусулмонлиги”)⁸ (1881) асарида изоҳлаб берди.

Гаспринский Кримда усули жади́д мактабларини бир йўлга қўйиб олгандан сўнг, мусулмонлар яшайдиган бошқа минтақаларда ҳам ушбу йўналишни жорий қилишга киришади. Чунки у мусулмон миллатини қолоқликдан чиқишига асосий туртки маориф, ўқитиш усулини янгилашда, деб билди.

У мусулмон мактабларида ислохотлар ўтказиш, ўқув муассасаларини замонавийлаштириш хусусида рус маъмурларига бир неча бор расмий мурожаат қилади. Бундай мурожаатлар натижаси ўлароқ, 1891 йил кузида Россия Ички

J. Ismail Bey Gasprinskii's *Perevodchik /Tercüman*: A Clarion of Modernism. In H. B. Paksoy, ed., *Central Asian Monuments*. Istanbul: Isis, 1992.

⁶ Ильминский Николай Иванович (1822 - 1891). Педагог-миссионер, шарқшунос. Қозон диний академиясини тамомлаган ва ушбу академиянинг миссионерлик бўлимида шарқ тилларидан дарс берган. 1872 йили Қозонда ғайрируслар семинариясини ташкил қилган ва 1891 йилгача у ерда директор лавозимида фаолият олиб борган. Чор Россияси таркибидаги туркий халқларнинг ёзувини кирил алифбосига ўтказиш концепциясини ишлаб чиққан.

⁷ Н.И. Ильминскийнинг фаолияти ва ҳаёти ҳақида батафсил маълумот олиш учун қуйидаги асарларга қаранг: **Ильминский Н.И.** О системе просвещения инородцев и о Казанской Центральной крещено-татарской школе. Казань, 1913; **Спасский Н.А.** Просветитель инородцев Казанского края Николай Иванович Ильминский. Самара, 1900; Николай Иванович Ильминский и его основные педагогические взгляды. Смоленск, 1897; Избранные места из педагогических сочинений, некоторые сведения о его деятельности и о последних днях его жизни. Николай Иванович Ильминский. Казань, 1892.

⁸ **Гаспринский Исмаил.** Русское мусульманство. Мысли, заметки и наблюдения мусульманина. Симферополь, 1881.

Ишлар вазири томонидан В.В.Вашкевич⁹ бошчилигидаги бир комиссия Қримга юборилади.¹⁰ И. Гаспринский ушбу комиссия учун тезлик билан керакли маълумотлар, талаб ва истаклар билдирилган ахборотнома тайёрлаб, тақдим қилади.

1892 йили эса мазкур ахборотноманинг бир нусхасини, Туркистон ўлкасидаги маҳаллий мусулмон мактабларини ислоҳ қилиш ва “усули жаид”ни жорий қилиш таклифлари битилган мактуб билан Туркистон генерал-губернатори барон А.Б. Вревский¹¹га йўллайди¹². Генерал-губернатор мактубни ўрганиб, таклиф бериш учун И.И. Ильминский шогирдилари – Тошкент ўқитувчилар семинарияси директори Н.П. Остроумов¹³ ва ўлка бўйича мутахассис ҳисобланган В.П. Наливкин¹⁴га топширади. Н.П. Остроумовнинг маҳаллий миллатларга нисбатан бўлган шовинистик фикрларини унинг деярли барча асарларида учратиш мумкин¹⁵. Шу сабабдан ҳам у иккиси И. Гаспринскийни ўлка учун хатарли одам сифатида ўз жавобларида билдириб ўтишади¹⁶.

Уларнинг билдирган фикрларга таянган ҳолда, генерал-губернатор И. Гаспринский мактубидаги таклифларга рад жавобини беради.

⁹ Вашкевич Владислав Васильевич (1844 - ?). Ёзувчи; Чор Россияси Ички ишлар вазирлигидаги махсус комиссия бошқарувчиси бўлиб хизмат қилган. "Сборник узаконений о евреях, с кратким обозрением правит. мер по еврейскому вопросу в России" (СПб., 1884); "Ламаиты в Восточной Сибири" (СПб., 1885); "Историч. обзор законодательства об устройстве еванг.-лютер. церкви в Прибалтийском крае" (СПб., 1890); "О еврейских благотворительных учреждениях и братствах в Империи" (СПб., 1891); "Основные начала еврейского брачного права по талмудо-раввинскому учению" (1893) и "Обзор деятельности департамента дух. дел иностран. исповеданий за время царствования Имп. Александра III" (СПб., 1901) каби асарлар муаллифи.

¹⁰ **Пиасковский А.В.** Революция 1905-1907 годов в Туркестане. Москва, 1958, 99-бет. **Бендриков К.Е.** Очерки по истории народного образования в Туркестане (1865-1924 годы). Москва, 1960, 253-бет.

¹¹ Вревский Александр Борисович (1834-1910). 1890-1898 йилларда Туркистон генерал-губернатори бўлган.

¹² Гаспринскийнинг ушбу мактуби ЎР Марказий архиви, И-1 Фонди, Туркистон генерал-губернатори канцелярияси, 80-тўплам, 11-бетда сақланади.

¹³ Остроумов Николай Петрович (1846 – 1930). Қозон диний академиясини тамомлаган. Ильминскийнинг энг содиқ шогирдларидан. Кауфман таклифига биноан Туркистонга келган. Узоқ йиллар давомида Тошкент ўқитувчилар семинарияси директори ва “Туркистон вилоятининг газети”нинг муҳаррири бўлиб ишлаган. Ўрта Осиё халқлари этнографиясига оид бир қанча китоблари муаллифи.

¹⁴ Наливкин Владимир Петрович (1852 - 1918). 1873-75 йиллардаги Чор Россиясининг Хива ва Қўқонга бўлган ҳарбий ҳаракатларида иштирок этган; 1884 йили Тошкентда очилган биринчи рус-тузем мактабининг дастлабки ўқитувчиси; 1890-95 йилларда Сирдарё, Фарғона ва Самарқанд вилоятлари халқ мактаблари инспектори лавозимларида ишлаган.

¹⁵ Унинг қуйидаги асарларига қаранг: **Остроумов Н.П.** Исламоведение. Ташкент, 1910; **Остроумов Н.П.** Коран и прогресс: по поводу умственного пробуждения современных российских мусульман. Ташкент, 1901; **Остроумов Н.П.** Сарты. Ташкент, 1908; **Остроумов Н.П.** Константин Петрович фон-Кауфман, устроитель Туркестанского края. Личные воспоминания Н.Остроумова. Ташкент, 1899; **Остроумов Н.П.** Введение в курс исламоведения. Ташкент, 1914.

¹⁶ Гаспринскийнинг мактуби ва Остроумовнинг мактуб бўйича билдиришномаси тарихчи олим С.Холбоев тарафидан “Тулистон” журналининг 1995 йилги 1 ва 2-сонларида эълон қилинган.

Шундан кейин И. Гаспринский ўз ғояларини ўлкада амалга оширишда маҳаллий кишиларга эътиборини қаратади. Бухоро Амири Абдулахад ёрдамида ўз ишларини олға силжитиши мумкин эди.

1891 йил бошларида “Таржимон” газетасида Бухоро ва унинг Амирига бағишланган туркум мақолалар босилади.

Амир 1893 йил бошларида Россияга саёҳат қилади. Бухорога қайтишда Қримга келади ва И. Гаспринский у билан биринчи маротаба кўришиш имконига эга бўлади. И. Гаспринский Амирнинг ушбу сафари ҳақидаги форсча ёзилган китобни кейинроқ русчага ўгириб Қозонда нашр эттиради¹⁷. Амир И. Гаспринскийни Бухорога таклиф қилади. У 1893 йил май ойида Амирнинг таклифига кўра Бухорога келади. Бухорода Қушбеги, Девонбеги ва Қози Калон билан учрашади. Бир неча маҳаллий мактабларга боради. Унинг бу саёҳатдан кўзлаган мақсади, маҳаллий мактабларни ислоҳ қилиш ва “усули жади́д”ни ёйиш эди.

И. Гаспринский Амир билан учрашувидан аввал Самарқандга келади. Бу ерда ҳам рус маъмурлари билан учрашиб, суҳбатлашади. Лекин бу учрашувлар ҳам ҳеч бир натижа бермади. Аксинча, янада тўсиқлар қўйди. У Самарқанддан Тошкентга келади ва “...ўлка маориф ишида жонкуярлик қилаётган мухтарам ҳамкасаба”¹⁸, -деб таърифлаган Н.П. Остроумов билан учрашади. Бу учрашув ҳам, ўз-ўзидан маълум, ижобий натижа бермайди.

Амир билан бўлиб ўтган учрашувда ҳам мавзу “усули жади́д” мактаблари, бу мактабларнинг маҳаллий аҳолига берадиган янгилик ва фойдалари хусусида эди. Лекин, И. Гаспринскийнинг Амир билан учрашувидан кўзлаган мақсади амалга ошмади. Бухоро ва Туркистоннинг бошқа шаҳарларида “усули жади́д” мактабларини очиш ва ёйиш учун кўмак топа олмади.

Шундай бўлса-да, ҳар қандай тўсиқларга қарамасдан, И. Гаспринский ўлкада “усули жади́д” мактаби уруғини экишга имкон топа олди. У Самарқандга келган вақтида татар миллионери Абдулғани Бой Ҳусайинов зиёфатига таклиф қилинади. Ушбу зиёфат самараси ўларок, И. Гаспринский “усули жади́д” мактабини очишга муваффақ бўлди.

Ушбу мактаб Туркистонда очилган илк “усули жади́д” мактаби эди. У норасмий тарзда очилгани учун ҳам рус маъмурлари томонидан тез орада ёпилди.

¹⁷ Аъло хадрат амири Бухоро Саййид Абдулахад Баходурхон. На персидском и русском языках. Подготовил к изданию И.Гаспринский. Казань, 1895.

¹⁸ *Таржимон*. 41-сон (1893 йил 2 декабр), 32-бет.

Лекин, бу экилган уруғ бундан кейин очилган мактаблар учун асос бўлиб хизмат қилди.

Гаспринский бу саёҳатидан кейин ҳам Туркистондан умидини узгани йўқ. Балки, янада кўпроқ эътибор беришга ҳаракат қилди. Унинг Туркистонга қилган кейинги сафари 1908 йилга тўғри келади. Туркистонга бўлган иккинчи саёҳат ҳам “Таржимон”да туркум мақолалар сифатида берилади.¹⁹

Албатта, унинг Туркистонга қилган саёҳатлари изсиз бўлмади. Унинг ишини бу ўлкада ҳам давом эттирувчилар талайгина эди. Улар Гаспринскийни “мухтарам устозимиз”,-деб тилга оладилар.

И.Гаспринскийнинг ҳаёти ва сермазмун фаолиятини Туркистонсиз, унинг тарихи ва тақдири ҳақидаги ўйларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Улуғ мутафаккир Туркистон халқларининг бой маънавий меросини Русия мусулмонлари орасидаги янгиланиш ва ислохотчилик ҳаракатлари учун маънавий омил деб билади. Айни пайтда, бутун вужуди билан Туркистон учун ҳам нажот йўлини излайди ва буни янгиланишда, ислохотда кўради. Шу сабабли бу фикр-қарашлар Туркистонда аксадо топдигина эмас, туркистонлик тараққийпарвар зиёлилар учун дастуруламал вазифасини бажарди.

¹⁹ Бухорода не кўрдим. Таржимон. 1908 йил 57, 58, 60, 63, 64, 68, 78-сонлар.

ТУРКИСТОНДА “УСУЛИ ЖАДИД” МАКТАБЛАРИ ВА ИСМОИЛ ГАСПРИНСКИЙНИНГ САЁҲАТЛАРИ

1. ИСМОИЛ ГАСПРИНСКИЙ ВА “УСУЛИ ЖАДИД”НИНГ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛИШИ

Русия империясидаги миллий педагогика тарихининг энг ёрқин саҳифалари жади́дчиларнинг таълим соҳасида олиб борган ислоҳотлари билан боғлиқ. XIX аср охирида бошланган ушбу ислоҳотнинг назариётчиси ҳам амалиётчиси Исмоил Гаспринский эди. Жади́дчиликнинг ўзи пайдо бўлиши ҳам мана шу ислоҳот билан чамбарчас боғлиқ. Таълим соҳасида ислоҳот нима учун зарур бўлиб қолди? Нима учун жади́дчилик ҳаракати вакиллари ўз эътиборларини биринчи навбатда мактабга қаратдилар? Гаспринский ислоҳот ҳақида гапирар экан, мусулмон жамиятини мунтазам бир шаклга олиб келиш, уни замонавийлаштириш ва замонга мувофиқ ўзгаришларга тайёрлашни назарда тутди²⁰.

“Миллатнинг шиддатли эҳтиёжи мактаб ва маъориф. Унинг келажаги мактаб ва маъорифга боғлиқ: Ҳоким миллатнинг маҳкум бўлиши, маҳкум миллатнинг йўқ бўлиб кетиши мактабсизликдан”, - дея ёзади Гаспринский²¹. Бу масалани у биринчи марта расмий равишда 1881 йили ўзининг “Русия мусулмонлиги” асарида кўтарган эди.

Гаспринский турк-мусулмонлар миллий мактаб ислоҳотига бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилсалар, тез орада бошқа мутараққий миллатлар қаторида бўлишига ишонди.

“Русия мусулмонларнинг замон билан ҳамоҳанг кетишлари фақат маориф ислоҳоти билангина амалга ошириши мумкин. Замон бизни кутиб турмайди, ўз йўлида кетаверади. Биз эса шошилмоғимиз керак... Бу кунда мусулмонлар ...ўқиш ва ўқитиш йўлига бел боғласалар буюк аждодларимиз барпо қилган давлатлардан ҳам фойдалироқ, шарафлироқ бир “маориф давлати” қура оладилар. Бу давлатнинг ҳукмдорлари ва гозийлари “миллий муаллимлар”, йўлбошчилари эса ...усули тадрис мутахассислари бўладилар²²”.

²⁰ Балдауф Ингеборг. Джадидизм в Центральной Азии в плане реформизма и модернизма в мусульманском мире. – Марказий Осиё XX аср бошида: ислоҳотлар, янгиланиш, тараққиёт ва мустақиллик учун кураш (жади́дчилик, мухториятчилик, истиқлолчилик). Халқаро конференция материаллари. Т.: Маънавият, 2001, 44-45-бетлар.

²¹ Исмоил Гаспринский. Турк юрдучиларина. *Турк юрду*, 1-жилд, 1912, 7-сон, 190-бет.

²² Ўша ерда, 190-191-бетлар.

Гаспринскийнинг ҳисоб-китобларига қараганда, 1881 йили Русияда 16 миллион мусулмон бор эди. Уларнинг қўл остидаги 16 минг бошланғич мактаб ва 214 мадрасада ярим миллион бола таҳсил олган²³. Хўш, бу мактабларда таҳсил коникарлимиди? Йўқ, ўқувчилар беш йилда ҳам беш сатр ёзиш ё ўқишни эплай олмас эдилар. Мактаблар расман диний ҳисобланиб, шариат идораларининг назорати остида бўлган. Аслида эса бу мактабларни ҳеч ким назорат ҳам, тафтиш ҳам қилмас эди. Лекин омма афкори ҳаракатга келтирилса, мактаб ишига жалб этилса, бир қанча ишларни амалга ошириш мумкинлигини англаган Гаспринский бутун кучини шу ишга ташлади ва ислоҳот қилиш учун барчани даъват қила бошлади²⁴.

Тарихга “чўлоқ дарвеш” номи билан кирган машҳур венгр шарқшуноси Вамбери ҳам Гаспринскийнинг мусулмонлар маърифати йўлида қилган хизматларини тан олган ҳолда шундай ёзган эди:

“...Ислоҳотлар ва уларни амалга ошириш бобида шундай зўр ишжоат, зайрат ва уddaбурунлик кўрсатилдики, ...бу йўналишдаги биринчи турткини маърифатчилик, ватанпарварлик кайфияти билан қуйиб-ёнган, толмас-тинчимас Исмоилбей Гаспринский берди. ...У бугунги замон илмини ўрганиш зарурлигини тарғиб қилмоқда ва халқ таълимини юксак савияга кўтариш учун курашмоқда²⁵”.

Туркистон жади́дларининг маънавий “отаси” ҳисобланган Бехбудий “усули жади́д” мактаблари тўғрисида гапирар экан,

²³ **Исмоил Гаспринский.** Турк юрдучиларина..., 193-бет. **Kirimli Hakan.** Kirim tatarlarinda milli kimlik ve milli hareketler (1905-1916). Ankara, 1996, 53-бет.

²⁴ **Kirimer S.C.** Gaspıralı İsmail Bey: Dilde, Fikirde, İşte Birlik. İstanbul: 1934, 104-105-бетлар. Исмоилбей “Таржимон”дан олдин нашр қилган “Тараққий” мажмуасидаги бир мақоласида қуйидагиларни ёзган эди: “Инсон боласи ҳақиқат ва саодатни ҳеч топа олмайди. Лекин бу ҳақиқат ва саодат йўлида юрмоқчи бўлганга бир ёрдамчи нарса бор. У қоронғуликдаги чироққа ўхшайди. Унга маориф ёки билим дейдилар. Маориф инсон фикрини кўпайтиради, ақлини чархлайди, заковатини орттиради. Бир инсоннинг ақли ва заковати ортса шунга яраша қуввати ва бойлиги ҳам ортади”. “Ҳақиқат” мажмуасида эса қуйидаги шеър орқали мақсад, муродини англантишга ҳаракат қилади:

Эй, Ватан қардоши, сен кел ғайратга

Ҳар хизматга бир ҳунар муроди Холикдир.

Ол ҳамон қалам-ла киобни кел ҳимматга

Минг хайвонга бир инсон ҳунар-ла ғолибдир.

Чунки фарз қилинмиш илм бу умматга

Кимга тобе бўлмаган китобга тобедир.

Ҳунарсизлик ярашмас бизнинг миллатга

Минг қиличга бир қалам доим ғолибдир.

²⁵ **Вамбери Х.** Маърифат йўлидаги уйғониш. // *Тафаккур*, 1999. 2-сон, 62-бет

“Усули савтия мактабларини Русияда бонийи муассиси Исмоилбек ҳазратларидур. Биринчи янги усул алифбони мурағатиб ва ношири яна Исмоилбек ҳазратларидур²⁶”, дейди.

Эски мактаблар ислоҳини амалда кўрсатишга ҳаракат қилган Гаспринский 1884 йили биринчи “усули жади́д” намуна мактабини очди.

“...1884 санаси Боғчасаройда бир мактабни усули жади́дага қўйган эдим,- деб ёзади Исмоилбек,- самараси умид қилганимдан ҳам яхшироқ бўлди²⁷”.

Янги мактаб учун Гаспринский ўзи алифбо ёзиб, ўша йили “Таржимон” босмаҳонасида нашр қилдирди. Бу унинг машҳур китоби “Хўжаи сибён” (“Болалар ўқитувчиси”) эди. Бу алифбо китоби 1910 йилга қадар 27 марта қайта нашр қилинди²⁸. Намуна мактабининг биринчи муаллими Гаспринскийнинг шогирди Бакир афанди Эмакдор²⁹ эди. Янги мактабда диний илмлар билан бир қаторда туркча ўқиб-ёзиш, математика, тарих, география фанлари ҳам ўқув дастурига киритилган эди. Гаспринский ёзади:

“Боғчасаройнинг “Қайтмаз Оға” маҳалласидаги хароба мактаб биноси бир оз таъмир қилинди ва талабадан Бакир афанди Эмакдор таклиф қилиниб усули савтия, дидактика ва педагогиканинг энг илгор жиҳатлари бу афандига ўргатилиб, “биринчи муаллим” тайёрланди. Мана шу тайёрланган дастур асосида 1884 йили “Биринчи мактаби жади́дни” очдим. Мактабда ўқитиладиган алифбо мен томонимдан ёзилган “Хўжаи сибён” эди. Мактабда ўқиш муддати уч йил³⁰. Дастур – туркча ўқиб, ёзмоқ, Қуръон қироати, илми ҳол, ҳуснихат, туркий тил грамматикаси, зеҳни ҳисоб, арифметикадан тўрт амалиёт, ислом тарихи ҳамда география, тарих ва гигиенадан жуда содда ва қисқача маълумот беришдан иборат эди³¹”.

Гаспринский таъкидлашича, ушбу биринчи янги усул мактабида болалар текинга ўқитилиб, ҳатто китоб ва дафтарлари ҳам мактаб томонидан берилган.

²⁶ Маҳмудхўжа Бехбудий. Танланган асарлар. Т.: Маънавият, 1997, 163-бет.

²⁷ Қосимов Б. Миллий уйғониш. Т.: Маънавият, 2002, 20-бет.

²⁸ Гафаров С. Исмоил Гаспринский – великий просветитель. С.: Тарпан, 2001, стр. 57-58.

²⁹ Гаспринский Бакир афанди Эмакдорни “Биринчи муаллим, биринчи шогирдим” дея тавсифлаб, ўзининг “Русияда миллий турк мактабларининг ислоҳи ва усули савтиянинг интишори” номли асарини унга бағишлаган эди.

³⁰ Баъзи асарларда ушбу муддат икки йил, деб кўрсатилади. М-н: **Lazzerini E.J.** Ismail Bey Gasprinskii and Muslim modernism in Russia. 1878-1914, University of Washington. Ph.D., 1973, p. 27. **Ганкевич В.** На службе правде и просвещению. С.: Доля, 2000, стр. 240.

³¹ **Исмоил Гаспринский.** Турк юрдучиларина. Турк юрду, 1-жилд, 1912, 7-сон, 194-бет.

Янги мактабда дарс 12 бола³² билан бошланган. Ҳар куни дарслар тўрт соатдан иборат бўлиб, қирқ беш кун давом этган. Қирқ олтинчи куни биринчи имтиҳон куни, деб эълон қилиниб, шаҳарнинг мўътабарони таклиф қилинади. Таклиф қилинган 200 кишидан 30 киши имтиҳон маросимига келади. Қолганлари эса “бўлмаган иш”, деб келмайдилар. Имтиҳонга келганлар эса, қирқ кунлик дарсларнинг натижаси ўлароқ ҳамма болаларнинг туркча ўқиб, ёзишларини, Қуръоннинг ҳар саҳифасини ёд олмаган бўлса ҳам бемалол ўқий олишини кўрадилар. Ташриф буюрганларнинг кўпчилиги кўрганларидан ўзларини тута олмай кўз ёш қилдилар. Ислоҳи тадрис мумкин эканлигига далил мана шу кўз ёшлари эди. Имтиҳон кунининг ўзида мактаб ўқувчиларининг сони 40 тага етди. Бу муваффақият соясида иккинчи бир янги мактаб ҳам очилди³³.

Гаспринский тарғиб қилаётган “усули савтия” (“товуш усули”) Европада янгилик эмас эди. Европада бу усул ҳар тарафга тарқалиб, ҳатто эскирган эди. Усул тарихи Европанинг энг буюк педагогларида бўлган Ян Амос Коменский³⁴га бориб тақалади. Коменский ўзининг “Буюк дидактика”си билан замонасидан анча олдинга сакраган эди. Унинг фикрлари замондошлари тарафидан қўллаб-қувватланмади ва Каменский таълимоти ўзидан кейин асрлар ўтиб татбиқ қилинди³⁵.

“Товуш усули”ни амалий жиҳатдан тарғиб қилган яна бир “халқ ўқитувчиси” швейцариялик Иоган Генрих Пестолоцци (1764-1827) эди³⁶. У ўзининг янгича ўқитиш тизими билан педагогика соҳасида янги бир саҳифа очди³⁷. Россия мактабларида “товуш усули”ни биринчи бор қўллаган ва амалиётга татбиқ қилган К. Ушинский³⁸ бўлди³⁹. Ушинский ўз вақтида Европа

³² Баъзи манбаларда болалар сони 9 та деб кўрсатилади. Қаранг: **Бендриков К.Е.** Очерки по истории народного образования в Туркестане (1865-1924 годы). М.: АПН РСФСР, 1960, стр. 254.

³³ **Исмоил Гаспринский.** Турк юрдучиларина. *Турк юрду*, 1-жилд, 1912, 7-сон, 194-195-бетлар.

³⁴ Ян Амос Коменский (Jan Amos Komenský (Comenius) (1592 - 1670) – педагогика “отаси”. Коменский фаолияти ва ижоди билан батафсил танишиш учун қаранг: **Лордкипанидзе Д.** Ян Амос Коменский (1592-1670). Москва: Педагогика, 1970.

³⁵ Батафсил маълумот учун қаранг: **Florence Hay Anastas.** And They Called Him Amos. The Story of John Amos Comenius: A Woodcut in Words. Drawings by Rosina Yost. Exposition Press, New York, 1973.

³⁶ Батафсил маълумот учун қаранг: **Clive Ashwin.** Pestalozzi and the Origins of Pedagogical Drawing. // *British Journal of Educational Studies*, Vol. 29, No. 2. (Jun., 1981), pp. 138-151; **Қосимов Б.** Кўрсатилган асар, 22-бет; **Kirimer S.C.** Кўрсатилган асар, 105-бет.

³⁷ **Soëtard Michel.** Johann Heinrich Pestalozzi. Sozialreformer – Erzieher – Schöpfer der modernen Volksschule. Eine Bildbiographie. Zürich, 1987.

³⁸ Ушинский Константин Дмитриевич (1824–1870) - рус педагог-демократ, Россияда илмий педагогика асосчиси. У ҳақида қаранг: **Константин Дмитриевич Ушинский его жизнь и педагогическая деятельность. Биографическая серия Ф. Павленкова. Биографический очерк А. Фролова.** Санкт-Петербург, 1893. - http://az.lib.ru/u/ushinskij_k_d/text_0020.shtml

педагогикасини кўп таҳлил қилган ва илғор педагогик фикрларни Россия илмий жамиятига олиб кирган эди⁴⁰.

Исмоилбек Гаспринский ҳам ўзи тартиб берган усулнинг юзага келишида Ушинский фаолияти ва ижодидан илҳом олганлигини айрим мақолаларида кўрсатиб ўтади⁴¹ ва татар мактабларига “товуш усули”ни олиб кирди⁴². Рус мактабларида эса бу усул 1870-йилларда яна ўша Ушинский ва Н.А.Корф⁴³лар тарафидан татбиқ қилинди⁴⁴.

Гаспринский ўзи таклиф қилаётган янги усулни тушунтирар экан, янги усулни тушунмоқ учун эски усулнинг нуқсонларини кўриш керак, дейди. Янги усул мактабини эса қуйидагича тушунтиради: *Ота-бобо кунлариндан қолмиш миллий мактабларни ислоҳ этмак усули жади́д демакдир*⁴⁵.

Эски мактабларда болалар 8 ёшдан 12 ёшгача қабул қилиниб, дарслар 7-8 соат давом этган. Болалар мактабга йилнинг истаган вақтида келишлари мумкин эди. Бунга ҳеч ким тўсқинлик қилмаган. Шунинг учун ҳам бирга ўқиётган болаларнинг билим даражалари турлича. Бу билан эса ҳеч кимнинг иши йўқ. Муаллимларда дарс ўтиш учун ҳеч қандай дастур ёки жадвал тузилмаган. Ўқувчилар мактабни тамомлаганларидан кейин ҳеч қандай шаҳодатнома олмаганлар. Яна шуни айтиб ўтиш керакки, ўқувчилар алифбони ҳали тўла ўрганмасдан туриб араб ёки форс тили ўрганишга ўтганлар. Бундай ўқишнинг оқибатида аксар болалар бесавод бўлмасалар ҳам чаласавод эдилар. Қисқача мана шулар эски мактабнинг таърифи⁴⁶.

Янги усулнинг ёйилиши ва мустаҳкамланишига қарши эски фикрлилар ҳаракатга келиб, мактабни, усулни халқ назаридан туширишга интилдилар. Янги

³⁹ **Чернышев В.И.** К.Д. Ушинский и его труды в отношении русского языка и русской литературы. // Известия Академии наук Союза ССР, 1946, том V, вып. 1, стр. 3-26.

⁴⁰ **Ушинский К.Д.** Предисловие к статье А. Печкина «Очерк жизни и деятельности английского педагога Фомы Арнольда». // Журнал Министерства народного просвещения, 1861, № 1, 5. – Архив К.Д. Ушинского. Том 1. Москва, 1959, стр. 137; **Ушинский К.Д.** Средние и низшие учебные заведения во Франции. // Журнал Министерства народного просвещения, 1862, № 2, 3. – Архив К.Д. Ушинского. Том 1. Москва, 1959, стр. 346-350; **Ушинский К.Д.** Элементарная школа. // Журнал Министерства народного просвещения, 1860, № 11. – Архив К.Д. Ушинского. Том 2. Москва, 1960, стр. 66-67.

⁴¹ **Османов Юрий.** Из плена лжи. Научные статьи о творчестве и деятельности Исмаила Гаспринского. Симферополь, Доля, 2001, стр. 189.

⁴² **Байрамов Энвер.** Великий просветитель российских мусульман Исмаил Гаспринский. Москва, Экслибрис-Пресс, 2001, стр. 57.

⁴³ Корф Николай Александрович (1834-1883) - барон, рус педагоги ва методисти.

⁴⁴ **Имамутдинова З.А.** Просодия Корана и противоречия «нового метода» Исмаила Гаспринского. – Исмаил Гаспринский – просветитель народов Востока. К 150-летию со дня рождения. Материалы Международной научной конференции. Ред. Червонная С.М. Москва, 2001, стр. 71.

⁴⁵ **Қосимов Б.** Кўрсатилган асар, 21-бет.

⁴⁶ **Гафаров С.** Указанная книга, стр. 50-51.

мактабга ҳар тарафдан ҳужум бошланади. “Тез олинган илм тез унутилади”миш, - деб ёзади Гаспринский. “Диний мактаблар бузилиб, рус школасига айланар эмиш...⁴⁷”.

Шундай бўлишига қарамай янги усул мактаби таърифи ҳар томонга тез ёйила бошлади. “Таржимон” хабарларини ўқиган муаллим, талабалар усули савтияни ўрганиш учун Кавказдан, Русиянинг ичкарасидан Боғчасаройга кела бошлайдилар. Боғчасаройдаги биринчи намуна мактаби ҳам мактаб, ҳам бир даража қадар “Дор ул-муаллимин” вазифасини ўтайди. Турли шаҳарлардан келган муллалар (у вақтда мактабларда аксар муаллимлар мадраса талабалари эди, шу жиҳатдан ҳам айни муллалар) бир-икки ой мактабда меҳмон бўлиб қолиб, муаллимлик шаҳодатномасини олганларидан сўнг ўз шаҳарларига қайтиб кета бошлайдилар. Шу тариқа маориф ва янгиланиш учкунлари турли тарафларга сочила бошлади.

“...Намуна мактабига меҳмон сифатида келган мулла ва муаллимлар усули савтияни ўрганар экан, - дейди Гаспринский, - бу усулни ёйиш учун ўрганганларини яна икки кишига ўргатишига, усули савтияни кўрсатишига, ҳамда ўз мактабларидан бошқа яна икки мактабни ислоҳ қилишига ҳаракат қилишлари ҳақида ваъда олинарди, яъни виждонан қарздор қилинардилар⁴⁸”.

Мана шу йўл билан, бир-бирларидан ўрганиш орқали янги усул мактаблари учун муаллим тайёрламоқ чораси бошланғич даврда ҳал қилинган эди.

1898 йили Исмоил Гаспринский тарафидан “Таржимон” босмахонасида янги усул муаллимлари учун қўлланма ҳисобланган “Раҳбари муаллимин ёки муаллимларга йўлдош” китоби нашр қилинади. Китобда муаллиф янги усул мактаблари ташкили, ўқув жараёни, уларни эски усулдан фарқларини аниқ кўрсатиб беради.

“Муаллимларнинг иш салоҳияларини ошириш, миллат манфаати учун эски усул мактабларини янгилаш, уларни ислоҳ қилиш керак. Уларнинг барчаси ўқитишининг янги усулига ўтишлари керак. Бунинг учун ҳар ким янги усул эскисидан ҳар томонлама устун эканлигини таъкидлаши лозим. Биз эски мактабларда қанча бебаҳо вақтларимизни бекорга ўтказганлигимизни шу пайтгача билмаган эдик. Албатта, бу бизнинг айбимиз эмас. Ҳозир, биз буларни

⁴⁷ **Исмоил Гаспринский.** Турк юрдучиларина. Турк юрду, 1-жилд, 1912, 8-сон, 226-бет.

⁴⁸ Ўша ерда, 227-бет.

сабабларини билганимиздан, янги усулнинг эскисидан устун эканлигига ишонч ҳосил қилганимиздан кейин ҳам буларнинг барчасига кўз юммоқ Оллоҳнинг наздида ҳам миллат олдидида ҳам катта гуноҳ, деб ҳисоблайман⁴⁹» - мурожаат қилади Исмоилбей.

Гаспринский муаллимларга қўлланма ҳисобланган ушбу китобда янги усул қоидаларини мукаммал равишда баён қилади ва уларни бирма-бир санаб кўрсатади. Таълим жараёни доимий равишда узлуксиз амалга оширилиб, қуйидаги кўрсатмаларга асосланиши керак эди: бир синфда ўқувчилар сони 30 дан ортмаслик, уларни даражаларига қараб ажратиш, йилда икки марта, йил бошида ва ўртасида ўқувчилар қабул қилиш, янги қабул қилинганлар учун янги синф очиш, бир кунда 4-5 соат дарс, ҳафтада 6 кун ўқув жорий қилиш, дарслар 45 дақиқа давом этиб, кейингиси билан орасида 10 дақиқа танафус жорий қилиш, турли фанларни қамраб олган дарс жадвали тузиш, ўқувчига ҳар хил матнларни ёд олдирмаслик ва ҳоказо⁵⁰.



XX аср бошларида Тифлисида нашр қилинган «Мулла Насриддин» журналининг 1909 йилги сонларидан бирида чоп этилган карикатура (И. Гаспринский маҳаллий дин пешволари ва рус амалдорлари томонидан қаттиқ эзилиши)

Усули савтияни амалиётда қўлланишини жадаллаштириш учун, юқорида айтиб ўтганимиздек, Гаспринский бошланғич синфлар учун дарслик тайёрлаб нашрдан чиқарди. У томонидан тайрланган дарслик 4 қисмдан иборат бўлиб, оsonдан қийинга йўналтирилган эди. Дарсликдаги ҳар бир дарс олдингисини

⁴⁹ Гафаров С. Указанная книга, стр. 53.

⁵⁰ Lazzarini E.J. Ismail Bey Gasprinskii and Muslim modernism in Russia. 1878-1914, University of Washington. Ph.D., 1973, p. 186.

давом эттиради. Бу усул ўқувчиларни дарс мазмунини осон ўзлаштиришлари учун жуда қулай эди. Гаспринский ислом мутассиблигини енгган ҳолда дарсликда ҳар бир мавзу болага янада тушунарлироқ бўлиши учун турли предметлар, ҳайвонлар, қушлар ва ҳашоротлар расмларини кўргазма сифатида илова қилади. Бу дарсликнинг номи “Хўжаи сибён” эди. Дарсликнинг муқовасида “*Болаларнинг бесаводлиги учун ота-оналари масъулдир*”, деган шиор катта қилиб ёзиб қўйилган.

Дарсликнинг биринчи қисми алифбодан бошланади. Ўқувчи бир ҳарф билан танишгандан сўнг муаллим унга ҳарфнинг ёзилиш шакллари кўрсатади. Ўқувчилар бир вақтнинг ўзida ўтилган ҳарфни ҳам ўқишни, ҳам ёзишни ўрганиб борадилар. Ўқувчи ҳарфни эсида осон сақлаб қолиши учун ҳарф катта қилиб ёзилиб, ёнида шу ҳарф билан бошланадиган предмет ёки ҳайвон расми берилган. Алифбони тўла ўрганиш учун 27 махсус дарс белгиланган. Ўқувчи алифбонинг ҳамма ҳарфларини тўла ўзлаштириб олганидан кейин кичкина ҳикоялар ўқишга ўтади. Ҳикоялар ўқиб тугатилганидан сўнггина араб тили асосларини ўрганишга ўтилади. Бунинг учун 13 дарс белгиланган.

Дарсликнинг иккинчи қисми муқовасида “Турк тилини ўрганиш учун махсус дарслик” деган ёзув бор. Бу қисм “Она тили ва араб тили асослари” мавзуси билан бошланади. Муаллиф бу ерда болалар берилган матнларни англаган ҳолда тўла тушунишлари кераклигини уқтиради. Боланинг ўқиш малакасини шакллантириш учун бу қисмга бир неча ҳикоялар киритилган. Гаспринский, ҳар бир ўқувчи ҳикояни оғзаки ўқиганидан сўнг сўзлаб бериши ва уни тўла ўзлаштирганидан сўнг кейингисига ўтиши кераклиги тўғрисида тавсиялар беради.

Учинчи қисм “Ўқишга ўргатиш ва фойдали хабарлар” деб номланган. Ўқиш учун қуйидаги матнлар тавсия қилинади: “Қрим”, “Дунё одамлари”, “Ишонч”, “Ахлоқ”, “Чўпон қизи” (шеър), “Эшак ва булбул”, “Чумоли ва чигиртка”, “Тиришқоқ бола”, “Рус тарихидан”, “Вулқон”, “Тулки ва турна”, “Қрим хонлиги”, “Икки рус боласи”, “Қайиқда саёҳат”, “Биз ўқишимиз керак”.

Тўртинчи қисм ҳам олдингиси каби номланган бўлиб, ўқиш учун қуйидаги матнлар берилган: “Қрим-яшил орол” (шеър), “Асир ва шер”, “Икки буюк шоир” (Навоий ва Пушкин), “Русия аҳолиси”, “Шимол мамлакатлари”, “Денгиз

балиқлари”, “Жануб мамлакатлари”, “Хўжа Насриддин” (латифалар)⁵¹. Ушбу китоб оз муддатда 4 минг нусхада тарқалди.

Гаспринский ўз ғояларини тарғиб қилиш мақсадида турли йўллардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилди. Хусусан, ҳар йили ўтказилиб турган, Кавказ, Осиё ва Русиянинг турли тарафларидан мусулмон савдогарлари келадиган Макария ярмаркаси ана шу йўлларнинг бири эди.

“Кавказ, Осиё ва Русиянинг ҳар тарафидан мусулмон савдогарлари кўплаб йиғиладиган Макария ярмаркаси Нижний Нўвгород шаҳрида июл ойининг 15 дан августус ойининг 25 ига қадар давом этар эди. Мен ҳар йили бу ярмаркага бориб, беш-ўн кун давомида янги усулни тарғиб қилар эдим⁵²”.

1887 йили Боғчасаройдаги биринчи намуна мактаби муаллими Бакир афанди Эмакдор Рязан вилояти, Хон Кермон шаҳрига юборилади ва у ерда “Иккинчи намуна мактаби” таъсис қилинади. Нижний Новгород, Тамбов, Пенза вилоятлари мусулмонлари орасида усули савтия ва ислоҳи тадрисни ўргатиш ва ёйиш Бакир афанди зиммасига юклатилади.

Хон Кермон шаҳрида очилган мактабда таълим олаётган болаларнинг оталари ҳар йили Макария ярмаркасига борганлар. Бундан фойдаланган Гаспринский у ерда бўлган турли йиғинларда уларни шохидлар сифатида гапиртириб, зиёли савдогарларни янги мактаб очишга ташвиқ қилди.

“Бу қилинган тарғиботларнинг самараси ўлароқ саксонга яқин мулла Боғчасаройга келиб, усули жади́дани ўрганди. Мактаб таъкил қилиш йўлларини ўрганганларидан кейин ўқиган илмий китобларни ўзлари билан олиб кетдилар ва берган ваъдаларига биноан беш, олти йил орасида Русиянинг ҳар вилоятида икки-уч маҳалла мактаби ислоҳ қилинган эди⁵³”.

Гаспринский 1892 йили “Таржимон”да берган хабарига кўра янги усулни қабул қилган мактаблар сони 30 га етган. Бундан бир йил ўтиб, 1893 йилги хабарга кўра эса бундай мактаблар сони 60 дан ортган эди⁵⁴. 1906 йилга келиб эса янги усул мактаблари сони 5000 дан ортиб кетган⁵⁵.

⁵¹ Қаранг: Гафаров С. Указанная книга, стр. 56-57.

⁵² Исмоил Гаспринский. Турк юрдучиларина. Турк юрду, 1-жилд, 1912, 8-сон, 237-бет.

⁵³ Юкоридаги манба, 237-бет.

⁵⁴ Lazzarini E.J. Ismail Bey Gasprinskii and Muslim modernism in Russia. 1878-1914, University of Washington. Ph.D., 1973, p. 48.

⁵⁵ Исмоил Гаспринский. Турк юрдучиларина. Турк юрду, 1-жилд, 1912, 8-сон, 238-бет.

“1884 йили бошланган янгиланиш ва ислоҳот, - дея ёзади Исмоилбек, - 1906 йилда Боқчасаройдан то Қошғарга қадар ёйилди ва ерлик зиёлиларнинг қилган ҳаракатлари натижасида таассуб, ишончсизлик тамоман йўқ қилинган эди⁵⁶”.

1912 йили Гаспринский янги усулни қўшни мамлакатлардаги мусулмонлар орасида ҳам тарғиб қилиш мақсадида Мисрга бўлган саёхатидан сўнг Ҳиндистонга отланди. У ерда Исмоилбей биринчи намуна мактабини очишга муваффақ бўлди. Гаспринский параходда кетар экан, бутун ўй, фикрлари фақатгина мактаб ислоҳи, мусулмон болаларини билимли қилиш эди.

“...Параходда юк кўп эди: почтасида катта миқдорда пул борлигини ҳам айтишар эди. Лекин параходда, бутун ортиб кетаётган нарсаларидан ҳам қийматли, ҳинд мусулмонларига янада фойдалироқ бир нарса бор: 48 саҳифалик, 20 бандлик “Усули савтия алифбоси”. Бу алифбо китоби, бундан беш, ўн кун сўнгра урду лисонида чоп қилинади ва уч, беш муаллимга усул ўргатилиб, “Қулай ўрганмоқ” фикрини ёядадиган мужоҳидлар етиштирилади, буюк қитъанинг мусулмон вилоятларига тарқалади⁵⁷”.

Гаспринский Ҳиндистонга қадам қўяр, қўймас маҳаллий мактабларни бориб, у ердаги аҳвол билан танишди. Аҳволлари бизлардан ҳам ҳароб. Мажлис уюштирди. Мактаб очиш фикрини айтиб, болалар қирқ кун ичида урдуча ўқиб, ёза олишларини ўқтирди. Лекин бизда бўлган мутассиблик у ерда ҳам бор эди. Йиғилганлар барчаси ҳамду санолар айтишади, аммо ҳеч ким бу ишга бош қўшишга ботинмайди. Шу сабабдан ҳам юқорида у орзу қилган алифбони чоп қилишни кейинроққа қолдирди. Лекин кейинчалик ҳам алифбо нашр қилинганлиги ҳақида бирор бир маълумот учратмадик. Шундай бўлишига қарамай, Гаспринский усул ўргатиш учун бир муаллим топди ва унга тез фурсатда янги усул моҳиятини тушунтириб, етказди. 1912 йилнинг 2 март куни дуо санолар ўқилиб, Ҳиндистонда *“усули савтия билан таълим берадиган илк мусулмон намуна бошланғич мактаби, узоқ Қримдан келган бир турк тарафидан очилди...”*. Мактаб очилганидан сўнг яна уч муаллим усул ўрганиш истагини билдиради. Очилган биринчи намуна мактабининг икки ойлик сарф харажати *“Исмоилбекнинг “Таржимон” газетаси томонидан қопланди⁵⁸”*. Гаспринскийнинг амалга оширган

⁵⁶ Ўша ерда.

⁵⁷ **Исмоил Гаспринский**. Ҳинд йўлидан. *Турк юрду*, 1-жилд, 1912, 11-сон, 310-бет.

⁵⁸ Қаранг: **Исмоил Гаспринский**. Ҳинддан қайтишда. *Турк юрду*, 1-жилд, 13-сон, 369-371-бетлар.

бу муҳим иши борасида араб, турк ва бошқа турли газеталарда хабарлар берилиб, баҳсга сабаб бўлади⁵⁹.

Миллатнинг таҳсилга ҳаваси ортганидан янги мактаблар учун муаллим етиштириш масаласи кўндаланг бўлиб қолди. Гаспринскийнинг хабар беришича, шу мақсадда Муҳаммад Фотиҳ Каримий⁶⁰ 1901 йили Оренбургда ғайри расмий равишда “Муаллим дарсхонаси” очиб, Урал ва Сибир тарафлари учун кўплаб муаллимлар ҳозирлади. Икки йил фаолият кўрсатган бу дарсхона ҳукумат томонидан норасмий очилганлиги ваз қилиниб ёпиб қўйилган. Шу билан бир вақтнинг ўзида Қозон уламоларидан бўлган мударрис Олимжон Барудий⁶¹ ўз мадрасасида “Муаллим шўъбаси” очади ва яқин атрофга анча муаллим етиштириб беради⁶².

Йил сайин сони ортиб бораётган янги усул мактабларида дарсликлар муаммоси ҳам ўртага чиқди. Шу билан бир вақтнинг ўзида халқнинг ҳам афкорини мунаввар қилиб бориш керак эди. Гаспринский бу масалани ҳам бир қадар ҳал этишга ҳаракат қилди. Бундай китобларнинг баъзиларини ўзи таълиф қилди, баъзиларини Туркия, Россия, Франция ва бошқа мамлакатларда чиқарилган дарслик, ўқув қўлланмалар ва турли маълумотномаларни таржима қилиб, ўз босмахонасида нашр эттирди. Шунингдек, бошқа муаллифлар асарларини ҳам босмахонасида чоп қилди. Бундай китобларнинг сони 100 га яқин бўлган. Улардан⁶³:

1. Ўқув қўлланмалар⁶⁴:

1. “Кенгаш ва синовлар” (1889)
2. “Мактаб ва усули жади́д надир?” (1894)
3. “Раҳбари муаллим ёки муаллимларга йўлдош” (1898)
4. “Рисолаи тарғиб” (Аҳмад Фарид Ширвонов, 1894)

2. Дарсликлар:

1. “Усули жўғрофия: Жаҳоннома” (1887)

⁵⁹ Қаранг: Ҳиндистонда биринчи усули савтия мактаби. *Таржимон*, 1912, 16-сон, 2-бет. Ҳиндистонда бир турк мужаддиди. *Турк юрду*. 1-жилд, 1912, 344-бет. Иқтиҳом. 1912, 31 март. *Вақт*, 1912, 29 март.

⁶⁰ Муҳаммадфотиҳ Ғилонович Каримов (Фотиҳ Каримий) (1870 - 1937). Машҳур татар жади́д намояндаларидан. Оренбургда 1906 йилдан 1918 йилгача нашр қилинган “Вақт” газетасининг муҳаррири.

⁶¹ Олимжон Барудий (1857-1921). Диний ва жамоат арбоби; жади́дчилик ҳаракатининг кўзга кўринган вакилларида бири; Қозондаги “Муҳаммадия» мадрасасининг асосчиси.

⁶² Қаранг: **Исмоил Гаспринский**. Турк юрдучиларина. *Турк юрду*, 1-жилд, 1912, 8-сон, 238-бет.

⁶³ Қаранг: **Gaspıralı İsmail**. Seçilmiş eserleri: 2. Fikri Eserleri. İstanbul, Ötüken, 2004. Nesre Hazırlayan: Yavuz Akpınar, 54-57-бетлар. Китоблар рўйхати ушбу асардан олинди, тасниф қилинди.

⁶⁴ Китоблар шартли равишда тематика бўйича ажратилди.

2. “Дарёйи билик” (1889)
3. “Атласи мухтасар жаҳоннома” (1893)
4. “Қироати Туркий” (1894)
5. “Мухтасар тариқату-л-арз” (1897)
6. “Сарфи Туркий” (1897)
7. “Ҳисоб. Мухтасар илми ҳисоб ва масоили ҳисобия” (1898)
8. “Усули адаб. Шарқ ва ғарб қоидалари” (1901)
9. “Бадани инсон” (1901),
10. “Атласли жўғрофия” (1901)
11. “Усули ақоиди исломиядан мабодийи илми ҳол” (1901)
12. “Ҳисоб. Мухтасар аъмоли ҳамса ва масоили ҳисобия” (1907)
13. “Сарфи Туркий” (1907)
14. “Тарихи ислом. Ибтидоий мактабларга махсус асардир” (1910)
15. “Миллий мактаб дастаси” (1910)
16. “Шароиту-л-ислом”
17. “Муфассал илми ҳол рисоласи”
18. “Устои сибён”
19. “Энг аъло ва суҳулатбахш сулс”
20. “Насх ва таълиқ сармашқлар дастаси”
21. “Тажвид рисоласи”
22. “Сарф ва қавоиди Туркий рисоласи”
23. “Русия географияси” (Таржима қилганлар: Ҳожи Ҳалил Холидов, Бакир Ҳожи Али ўғли, 1885)
24. “Мухтасар тарихи ислом” (Мурод Бей, 1890)
25. “Космография” (М.Ш. Оқчура, 1895)
26. “Хайрияи Наби” (Наби, 1897)
27. “Арузи туркий” (М. Оқчурин, 1897)
28. “Насихати ҳукамо” (1897)
29. “Наводири нафиса” (М. Оқчурин, 1897)
30. “Кураи арзнинг сурати ташаккули” (М. Оқчурин, 1897)
31. “Насихати тиббия” (1901)
32. “Тасҳих. Ақоидотдан бир баҳс” (Абдулло Нематуллин, 1901)
33. “Тарихи имолот ва асари камолот” (1902)
34. “Тўғри йўл. Қирқ етти ҳадиси шариф” (1902)

35. “Усули ақоиди исломия. Илми ҳол” (Маҳмуд Масъуд, 1904)
36. “Мухтасари тарихи умумий” (Меҳмет Мурод, 1907)
37. “Чихл ҳадис. Қирқ ҳадис (Форсчаси: Жомий, Туркчаси: Навоий)” (1907)
38. “Таълими форсий” (Нун. Айн., 1911)

3. Омма учун маълумотномалар:

1. “Маданияти исломия” (1884, 1888)
2. “Маишат муҳорабаси” (1886)
3. “Холера вабоси ва унинг даво ва доруси” (1887)
4. “Касб ва тижорат муҳорабаси” (1889)
5. “Ғаройиби одати ақвом” (1890)
6. “Хазинаи ахбор” (1890)
7. “Ҳаво юзинда саёҳат” (1895)
8. “Рамазон насиҳати” (1898)
9. “Туркистон уламози” (1900)
10. “Машҳур пойтахтлар (Петербург, Истанбул, Лондон, Париж, Рим, Вена, Берлин. Расмли мажмуа)” (1901)
11. “Эрон. Расмли мажмуа” (1901)
12. “Юнон ҳукамоси” (1901)
13. “Хабаш ўлкаси” (1902)
14. “Мажлиси ҳукамои ислом” (1902)
15. “Маълумот. Расмли” (1902)
16. “Осиёда қўшниларимиз (Эрон, Афғонистон, Бухоро ва Чин ўлкалари ҳақида маълумоти мухтасара...)” (1903)
17. “Хотинлар” (1903)
18. “Қомуси илмия ва фанния” (1906-1908)
19. “Таржимон ҳадяси ёки газета очкичи” (1912)
20. “Насиҳати ҳукамо” (форсча)
21. “Жаҳолат дардининг дармони ва тадовийси усулининг шарҳ ва баёни” (Абдуссалом Охунзода, 1889)
22. “Истилои Туркистон” (Куропаткин. Таржимон: И. Гаспринский, 1889)
23. “Иъжази Қуръон” (Муаллим Ножи, 1896)
24. “Ер” (Шамсиддин Соми, 1897)
25. “Рамазон ҳадяси” (М. Оқчурин, 1897)
26. “Рамазон насиҳати” (М. Оқчурин, 1897)

27. “Мавлуди жаноби Али” (Сулаймон Жалолуддин, 1900)

4. Адабий-бадий асарлар:

1. “Икки баҳодир” (1886)
2. “Бахтиёр Нозим” (1889)
3. “Қисоси анбиё” (1894)
4. “Икки саройда бир кеча” (1905)
5. “Девони Ошиқ Умар” (М. Оқчурин, 1894)
6. “Крилов тамсилотидан таржималар” (Таржимон: Абдулғаффор Шайхзода, 1901)
7. “Зўраки табиб” (Мольер, 1901)
8. “Муколат ул-луғатайн⁶⁵” (Алишер Навоий, 1902)
9. “Мунтахаботи Маснавийи шариф” (Мавлоно, 1902)
10. “Ҳикояи Робинзон” (Даниел Дефо)

Гаспринский Қрим, Волга бўйи турклари⁶⁶ орасида янги усулни бироз оёққа турғизиб олганидан кейин Русия империясида яшаётган турк-мусулмонларининг деярли ярмини ташкил қилган Туркистон ўлкасига қаратди. Бу ердаги мактабларни ислоҳ қилиш орқали Туркистон мусулмонларини ҳам аждодлари каби буюк бўлишларини орзу қилди.

Юқоридаги мавзунинг қисқача якуни сифатида шуни қайд қилишга ҳақлимиз: Гаспринский 1884 йилгача бўлган назарий қарашлари, таклиф ва мулоҳазаларидан амалиётга ўтиб, катта машаққатлар эвазига биринчи янги усулдаги намуна мактабини очишга муваффақ бўлди. Мактаб учун биринчи муаллим тайёрлади ва биринчи дарслик, “Хўжайи сибён”ни нашр қилди. Қўрғазмали равишда ўтказилган биринчи имтиҳондан сўнг омманинг унга қизиқиши ортди ва улар болаларини бу мактабга бера бошладилар. Тез орада янгидан очилаётган ушбу турдаги мактабларга муаллим етиштириш муаммоси ҳам ҳал қилинди. “Хўжаи сибён” эса 4000 нусхада босилиб, тарқатилди. 1898 йилда янги усул муаллимлари учун Гаспринский томонидан ёзилган “Раҳбари муаллимин ёки муаллимларга йўлдош” қўлланмаси дунё юзини кўрди. Янги ва эски усул таққосланди, янги усул афзалликлари кўрсатиб берилди. Олиб борилган

⁶⁵ Бу Алишер Навоийнинг “Муҳокамат ул-луғатайн” асари. Проф. Явуз Акпинарнинг билдиришича Гаспринский асарни номини бироз ўзгартириб “Муколат ул-луғатайн” деб нашр қилдирган. Бу ҳақда қаранг: **Gaspıralı İsmail**. Secilmiş eserleri: 2, 56-бет.

⁶⁶ Татарлар орасидаги таълим ва тарбия ҳақида батафсил маълумот учун қаранг: **Тутаев М. З.** Развитие народного образования в Татарии. - Казань: Татарское книжное издательство, 1975; **Ханбиков Я. И.** История развития педагогической мысли татарского народа. - Казань, 1975; **Харисов Ф. Ф.** Национальная культура и образование. - Москва.: Педагогика, 2000.

тарғиботу ташвиқотлар натижаси ўлароқ, сармоядор мусулмон тужжорлари мактаб очиб, бола тарбиялаш ишига аралаша бошладилар. Эскилик тарафдорлари бўлган мусулмон мутассиблари қаршилигига қарамай усули жади́д мактаблари Боғчасаройдан Қашқаргача, Мисрдан Ҳиндистонга қадар кенг сарҳадда тарқалди. 1906 йилга келиб эса бундай мактаблар сони 5000 мингдан зиёда бўлди. 1884 йилдан 1914 йилгача “Таржимон” босмахонасида 100 га яқин турли муаллифлар қаламига мансуб янги мактаблар учун дарслик ва ўқув қўлланмалар, омма фикрини кенгайтиришга мўлжалланган турли маълумотларни ўз ичига олган расмий мажмуалар нашр қилинди.

2. ТУРКИСТОНДА ЯНГИ МАКТАБЛАР ТАШКИЛИ

XIX аср охирларида Туркистонда янги усулдаги мактабларнинг пайдо бўлиши миллий интеллигенциянинг шаклланиши ва ички Русиядан келган татар зиёли ва муаллимлари фаолиятлари билан боғлиқ⁶⁷.

Туркистонда янги усул мактабларининг пайдо бўлиши ўлкада рус-тузем мактабларининг ривожланиш йилларига тўғри келади. Татарлар томонидан бундай мактаблар йирик марказларда очила бошлади. Академик В.В. Бартольднинг ёзишича, бу марказларда татар мактаблари рус мактабларидан кўра кўпроқ муваффақият қозонди. Тошкентда 1910 йили 8 рус-тузем мактаби ва 16 янги усул мактаби бўлган. Қўқонда эса 1911 йили 162 ўқувчиси билан 2 рус-тузем мактаби ва 530 ўқувчиси билан 8 усули жади́д мактаблари фаолият кўрсатган⁶⁸. Давлат Думаси аъзоси С.Мақсудов эса ўзининг “Туркистон” газетасида эълон қилган мақоласида Тошкентда 1910 йили 20 та, Қўқонда эса 16 та янги усул мактаблари борлигини таъкидлайди⁶⁹.

⁶⁷ Туркистонда мактаблар ҳақида қўшимча маълумот олиш учун қаранг: **Наливкин В.П.** Школы у туземцев Средней Азии. // Сборник материалов для статистики Самаркандской области, 1887-1888 гг. Самарканд, 1889; **Остроумов Н.П.** Мусульманские мактабы и русско-туземные школы в Туркестанском крае. // Журнал Министерства народного просвещения, 1906, №1; **Бендриков К.Е.** Очерки по истории народного образования в Туркестане (1865-1924 годы). Москва, АПН РСФСР, 1960; **Рахимов Р.Р.** Традиционное начальное школьное обучение детей у народов Средней Азии (конец XIX начало XX вв.) – Памятники традиционно-бытовой культуры народов Средней Азии, Казахстана и Кавказа. Ленинград, 1989; **Кочаров В.Т.** Из истории организации и развития народного образования в дореволюционном Узбекистане. Ташкент, 1966; **Граменицкий С.** Положение инородческого образования в Сыр-Дарьинской области. Ташкент, 1916; **Граменицкий С.** Очерки развития народного образования в Туркестанском крае. Ташкент, 1896.

⁶⁸ **Бартольд В.В.** История культурной жизни Туркестана. Ленинград: Издательство Академии наук СССР, 1927, 136-137.

⁶⁹ Туркестан, 15 октября 1910 г.

Туркистонда бевосита империянинг маҳаллий мактаблар борсидаги сиёсати амалиётчиси бўлган миллатчи шовинист Н.П. Остроумовнинг ёзишича, ўлкада биринчи янги усул мактаблари Фарғона вилоятида пайдо бўлиб, 1890 йилларнинг бошларига тўғри келади⁷⁰. Бу мактаблар татар муаллимлари томонидан ўз миллатига мансуб болаларни ўқитиш мақсадида очилган эди. Шундай мактаблардан бири 1897 йили Андижонда, пахта тозалаш заводи қошида очилган⁷¹.

„Фарғона вилоятининг 1908 йил учун статистик маълумотномаси“да келтирилган сўзлар диққатга сазовор. Унда айтилишича, 1908 йили “биринчи маротаба” янги усул мактаблари ҳақида маълумотлар жамланган. Аслини олиб қараганда, бундай мактаблар “Фарғона вилоятида 10-12 йил олдин пайдо бўлган”. Уларнинг “тарқатувчилари эса батамом, Россиянинг ички губернияларидан келган татарлар бўлиб, уларнинг аксарияти ана шу мактабларда муаллимлардир”⁷².

Яна бир рус тадқиқотчиси А.Добросмысловнинг ёзишича, 1898 йили Тошкентда, Скобелев кўчасида биринчи татар қизлар мактаби очилган. Мактабда 45 ўқувчи қиз бўлиб, татар аёл дарс берган. Ушбу мактабдаги машғулотлар янги усулда олиб борилган⁷³. 1901 йили эса яна бир шундай қизлар мактаби очилган. Унда ҳам татар аёл муаллималик қилган ва машғулотлар янги усулда олиб борилган. Бу мактабда ўқувчилар сони 50 дан ошган⁷⁴.

Аслида, Туркистон ўлкасида биринчи усули жади́д мактаби очилиши бевосита Исмоилбей Гаспринский билан боғлиқ. 1890 йилларга келиб Гаспринский ўз ғояларини ёйиш учун назарини Туркистонга қаратди. Бу табиий эди. Чунки, Россия мусулмонларининг деярли ярми Туркистон ўлкасида эди.

1891 йилнинг кузида Россия Ички Ишлар Вазирлиги томонидан вазирликнинг масъул ходими Вашкевич В.В. мусулмон диний ташкилот ва мактабларида ўтказилиши мумкин бўлган ислохотлар тўғрисида маълумот олиш мақсадида Қримга юборилади. Вашкевич Қримга келганидан кейин, у ерда бир неча масъул одамлар билан, шулар қаторида Гаспринский билан ҳам учрашади. Гаспринский русча ўқиб, тарбия олганлигидан Қримда чор ҳукумати “одами”

⁷⁰ Қаранг: Бендриков К.Е. Очерки по истории народного образования в Туркестане (1865-1924 годы). М.: АПН РСФСР, 1960, стр. 252.

⁷¹ Ўша манба, 253-бет.

⁷² Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана. Ленинград: Издательство Академии наук СССР, 1927, 136.

⁷³ Добросмыслов А. Учебные заведения в г. Ташкенте. // Средняя Азия, №4, Ташкент, 1914, стр. 119.

⁷⁴ Ўша ерда, 119-бет.

ҳисобланиб, бевосита мактаблар ислоҳоти билан шуғулланаётганлиги сабабли Вашкевич унга мусулмон мактаблари ҳолати ва уларда ўтказилиши мумкин бўлган ислоҳотлар борасида бир маълумотнома тайёрлашни топширади. Гаспринский тез фурсатда маълумотнома тайёрлаб, унинг бир нусхасини Туркистон генерал-губернатори барон А.Б. Вревскийга, ўлкада мусулмон мактабларини ислоҳ қилиш ва янги усулни жорий қилиш таклифлари билдирган мактуб билан юборади⁷⁵. Гаспринский ушбу мактубда янги усулнинг моҳиятини баён қилар экан, шу пайтгача жорий 6 йиллик бошланғич мактабларни икки, ҳатто бир ярим йилга тушириш, қолган муддатда рус тили ва маданиятини ўргатиш мумкинлигини, фақат уларни ўргатиш ерли зиёлилар қўлига топширилиши лозимлигини билдирди ва ушбу мактабларнинг ўлкада ташкил қилинишида ёрдам сўради⁷⁶. Генерал-губернатор мактубни ўрганиш учун ўша вақтда Тошкент ўқитувчилар семинарияси директори бўлган Н.П. Остроумов ва ўлка билимдони ҳисобланган В.П. Наливкинга топширади.

Н.П. Остроумов, хат билан танишиб чиқиб, Гаспринскийнинг журъатиغا хайрон қолганлигини ва “...бу масаланинг Туркистон туб аҳолисига бевосита алоқаси йўқ, номаъмурий шахс томонидан муҳокама қилиниши йўл қўйиб бўлмайдиган иш”,-дея таъкидлайди. Мактубда билдирилган фикрлар “...ўқув маҳкамаси учун ҳам Туркистон ўлкасида маҳаллий маорифни ташкил этишида ҳам қўлланма сифатида қабул қилиниши мумкин эмас”, деган хулоса беради⁷⁷. В.П. Наливкин ҳам ўз навбатида маслакдоши Н.П.Остроумов фикрларини маъқуллаган ҳолда “Туркистонда ўқув соҳасида олиб бораётган сиёсатимизда Гаспринский каби бир одамнинг фикрларига рағбат қилинса, Рус ҳукумати бундан пушаймон бўлади”,-деб таъкидлайди. “Гаспринскийга ишониб бўлмайди, чунки у ўзи чиқараётган “Таржимон” газетаси орқали рус сиёсатиға қарши фикрлар билдирмоқда⁷⁸”, деган сўзлар билан ўз хулосасини якунлайди. Генерал-губернатор

⁷⁵ Қаранг: **Lazzerini E.J.** Ismail Bey Gasprinskii and Muslim modernism in Russia. 1878-1914, University of Washington. Ph.D., 1973, p. 30. Бу асарда К.Е. Бендриковнинг юқорида номи келтирилган китобига таянилган ҳолда Туркистон генерал-губернаторини Н.О. Розенбах, деб тилга олинади. 1892 йилда ўлка генерал-губернатори барон А.Б. Вревский эди. Розенбах эса 1889 йили ўз вазифасидан озод қилиниб, ўша йили Петербургда вафот этади. Бир қатор туркиялик мутахассислар **Меҳмет Сарой** (Gaspıralı Ismail Bey'den Atatürk'ke. Türk dünyasında dil ve kultur birliği. Istanbul, 1993, 35-бет), **Нодир Давлат** (Ismail Bey (Gaspıralı). Ankara, 1988, 63-бет) ҳам ўз навбатида Лаззеринининг диссертациясига таянган ҳолда ушбу хатони такрорлайдилар.

⁷⁶ Бу ҳақда тўла маълумот олиш учун қаранг: **Исмоил Гаспринский**. Туркистон генерал-губернаторига мактуб. // *Гулистон*, 1995, 2-сон, 56-58-бетлар.

⁷⁷ Қаранг: Остроумовнинг жавоби. // *Гулистон*, 1995, 1-сон, 42-43-бетлар.

⁷⁸ **Lazzerini E.J.** Ismail Bey Gasprinskii and Muslim modernism in Russia. 1878-1914, University of Washington. Ph.D., 1973, p. 31. **Saray Mehmet.** Gaspıralı Ismail Bey'den Atatürk'ke. Türk dünyasında dil ve kultur birliği. Istanbul, 1993, 36-бет.

юқорида берилган хулосаларга асосланиб, Гаспринскийнинг Туркистондаги мусулмон мактабларини усули жади́д мактабларига айлантириш таклифлари ифодаланган мактубини жавобсиз қолдирди⁷⁹.

Исмоилбей мактубига жавоб олмагач, ўзи Туркистонга йўл олди. Туркистонга бўлган саёҳат тафсилотлари кейинги фаслда батафсил ёритилади. Унинг сафари 1893 йилнинг ёз ойларига тўғри келади. Гаспринский Самарқандга келган вақтида ўша пайт у ерда истиқомат қилаётган татар миллионери Абдулғани бой Ҳусайинов уни ўз уйига меҳмонга чақиради. Абдулғанибой Гаспринскийдан “...саёҳатингизнинг бир нишонаси сифатида бу шаҳарда усули савтияни кўрсатишингиз керак”, - деб илтимос қилади. Гаспринский усулни ўргатиш учун 30-40 кун Самарқандда қола олмас эди. Шунинг учун ҳам “савқи муҳаббат ила саёҳатда хамроҳ бўлиб келган муаллим ва адиб ширвонлик Мажидбек Ғанизода”га қараб, “...юзига қарадим, кўнгилдан кўнгилга айтган илтимосимни англаб, қалбан рози бўлди”, - деб ёзади. Мажидбек Ғанизода Самарқандда 40 кун қолиб, “бир мактабда усули савтиянинг тартиби ва маҳсулини кўрсатди ва у вақт ўқишни енгиллаштириш масаласидан бебаҳра бўлган туркистонлилар орасида “Мошинали мактаб, мошинали алифбо” ибораларининг пайдо бўлишига сабаб бўлди”. Лекин бу мактаб кўп вақт фаолият кўрсата олмади. “...Биз ожизларнинг ихтиёридан бўлмаган сабабларга кўра биринчи Самарқанд мактаби кўп фаолият кўрсатмади. Янги мактаб беркитилди...”⁸⁰.

Гаспринский Боғчасаройга қайтди. Мактаб ёпилишига қарамай “маориф нури сўнмади, балки қул остида ёна-ёна бир кун ортиқ сўнмаслик узра оловланди”⁸¹. 1895-1901 йилларда Тошкентда тўртта усули жади́д мактаблари ташкил қилинган эди⁸². Бундай мактаблар Туркистоннинг барча жойларида бирин-кетин очила бошлади. 1898 йили Хивада оренбургли Муҳаммад Вафо ва мулло Абдурахмон афандилар томонидан усули савтия мактаби очилди. Лекин бир ой давом этган фаолиятидан кейин “таассубнинг зиёда ўлдиғини англайиб, Урганч шаҳрина кетдилар ва у ерда усули савтия мактаби кушод этдилар”. 1907 йилда эса Хива аҳолиси ўша вақт валиахд бўлган Исфандиёр тўрага арз қилиб, феврал ойида Қозондан Олимжон Барудий мадрасасидан икки муаллим

⁷⁹ Қосимов Б. Миллий уйғониш. Т.: Маънавият, 2002, 23-бет.

⁸⁰ Муаллими шахир. Олами сибён, 45-сон. Бу ҳақда яна: Мажидбек Ғанизода. Таржимон, 1906 йил 15-сон. Исмоил Гаспринский. Турк юрдучиларина. Турк юрду, 1-жилд, 1912, 8-сон, 237-238-бетлар. Шариф Б. Ғанибой Ҳусайинов ҳам фирмаси тарихи. Оренбург, 1913, 126-128-бетлар.

⁸¹ Юқоридаги манба.

⁸² Қосимов Б. Кўрсатилган манба, 23-бет.

чақиртирилди. Бу муаллимлар янги очилган “Мактаби Маҳрабий” ва “Мактаби жади́д”га тайинландилар. Хива валиаҳди янги мактаблар очиш, уларни назорат қилиш учун бир нозир ҳам тайинлади. Юқоридаги мактаб ўқувчилари биринчи имтиҳон топширганларидан сўнг эса, Исфандиёр тўра яна Олимжон Барудий мадрасасидан бир муаллим чақиртириб, янги мактаб ташкил қилди. Мактаби Рушдия (ўрта мактаб) очиш тараддуди бошланди.

“Келажак май ойида ишооллоҳ, рушдия мактаби очилади. Мактабнинг соҳиби вузаройи киромдан Исломуҳжа жаноблари бўлиб, муаллими эса Аҳмад Нуриддин афандидир⁸³”.

Хивада очилган, юқорида номи келтирилган икки мактабнинг 113 талабаси 1907 йил 28 майда валиаҳд ва вузаройи киромнинг олдида, 31 май куни эса қозилар, муфтийлар ва охундлар ҳузурида имтиҳон топширдилар. Имтиҳондан сўнг, йиғилганлар яна икки муаллим таклиф қилиб, мактаб очишга аҳд қилишади. Янги мактаблар нозир Рамазон Муҳаммад Каримзода бу ҳақда барчага эълон қилди⁸⁴.



«Таржимон» газетасининг 1912 йил 7 октябрдаги «Тилда, фикрда, ишда бирлик» шиори билан чиккан биринчи сони

Хива хонлигининг бош вазири Саййид Исломуҳжа ҳам хонликда “замонга кўра илм ва маърифат тарқатишни ҳар нарсадан устун кўриб, Хивага русча ва татарча муаллимлар олиб келган ва бир қанча усули жади́да мактаблари очдирган эди. Ўз маблағи ҳисобидан бир мактаб қўрдирди⁸⁵”.

“Таржимон”даги яна бир хабарда ушбу шахс борасида куйидаги фикрларни учратамиз:

⁸³ Қаранг: Хивадан мактуб. *Таржимон*, 1907 йил, 34-сон. Хивадан мактуб. *Таржимон*, 1908 йил, 4-сон.

⁸⁴ Қаранг: Хивадан мактуб. *Таржимон*, 1907 йил, 47-сон.

⁸⁵ Мархум Саййид Исломуҳжа. *Таржимон*, 1913 йил, 187-сон.

“...Бир қанча йиллардан бери “Таржимон”ни мутолаа қилган Ўрта Осиё умаросидан бири эди. ...Мактабларнинг ислоҳи хусусида идорамизга мурожаат қилиб, нашр қилаётган китобларимиздан кўплаб олдирган ва усули савтиянинг ер олиши ва ёйилишига қаттиқ киришган эди”⁸⁶.

Валиаҳд Исфандиёр тўра тахтга ўтирганидан кейин ҳам янги усулдаги мактаблар очилишига ҳомийлик қилди.

“Хива хони Исфандиёр ҳазратларининг тахтга ўтирганига уч йил бўлди. ...Усул ва тарбиядан хабардор 3-4 муаллим олиб келиб, саройга мансуб тўраларнинг болаларини ўқита бошлади. Валиаҳд Темур Ғози тўра ёнига 20 дан ортиқ бола тўплаб, Русиядан чақиртирилган муаллим Мухтор Бакир афандининг тарбиясига берилди. Яна шу вақт Русиядан олиб келинган икки муаллим тарафидан халқ болалари ҳам тарбияли бир мактабда ўқитила бошладилар. Биринчи йили 80 бола ўқиди. Бу мактабнинг гўзал натижалари кўрилиши билан янги катта бир усули жадида мактаби қурилишига фармон берди”⁸⁷.

Бу маълумотлардан кўриниб турибдики, Хива хонлигида усули савтия мактабларини ташкили билан бевосита мамлакат бошида турган шахслар жиддий шуғулланганлар ва бир қанча мактаблар ташкилига бош-қош бўлганлар.

Хива мамлакатада маҳаллий халқ орасидан муаллим йўқлигига, миллий алифболар яратилмаётганлиги ва Ўрта Осиёда ўқиётган болалар билан муаллим бир миллатда бўлиши кераклиги тўғрисида чор ҳукумати қабул қилган қонун амалга кирганидан кейин “Таржимон” ўз таклифларини ҳам билдириб борди.

“...мактабларнинг очилиши, кўпайиши лозим. ...Боқчасаройдан олинган дарс китоблари, Қозондан чақирилган муаллимлар Хивага энди тўғри келмайди, ярашмайди.Энди Хиванинг ўзидан муаллимлар етиштирмоқ керак ва Хивада чоп этиладиган алифболарни яратмоқ керак. Бунда ҳам ҳеч бир кимса зарар кўрмайди. Тошкандда мана шундай тартиб жорий бўлди”⁸⁸.

Бухоро амирлигида янги мактаблар очилиши Хива хонлигидан бироз мураккаброқ кечди. Бухорода янги усул мактаблари 1906 йилда татарлар томонидан очилди. “Маълумингиз борки, Бухоройи шарифда учинчи йилдан бери

⁸⁶ Саййид Ислохўжа. *Таржимон*, 1913 йил, 278-сон.

⁸⁷ Хива тамаддун йўлинда. *Таржимон*, 1914 йил, 75-сон.

⁸⁸ Саййид Ислохўжа. *Таржимон*, 1913 йил, 278-сон.

нўғойлар (Русияли турклар)нинг усули савтия мактаблари ишлаб турипти⁸⁹ дейилади Бухородан “Таржимон”га юборилган бир мактубда. Гаспринский 1908 йили Туркистонга қилган иккинчи саёҳати вақтида Бухорога келди ва у ердаги жади́дчилик ҳаракати вакиллари билан учрашди. Шундай йиғилишларнинг бирида Бухорода янги усул мактаби очишга келишилди. Мактаб Бухоронинг марҳум амири Музаффариддин шарафига “Музаффария”, деб номланди⁹⁰. Гаспринский бу мактабга марҳум Музаффариддин номи беришни тавсия қилиши ҳам бежиз эмас. Бу билан у Бухоро амири Абдулаҳадхоннинг яна бир бор мактаблар ислоҳоти муаммосига назарини қаратмоқчи бўлган эди. Лекин бу ҳам амирга таъсир кўрсата олмади.

1908 йилда маҳаллий зиёлилар тарафидан бир тожик мактаби усули савтия мактабига айлантирилди. Мактаб бир йил тўла фаолият кўрсатганидан сўнг, ўқувчилар имтиҳон қилинди. Имтиҳонда қатнашган муфти Икром домулла бу мактабларни кўпайтириш кераклигини ва мамлакат хазинасидан молиялаштирилишини айтиб, Қушбегига мактуб йўллайди. Қушбеги Дониёлхўжа ҳам ушбу мактаб ва усул фойдали эканлигини тасдиқлайди. Бунинг оқибатида шу йилнинг ўзида 5-6 янги усул мактаблари очилиши мўлжал қилинди. Лекин мутаассиб дин уламолари муфти Икром домуллага қарши чиқиб, ушбу мактабни беркитиш йўлига тушадилар. “*Бу мактаблар бидат, хилофи шариат. Булари мутлақ ёпмоқ керак*”,-дея жар солдилар. Бутун Бухорода шов-шувга сабаб бўлди. Қушбеги эса шов-шувни бостириш учун мактабни ёпишга фармон берди. Бунинг натижасида татар муаллимлари мактабларида таҳсил олаётган маҳаллий миллат болалари ҳам мактабдан чиқарилди. “*Нўғой мактабидан 40 бухороли бола чиқариб олинди. Ёлғиз беш-олти нўғой болалари қолди*”. “Таржимон” бухоролиларга сабр-тоқат тилади⁹¹.

Мактаб атрофидаги жанжал катталашди. “Таржимон” эса воқеаларни батафсил ёритди⁹². Қози калонга очиқ мактуб ҳам йўллади⁹³. Гаспринский Қози калонга яна бир бор усули жади́д нима эканлиги, уни эски мактаб усулидан фарқини тушунтиришга ҳаракат қилди. Ҳатто, Бухорода бўлаётган бу ҳодисалардан бутун олам аҳли хабардор бўлганлиги хабарини берди.

⁸⁹ Қаранг: Бухоро мактублари. *Таржимон*, 1909 йил 40-сон.

⁹⁰ Айний С. Бухоро инкилоби тарихига материаллар. М., 1926, 32-бет. Турдиев Ш. Гаспринский и Средняя Азия. // *Культура Центральной Азии*, 2001, №6.

⁹¹ Қаранг: Бухоро мактублари. *Таржимон*, 1909 йил, 40-сон.

⁹² Бухоройи шарфдан мактуб. *Таржимон*, 1909 йил, 41-сон. Бухородан мактуб. *Таржимон*, 1910 йил, 2-сон.

⁹³ Сартож уламо Қози калон ҳазратларина очиқ мактуб. *Таржимон*, 1909 йил, 42-сон.

“Бухоройи шарифда қаттиқ музокара қилинган усули савтия ва ўқишни енгилатадиган алифбо масаласи Истанбулдан ташқари Европа назарини жалб этмоқда. ...Маиҳур шарқиунос А. Вамбери жаноблари идорамизга йўллаган мактубида, Бухоронинг баъзи уламози эллик йил олдинги таассубдан қолмаганлигини баён қилиб, таассуф ила “Маснавийи шариф”дан муносиб сатрлар келтирибди⁹⁴”.

Бухоро мутаассибларга қарата Гаспринский аччиқ сўзларни айтди.

“Эй, жоҳиллар! Илм олишни осонлаштириш ва бу йўлда иш олиб бориш ҳаром эмасдир. “Робби яссир ва ла туассир” (“Роббим осон қилгин, қийинлаштирмагин”) ояти жалиланинг маъноси ҳам шуни англатади. ...Болаларга ёзув ўргатиш ва машиқ қилдириш ҳаром эмас. Ёзувни билмоқ ярим илмдир, иборасининг маҳсулидир. ...Эй фаҳмсизлар! Буларнинг ҳаром эканлигини қайси оятда, қайси ҳадисда, қайси тафсирда кўрдингиз? Кўр, сўқирлик ва шайтоний иллатларингиз билан оламга хожса бўлган Туркистонни сиёсий жиҳатдан барбод қилдингиз. Бу етмагандек, ҳозирги замонда бутун дунё фан ва маърифат қозонида қайнаган бир вақтда миллатни жоҳил, ҳунарсиз, маорифсиз қолдириб, уни ҳам бундан баттар барбод қилишни истайсизми? Эй риёкорлар! Шариат, шариат деб ҳукмдорларни алдаганингиз етмайдими? ...Фараз қилайлик, усули савтия, ўқишни осонлаштириш, ёзувни билмоқ ва ҳисоб ҳаром бўлсин... Ўғил болаларни қизлардек кийинтириб, олдингизда, мажлисларда рақс ўйнатмоқ, қиз ҳисоблаб тизаларга ўтқизмоқ ва... гуноҳ ҳисобламай, қайси оят ва ҳадис билан уни тасдиқ қилиб, одатга жорий қилдингиз?⁹⁵”.

Мақола салкам икки саҳифани эгаллайди. Туркистонда кенг тарқалган баччабозлик илллати жамиятнинг барча қатламида илдиз отган эди. Илм даргоҳи, бутун мусулмонлар назарида диний илмлар боғи бўлган Бухоро мадрасалари, Тошкент, Самарқанд мадрасалари бу иллатнинг ўчоғига айланган эди⁹⁶. Хуллас,

⁹⁴ Ахторлар. *Таржимон*, 1909 йил, 49-сон.

⁹⁵ Бухоройи шариф. *Таржимон*, 1910 йил, 17-сон.

⁹⁶ Туркистонда баччабозлик ҳақида XX аср бошида битилган барча асарларда, хусусан Айний, М.Мухаммаджонов хотираларида ҳам батафсил маълумотларни учратиш мумкин. Қаранг: **Айни Садриддин**. Собрание сочинений. Том третий. Бухара (воспоминания). Москва, 1960; **Мухаммаджонов М.** Турмуш уринишлари (бир муллабаччанинг хотира дафтари). Тошкент: Ўзбекистон Давлат нашриёти, 1926. Сўнги вақтларда Туркистонда баччабозлик ҳақида айрим

Бухорода янги усул мактаблари жуда катта курашлар, мужодалалар эвазига очилди. Мактаб очганлар “кофир”, “дахрий” деб, бутун халқнинг назаридан қолдиришга ҳаракат қилинди.

Файзулла Хўжаев ўз хотираларида Бухородаги ушбу мактаб борасида қуйидагиларни ёзади:

“Абдувоҳид Бурҳонов мактабида 1908 йил ота-оналар, уламо ва шаҳар фозиллари олдида тантанали имтиҳон ўтказишга қарор қилинди. Бу имтиҳонга Бухоронинг турли тоифаларига мансуб бошқа одамлар ҳам келган эдилар. Имтиҳон давомида йиғилганлар орасида баҳс бошланиб кетди. Улар икки тоифага ажралиб қолдилар. Баҳс янги мактаб ва ундаги таълим хусусида эди. Мулла Иқром бошчилигидаги бир тоифа одамлар янги мактабни ҳам шакл, ҳам тузилишига кўра халқнинг ривожини учун ўта фойдали ва мусулмончиликка ҳамда давлатга қарши ҳеч бир нарса топмадилар. Шунинг учун ҳам улар жади́длар бошлаган ислоҳни маъқул топиб, ҳатто мадрасаларни ҳам шу тартибда ислоҳ қилиш керак, деган фикр билдирдилар. Мулла Абдурозик бошчилигидаги иккинчи гуруҳ эса янги усул мактабларини зарарли, мусулмончиликка тўғри келмайдиган ва давлатга қарши бўлганлигини иддао қилиб, ҳар томонлама унга қарши курашишга чақирди. Бу гуруҳ янги усул мактабига қарши қуйидаги далилларни асос қилиб кўрсатдилар: 1) мактабдаги таълим усули мусулмонча эмас, у русча (болалар партада ўтириб, бир вақтнинг ўзида ҳам ёзиб ҳам ўқийдилар ва ҳоказо); 2) янги усул мактаблари тузилишига кўра ҳам, унда дин сабоқлари ўргатилишига қарамай ислом қоидаларига жавоб бермайди. Дин дарслари бузуқ шаклда олиб борилади. Ундан ташқари, янги мактабда арифметика, география, хусусан табиатишунослик дарслари ўқитилади. Табиатишунослик умуман мусулмончилик дунёқарашига тўғри келмайди⁹⁷”.

Бу имтиҳондан сўнг Бухоро жамияти икки тоифага – жади́длар ва қадимчилар⁹⁸га бўлинди. Таассуфки, бу курашда ҳали қувватланиб улгурмаган

илмий асрлар ҳам пайдо бўлди. Масалан, **Baldauf Ingeborg**. Die Knabenliebe in Mittelasiien: Bacabozlik. Berlin: Verl. das Arab. Buch, 1988.

⁹⁷ **Ходжаев Ф.** Избранные труды в трех томах. Т. I. - Ташкент: Фан, 1970, стр. 89-90.

⁹⁸ Жади́дчилик ва қадимчилик муносабатлари ҳақида батафсил маълумот олиш учун қаранг: **Gaspıralı İsmail**. Kadımcılık-Ceditcilik. – **Gaspıralı İsmail**. Secilmis Eserleri: II. Fikri Eserleri.

Бухоро жади́дчилиги мағлуб бўлди. Мактаб ёпилади. Ҳукумат одамлардан янги усул мактабларида бола ўқитмаслик ҳақида тилхат олади. Бухорода жади́д номи динсизлик билан боғланди. Шунга қарамай Бухоро жади́длари ишларида давом этдилар. Бир неча йилдан сўнг Абдубахил Бурҳонов, Усмон Хўжаев⁹⁹, Мукомил Бурҳонов¹⁰⁰ лар томонидан яна янги усул мактаблари очилди.

1913 йил охири 1914 йил бошларида Амир томонидан яна жади́д мактаблари қатағонга учради. Фитрат, Ато Хўжаев¹⁰¹ ва бошқа жади́длар Бухорони тарк қилиб, амирликнинг бошқа шаҳарларида мактаб очиб фаолият олиб бордилар. Амир ва уламолар томонидан қанча қаршиликка учрамасин, Шаҳрисабз ва Каркидаги янги усул мактаблари ёпилмади. Чунки бу вақтга келиб халқ бу мактабларнинг асл моҳиятини тушуниб, уларни қаттиқ ҳимоя қила бошлади.

Самарқанд шаҳрида 1893 йили очилган биринчи намуна мактаби “*пайдо бўлганидан бир қанча йиллар сўнгга уламои киромдан муфти Маҳмудхўжа Бехбудхўжа ўғли, савдогар Боязидов жаноблари ва маҳаллий ёшлардан мулла Абдулқодир Шакурий афандиларнинг ҳиммати маорифпарвароналари соясида иккинчи янги мактаб таваллуд этди*”¹⁰². Бу Абдулқодир Шакурийнинг мактаби эди. Гаспринский бу мактабни “*мужоҳид, фидойи мактаб*”¹⁰³, - деб таърифлади. 1901 йили самарқандлик шоир Сиддикий Ажзий Ҳалвойи қишлоғида янги усулда мактаб очди¹⁰⁴. Самарқандлик Саййид Аҳмад Васлий эса ўзи очган мактаб ҳақидаги хабарни “Таржимон”га юборди.

“...Ушбу сентябрнинг 11 инчи явминда дуо санолар ила “Таржимон” муҳаррирининг шаҳари зиёрат этдигининг ёдгорина “Қўш ҳовуз”

Istanbul: Ötüken, 2004, s. 273-286; Wennberg, Franz: An Inquiry into Bukharan Qadimism. Mirza Salim-bik. Berlin: Klaus Schwarz Verlag, 2002; Stéphane A. Dudoignon. Qadîmiya as a Historiographical Category. The Question of Social and Ideological Cleavages Between "Reformists" and "Traditionalists" among the Muslims of Russia and Central Asia, in the early 20th century. – *The Reform Movements and Revolutions in Turkistan (1900-1924)*. Edited by Timur Kocaoglu. SOTA, Haarlem 2001, p. 159-178.

⁹⁹ Усмон Хўжаев 1878 йил Ўшда туғилган. У Фитрат ва бошқа жади́дчилар билан бирга 1909 йили Истанбулда Бухоро Тамими Маъориф Жамияти Хайрияси номли ташкилот тузиб Бухоро ва Туркистондан Истанбулга таълим олиш учун талабалар олиб келишга имконият туғдиради. У 1913 йил Бухорога қайтгач, жади́дчилик ҳаракатининг йирик вакилларида бирига айланади, Бухоро Халқ Шўролар Жумҳуриятининг 1920 йилда молия вазири ва 1921 йилда президенти бўлади. 1968 йил Туркияда вафот этган. Timur Kocaoglu, Osman Koja (Kocaoglu) Between Reform Movements and Revolutions. *The Reform Movements and Revolutions in Turkistan (1900-1924)*. Edited by Timur Kocaoglu. SOTA, Haarlem 2001, p. 31-46.

¹⁰⁰ Мукомил Бурҳонов – Бухоро жади́дларининг кўзга кўринган вакилларида бири. 1916 йилдан “Ёш бухоролилар” ҳаракатининг бошлиғи.

¹⁰¹ Ато Хўжаев (1894-1938) – Туркияда таълим олган; Бухоро жади́дларидан; янги мактаб очиб, унда таълим берган.

¹⁰² Муллими шахир. *Олами сибён*, 1910 йил, 45-сон.

¹⁰³ Юқоридаги манба.

¹⁰⁴ Қосимов Б. Маслакдошлар.Т.: Шарқ, 1994, 47-бет.

маҳалласинда “Мақтаби ислоҳ” номи-ла усули савтия мактаби очилди. Мактаба 30 шогирд қабул ва бир муаллим ила икки муовин тайин эдилмишлар¹⁰⁵.”

1912 йили Самарқандда Шакурый мактабидан ташқари яна иккита усули жади́д мактаби бўлган¹⁰⁶. 1913 йилда эса Шакурый томонидан қизлар мактаби ҳам очилди¹⁰⁷.

Қўқонда биринчи усули жади́д мактаби 1900 йили 11 февралда муаллим Салоҳиддин афанди томонидан очилди. Мактаб 10 йил фаолият кўрсатди ва 1910 йили ҳукумат томонидан ёпиб қўйилди¹⁰⁸. 1912 йили “Муҳаммадия” номли янги усул мактаби очилиб, унинг 9 банддан иборат низомномаси Гаспринскийга юборилди¹⁰⁹. Фарғона вилоятида янги усул мактаблари йил сайин ортиб, 1914 йилда биргина Қўқон шаҳрида 23 та усули савтия мактаби бор эди. Шаҳар қозиси Камолиддин ҳазратлари шаҳар бозорида 3 минг рубл сарфлаб янги мактаб биноси қурдирди. Шунингдек, шаҳар бойларидан Назирбой, Тожиддинбой, Пўлатбой, Раҳимжон ҳожи, Мирзоҳидбой, Юнусҳожи, Аминжонбойлар ҳам ўз ёнларидан бир, икки мактабни моддий жиҳатдан қўллаб туришган¹¹⁰.

Тўрақўрғонда Исҳоқхон Ибрат 1886 йилдаёқ эски мактабларга нисбатан бирмунча илғор бўлган мактаб очди. Иккинчи марта 1907 йилда эски мактаблардан тубдан фарқ қилган, қишлоқ болалари учун бепул янги усули савтия мактаби очди. Бу мактабда 25 нафар қишлоқ болаларини ўқитди. Мактаб ўз уйида жойлашган бўлиб, янги ўқув қуроллари –парта, стол-стул, янги китоблар, дарсликлар, дафтар, доска, глобус кабилар билан жиҳозланди¹¹¹. Чустда Муҳаммадшариф Сўфизода 1913 йили янги усулда мактаб очди. Шоир мактабга кираверишда “мен ул бўёқчиманки, мактаб хумида ранг бериб, қора چاپаниларни ўн икки ойда оқ қиламан”, деган сўзларни ёзиб қўйган¹¹².

Деярли барча манбаларда Тошкентда илк усули жади́д мактаби 1901 йили Мунавварқори Абдурашидхонов томонидан очилганлиги таъкидланади¹¹³. У ушбу

¹⁰⁵ Идора мактаблар. *Таржимон*, 1908 йил, 68-сон.

¹⁰⁶ Доҳилия хабарлари. *Таржимон*, 1912 йил, 14-сон.

¹⁰⁷ Самарқанддан мактуб. *Таржимон*, 1913 йил, 75-сон.

¹⁰⁸ Туркистон вилоятинда усули жади́д тарихи. *Шўро*, 1913 йил, 23-сон, 717-бет. Идора мактуб. *Таржимон*, 1913 йил, 133-сон.

¹⁰⁹ Идора мактуб. *Таржимон*, 1912 йил, 94-сон.

¹¹⁰ Миллий матбуотимиз. Иқбол. *Таржимон*, 1914 йил, 51-сон.

¹¹¹ **Ибрат. Ажзий. Сўфизода.** Танланган асарлар. Т.: Маънавият, 1999, 32-бет.

¹¹² Юкоридаги асар, 212-бет.

¹¹³ **Бендриков К.Е.** Очерки по истории народного образования в Туркестане (1865-1924 годы). М.: АПН РСФСР, 1960, стр. 256; **Пясковский А.В.** Революция 1905-1907 годов в Туркестане. М.: АН СССР, 1958, стр. 100; **Saray Mehmet.** Gaspıralı İsmail Bey'den Atatürk'e. Türk dünyasında dil ve

мактабни кримлик дўсти Раис Кушод ёрдамида ўз ҳовлисида очган эди¹¹⁴. Мактаб 1904 йилгача фаолият кўрсатди. Лекин М. Муҳаммаджонов ўз хотирасида таъкидлашича, Тошкентда маҳаллий зиёлилар томонидан янги усул мактаби 1900 йили Қўшмозор дахмасида очилган¹¹⁵. Бу мактабни Қудратуллоҳқори деган одам Қўшмозор дахмаси билан Кўкча даҳаси оралиғидаги Тўқли Жаллоб маҳалласида, Наби домла деган кишининг мактабида, 1900 йил март ойида очган. Мактабни ташкил қилган Қудратуллоҳқори ушбу усулни Бешёғочдаги Нўғой маҳалласида, ички Русиядан кўчиб келиб, янги усул мактаби очган татар ўқитувчидан ўрганади. Бу мактабда татарча тузилган алифбо, “Ўқу Қуръон яхшилаб” ва Иброҳим Ҳақкийнинг “Маърифатнома” деган китобларидан фойдаланилган ҳамда бошланғич ҳисоб ўргатилган¹¹⁶.

Янги усул мактаблари дин раҳнамоларининг қаттиқ қаршилигига учраётгани сабабли Мунавварқори биринчи мактаби ёпилгач ўзининг иккинчи янги усул мактабини 1905 йили шаҳарнинг рус қисмида очишга мажбур бўлди. 1905 йил Скобелев кўчасида янги усулдаги мактаб очилгани ва унда 40 га яқин бола ўқигани ҳақида айрим манбаларда хабарларни учратиш мумкин¹¹⁷. Бу мактаб Мунавварқорининг мактаби эди. 1904 йили Абдулла Авлоний Мирободда мактаб очади¹¹⁸. Авлоний, - “1904 йилда жади́дчилар тўдасида ишлай бошладим. “Жади́д мактаби” очиб ўқитувчилик қила бошладим. Муллалар жади́дчиларни мунофиқ, муфсид, зиндиқ, даҳрий сўзлари билан халқ орасида пропаганда ва агитация қила бошладилар¹¹⁹”, - деб ёзади. Мактаблар очилишига расмий ҳукумат ҳам тиш-тирноғи билан қаршилиқ қилди. Мунавварқори ва Авлонийлар мактаб очиш учун берган аризалари бир неча маротаба рад қилинган ва охир-оқибат генерал-губернатор розилиги билан очишга рухсат берилган¹²⁰. Мунавварқори ўз мактабида етиштирган шогирдлари Эшонхўжа Хоний, Ҳасанхўжа Хоний, Шокиржон Раҳимий, Собиржон Раҳимий, Сами Қори, Салимхон Тиллахонўғли, Қайюм Рамазонлар билан тез фурсатда янги усул мактаблар сонини 16 дан

kultur birliги. Istanbul, 1993, s. 44; **Мунаввар Қори Абдурашидхонов**. Танланган асарлар. Т.: Маънавият, 2003, 16-бет.

¹¹⁴ **Содиқов Ҳ.** ва бошқалар. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Туркистон чор Россияси мустанлакачилиги даврида. Т.: Шарқ, 2000, 260-бет.

¹¹⁵ **Муҳаммаджонов М.** Турмуш уринишлари. Т.: Ўзбекистон давлат нашриёти, 1926, 37-бет.

¹¹⁶ Ўша ерда.

¹¹⁷ **Добросмыслов А.** Учебные заведения в г. Ташкенте. // Средняя Азия, №4, Ташкент, 1914, стр. 118.

¹¹⁸ **Абдулла Авлоний**. Танланган асарлар. Т.: Маънавият, 2 жилдлик, 1-жилд, 1998, 6-бет.

¹¹⁹ **Авлоний А.** Таржимаи ҳолим. – Миллий уйғониш ва ўзбек филологияси масалалари. Т.: Университет, 1993, 109-бет.

¹²⁰ *Қаранг: Бендриков К.Е.* Кўрсатилган асар, 257-бет.

оширдилар¹²¹. 1917 йил феврал воқеаларига қадар Туркистонда 92 та усули жади́д мактаби рўйхатга олинган эди¹²².

Туркистонда янги усул мактабларини очиш осон кечмади. Бир томондан мусулмон мутаассиблари, иккинчи томондан маҳаллий рус маъмурлари тўсқинлик қилдилар. 1900 йил охирларига келиб чоризм маъмурияти тез ёйила бошлаган янги усулдан хавотирга тушиб қолди. Империя Полиция Департаменти бошлиғи С. Зволянский барча губернаторларга янги учул ҳаракати, унинг мақсади ва фаол иштирокчилари ҳақида маълумот бериш учун циркуляр юборади¹²³. Циркулярга мувофиқ барча губернаторлар қуйидаги сўровларга жавоб беришлари керак эди:

1. Мусулмон миллатига мансуб одамлардан кимлар янги усулни тарғиб қилмоқда ва ушбу мактаблар учун ёзилган дарсликларни тарқатмоқда?
2. Ушбу шахсларнинг кимлиги, жамиятда тутган мавқеи, мол-мулки ва қерда таълим олганликлари ҳақида батафсил маълумот бериш.
3. Янги усул тарафдорлари билан Ёш туркларнинг алқаси бор ёки йўқлиги ҳамда уларнинг Туркия ва бошқа мусулмон давлатларидан ёрдам олган ёки олмаётганлиги.
4. Янги усул мактаблари қаерда ва ким томонидан ташкил қилинган, мактабнинг ўқитувчиси ҳамда бошқарувчиси кимлигини аниқлаш¹²⁴.

Ушбу саволларга жавоблар тўғридан-тўғри Ички ишлар вазирига юборилиши лозим эди. Туркистон генерал-губернатори ушбу вазифани Н.Остроумовга топширади¹²⁵. Остроумов зудлик билан бу ишни амалга оширади ва Туркистон ўлкаси бўйича маълумотларни Ички ишлар вазирлигига юборади.

Бундан ташқари 1909-1914 йилларда Туркистон генерал-губернатори бўлган А.В. Самсонов (1859-1914) Туркистонда жуда тез ёйила бошлаган янги мактабларни қаттиқ назорат остига олиш ва бир қадар тўсиқлар қўйиш учун Ўқув юртлар инспекциясига қуйидагича қўрсатма беради: 1) Бошланғич умумтаълим билими берадиган усули жади́д мактаблари халқ ўқув юртлари инспекцияси рухсати билан очилади; 2) инспекция усули жади́д мактаблари ўқитувчилари ҳамда уларда таълим олаётган ўқувчиларни бир миллатдан бўлишини назорат

¹²¹ **Saray Mehmet.** Gaspıralı İsmail Bey'den Atatürk'ke..., s. 45.

¹²² **Бендриков К.Е.** Қўрсатилган асар, 261-бет.

¹²³ **Фархшатов М.** Самодержавие и традиционные школы башкир и татар в начале XX века (1900-1917 гг.). Уфа: Гилем, 2000, стр. 132.

¹²⁴ Ўша ерда, стр. 134.

¹²⁵ **Юсупов Шариф.** Худоёрхон ва Фуркат. Т.: Шарқ, 1995, 86-бет.

қилиши зарур; 3) ... бу мактабларда умумдават тили – рус тилини ўқитишни жорий қилиш тавсия этилсин; 4) ...мактаб очишда ...ўқув курси дастури ва дарсликлар номини тақдим этиши зарур; 5) фармойиш эълон қилинган кундан бошлаб барча мавжуд усули жади́д мактабларида ушбу қоидаларга амал қилиш мажбурийдир¹²⁶.

Мустамлака маъмурияти янги усул ҳаракатга қарши рус-тузем мактаблари фаолиятини кучайтиришга киришди. Маҳаллий миллат болаларини ушбу мактабларга кўпроқ жалб қилиш мақсадида миллий ўқитувчиларга эътибор қаратилди. Дарслик яратиш мақсад қилинди. Бу вазифага маҳаллий ўқитувчилардан Саидрасул Саидазизов лойиқ, деб топилди ва унга дарслик ёзиш вазифаси юклатилди. Унинг рус-тузем мактаблари учун “Усто́ди аввал” дарслиги 1902 йили нашр қилинди. Дарсликка рус муаллифларининг асарларидан кўплаб таржималар киритилди¹²⁷.

1914 йили Саидахмад Сиддиқий янги усул мактаби очиб бола ўқитгани учун Самарқандда бир неча минг киши ҳузурида “кофир” деб эълон қилинди. Муаллим Сўфизода ватани Чустдан бадарға қилинди. Мирмуҳсин Шермуҳамедов жади́дпарастлиги учун Чорсу бозорида сазойи этиб, тошбўрон қилиб ўлдиришга фармон берилди¹²⁸. Мутаассибчи дин вакиллари “*ҳар ким боласини усули жади́дга берса, ўзи кофир, хотини талоқ бўлишини*”¹²⁹ халққа эълон қилдилар. Табиийки, урф-одатларга каттиқ риоя қиладиган халқ уламолар гапини маъкул кўрди. Улар “кофир” бўлишдан қўрқиб ўз болаларини янги мактаблардан қайтариб олдилар.

Шундай бўлишига қарамай усули жади́д аста-секин ўзи йўлини топа бошлади ва ривожланди. Бу билан бир вақтнинг ўзида янги мактаблар учун дарсликлар, қўлланмалар ҳам ёзила бошланди. Айниқса, Беҳбудий янги мактабларни дарслик ва ўқув қўлланмалар билан таъминлашда жонбозлик кўрсатди¹³⁰. 1909 йили Бухорода дарсликлар чоп этиш ва тарқатиш мақсадида “Ширкати Бухоройи шариф” тузилди¹³¹. 1901 йилдан 1917 йилга қадар ўнлаб дарсликлар яратилди ва ўқув жараёнига татбиқ қилинди. Дарсликларнинг рўйхати¹³² 1-Иловада келтирилган.

¹²⁶ Мунаввар Қори Абдурашидхонов. Танланган асарлар. Т.: Маънавият, 2003, 17-бет.

¹²⁷ Содиқов Х. ва бошқалар. Кўрсатилган асар, 270-бет.

¹²⁸ Қосимов Б. Миллий уйғониш. Т.: Маънавият, 2002, 28-бет.

¹²⁹ Қосимов Б. Маслакдошлар. Т.: Шарқ, 1994, 53-бет.

¹³⁰ Ўша асар, 11-бет.

¹³¹ Ўша асар, 73-бет.

¹³² Қаранг: Adeeb Khalid. The politics of Muslim Cultural Reform: Jadidism in Tsarist Central Asia. Ph.D. diss., University of Wisconsin-Madison, 1993, pp. 448-454. дан олинди.

Хуллас, усули жа́дид дарсликларига бир кўз ташлашнинг ўзи ҳам ўлкага янги типдаги мактаблар кириб келиши тасодифий эмаслигига бир далил. Дарсликларнинг тили муаллифлар қайта-қайта таъкидлаганларидек, “*Туркистон шевасида*”, “*энг осон усул ила*”, “*тадрижий сурада*”, “*очиқ тил ва осон таркиб ила*” ёзилган эди¹³³.

Хулоса сифатида шуни айтишимиз мумкин: усули жа́диднинг Туркистонга кириб келиши ушбу усул назариётчиси ва амалиётчиси Исмоил Гаспринский ва ички Русиядан ўлкага турли сабабларга кўра келиб қолган татар зиёлилари билан боғлиқ. Туркистонда бу турдаги янги мактаб биринчи марта Самарқандда, бевосита Исмоилбей иштирокида 1893 йили очилди. Мактаб бор йўғи 3 ой¹³⁴ фаолият кўрсатганига қарамай у ёққан маориф нури сўнмади. Маълумотларнинг таъкидича, 1900 йилгача усули жа́дид мактаблари татар муаллимлари томонидан очилган ва 1900 йил бошларидан маҳаллий зиёлилар ҳам усули савтия мактаблари оча бошлайдилар. Уларга қарвонбошилиқ қилганлар Туркистон жа́дидчилигининг икки забардаст вакиллари Мунавварқори ва Бехбудий бўлдилар. Маҳаллий рус ҳукумати, айниқса муллалар томонидан бўлган кескин қаршиликларга бардош бериб, жа́дид зиёлилари мактаб очиш фикридан қайтмадилар ва ўлканинг турли жойларида бирин кетин усули савтия мактаблари очила бошланди. Хива хонлигида усули жа́диднинг вужудга келишида ўша вақтда валиаҳд бўлган Исфандиёр тўра ва хонлиқнинг Бош вазири Саййид Исломхўжаларнинг хиссалари катта бўлди. Бухоро амирлигида жа́дидчилар муллаларнинг қаттиқ қаршилигига учрадилар. Шундай бўлсада, мактаблар фаолият кўрсатди, болаларга таълим берди. 1917 йилга келиб, расман рўйхатга олинган мактаблар сони 92 та, норасмий эса бундан икки-уч маротаба кўп бўлгани аниқ. Дастлабки очилган мактаблар учун Гаспринский ва татар зиёлилари тузган дарслик ва қўлланмалардан фойдаланилди. 1905 йиллардан бошлаб маҳаллий зиёлилар томонидан ҳам дарсликлар ёзилиб нашр қилина бошланди. Дарсликлар нашр қилиш ва тарқатиш учун турли жамиятлар тузилди. Ушбу дарсликларнинг нашри ҳам осонлик билан бўлмади. Масалан, Бехбудий ўз ёзган китобини узок сарсонгарчиликлардан кейин 1905 йили рухсат олиб, фақатгина келаси йили нашр қилишга муваффақ бўлди. Туркистон мустамлака маъмурияти янги мактаблар тизимини йўқ қилишга қаратилган барча тадбирларни амалга оширди. Татар зиёлиларининг Туркистонда тобора кенгайиб бораётган ҳаракатларига тўсиқлар

¹³³ Қосимов Б. Миллий уйғониш. Т.: Маънавият, 2002, 27-бет.

¹³⁴ Исмоил Гаспринский. Турк юрдучиларина. *Турк юрду*, 1-жилд, 1912, 8-сон, 238-бет.

қўйилди. Уларга биринчидан, ер сотиб олиш ман қилинди. Иккинчидан, татар миллатига мансуб бўлмаган болаларни ўқитиш таъқиқланди. Бунинг натижасида 1910-1911 йиллар орасида усули жади́д мактаблари сони анча қисқарди. Сабаб, маҳаллий ўқитувчиларнинг етишмаслиги бўлди. Шундай бўлишига қарамай усули жади́д аста-секин ўзи йўлини топа бошлади ва ривожланди. Туркистонга янги мактаблар шундай қийинчиликлар билан кириб келди ва ёйилди.

3. ИСМОИЛ ГАСПРИНСКИЙНИНГ ТУРКИСТОНГА САЁҲАТЛАРИ

Исмоилбей Гаспринский Туркистонга алоҳида эътибор билан қаради. Унда бўлаётган ҳар бир воқеа, ҳодисаларни назаридан четда қолдирмай, “Таржимон”да ёритиб борди. Бухоро амири Абдулаҳадхон билан шахсан таниш бўлиб, Туркистонга келмасидан олдин ҳам у бир неча маротаба учрашган. 1890 йиллар бошларида Гаспринский бутун диққат эътиборини Туркистонга қаратди. Фикрни янгилаш, тараққиётга юз тутиш навбати, Исмоилбей фикрича, Туркистонга келган эди. Айниқса, Бухорога. Маълумки, Бухоро мадрасалари бутун оламга машҳур, юзлаб дунёвий ва ухровий билимларни мукаммал эгаллаб, ўзларининг кашфиёту асарлари билан ном чиқарган алломаларни етиштирганлиги билан шуҳрат топган. XIX асрнинг охирига келиб эса, бу шон-шуҳратдан асар ҳам қолмади. Мадрасалар фақат, аксар ҳолда, чаласавод муллаларни етиштиришдан бошқа нарсага ярамайдиган аҳволга келиб қолди.

Исмоилбей Туркистон генерал-губернатори А.Б. Вревскийга 1892 йили жўнатган мактубига жавоб олмаганидан сўнг, расмий ҳукуматга ишончи йўқолди ва эътиборини маҳаллий ҳукмдор, зиёлиларга қаратди. У маҳаллий амалдорларнинг диққатини жалб қилиш мақсадида Бухоро тарихи, мадрасалари ва хусусан, Абдулаҳадхон ҳақида кўплаб мақолалар эълон қилди¹³⁵. “Таржимон”да эълон қилинган мақолаларда Бухоро амирлигида бўлаётган ижобий ўзгаришларни кўрсатишга ҳаракат қилди. Қулчилик, турли жазоларни бекор қилиниши, банклар, дорихоналар, шифохоналар, телеграф ва почта хизмати йўлга қўйилиши ҳақида ёзди¹³⁶.

¹³⁵ Масалан: “Таржимон”да “Бухоро” (1891 йил 23, 24, 25-сонлари, 1893 йил 23-сони), “Амир Саййид Абдулаҳад” (1892 йил 27, 45, 47, 48-сонлар, 1893 йил 1-8-сонлар), “Приезд Бухарского хана” (1892 йил 45-сон), “Путешествие Бухарского Эмира” (1893 йил 5-сон).

¹³⁶ Қаранг: **Lazzerini J. Edward.** From Bakhchisarai to Bukhara in 1893: Ismail Bey Gasprinskii's Journey to Central Asia. // *Central Asian Survey*, 1984. Vol. 3, pp. 79-80.

Амирнинг ўзига ҳам катта эътибор қаратди. Чунки Бухоро мактабларини усули жади́дга қўйиш Абдулаҳадхоннинг ёрдами билангина амалга ошиши мумкинлигига умид қилди. Амирнинг таржимаи ҳоли ҳамда шахсиятига оид “Исторический вестник” журналида чоп этилган мақола билан Амирнинг 1892 йил декабр ойидан 1893 йил мартигача Русияга қилган сафари тафсилотлари билан “Таржимон” ўқувчиларини таништириб борди¹³⁷. Гаспринский ушбу мақолаларида Абдулаҳадхонни “*маърифатли амир*”¹³⁸, “*Бухоро ҳаёти ва давлат бошқарувини ислоҳ қилишига интилаётган ёш амир*”¹³⁹ сифатида таърифлаб, оқил амир бошқарувида Бухоро ривож топиши ва яна зиё масканига айланишига умид билан бокди ва уларни ҳам ана шу фикрга ишончларини уйғотишга ҳаракат қилди.

Гаспринскийнинг Абдулаҳадхон билан биринчи танишуви 1883 йил кузида бўлган эди. Амир, у вақтда валиаҳд, Гаспринскийга унинг ислохотчилик фаолиятини маъқуллаб ҳамда янги таъсис қилинган “Таржимон” газетасига обуна бўлиш истаги билдирилган мактуб йўллаган¹⁴⁰. Абдулаҳадхон 1892 йил декабрида Русияга қилган саёҳатидан қайтаётиб, 1893 йил феврал ойида Боғчасаройга келди. Исмоилбей Амир билан унинг шарафига уюштирилган турли зиёфатларда, якка тартибда бир неча бор кўришиб, суҳбатлашди. Ушбу учрашувларда Абдулаҳадхон Гаспринскийни Бухорога таклиф қилади. Гаспринский ушбу таклифни мамнуният билан қабул қилади. Чунки, юқорида айтганимиздек, Гаспринский у вақтларда ўз ғоя ва фикрларини Туркистонга олиб кириш учун ҳаракатда эди. Исмоилбейнинг Туркистонга саёҳат қилишига Амирнинг таклифи асосий туртки бўлди. У ўша йилнинг май ойидаёқ Бухорога отланди.

Гаспринскийнинг 1893 йил Туркистонга қилган саёҳатини ёритувчи асосий манба, бу “Таржимон”нинг 1893 йил 29-сонидан 43-сонигача эълон қилган “Боғчасаройдан Тошкентгача” туркум мақолаларидир. Ушбу саёҳат тафсилотларини таҳлил қилган олимлардан америкалик Лаззерини Жеймс Эдвард (Lazzerini James Edward)ни тилга олиш мумкин. Бу унинг 1973 йили ҳимоя қилган докторлик диссертациясида¹⁴¹ ҳамда эълон қилган мақолаларида¹⁴² ўз ифодасини

¹³⁷ Ўша манба, 80-бет.

¹³⁸ Приезд Емира. *Таржимон*. 1894 йил, 30-сон.

¹³⁹ Приезд бухарского хана. *Таржимон*. 1892 йил, 45-сон.

¹⁴⁰ Қаранг: **Lazzerini J. Edward**. Кўрсатилган манба, 80-бет.

¹⁴¹ **Lazzerini J. Edward**. Ismail Bey Gasprinskii and Muslim modernism in Russia, 1878-1914, University of Washington. Ph.D. 1973.

топган. Шунингдек, Бендриков К.Е.¹⁴³, Пясковский А.В.¹⁴⁴, Ҳокон Қримли¹⁴⁵, Меҳмет Сарой¹⁴⁶, Нодир Давлат¹⁴⁷ асарларида ҳам қисман ўрганилган.

Гаспринскийнинг Туркистонга иккинчи саёҳати 1908 йилда амалга ошган. Бу саёҳат тафсилотларини ўрганишда ҳам “Таржимон”да эълон қилинган мақолалар¹⁴⁸ асосий манба вазифасини ўтайди. Гаспринскийнинг бу саёҳати ҳозиргача ҳеч ким томонидан таҳлил қилинган эмас. Туркистонлик зиёлиларнинг айрим мақола ва хотиротларида¹⁴⁹ Гаспринскийнинг ушбу саёҳатига оид айрим қайдларгина учрайди.

А) 1893 ЙИЛ САЁҲАТИ

Гаспринскийнинг Туркистонга саёҳати 1893 йил май ойида бошланди. Бу саёҳати хусусида у шундай ёзади:

“...Мен, Туркистон ўлкасига бўладиган саёҳатим чўзилиб кетаётганидан хавотирда эдим. Қадимги Бақтрия, унинг обидалари ўтмишидаги тараққиётдан тимсол. Турк қабилалари бу ердан оёққа қалқиб, Фарбда Венагача, Шимолда Москвагача, жануби-ғарбда Қоҳирагача етиб бордилар. Ниҳоят, турк ҳукмдорларининг энг буюги Темурнинг Ватани. Буларнинг барчаси менда буюк тарихий ва этник туйғуларимни уйғотди. Мени яна Европа маданияти ва одатлари билан ҳали қоришмаган мусулмон жамоаси жуда қизиқтирарди. Ушбу йилнинг феврал ойида Богчасаройга Бухоро амирининг таширфи мендаги иштиёқни янада кучайтирди ва саёҳатим бошланишига яна бир туртки бўлди¹⁵⁰”.

Гаспринский 10 май куни Богчасаройдан Севастополга, у ердан эса “Александр II” номли парохотда Ботумига келди. У Кавказни 2-3 кун ичида

¹⁴² **Lazzerini J. Edward.** From Bakhchisarai to Bukhara in 1893: Ismail Bey Gasprinskii's Journey to Central Asia. *Central Asian Survey*, 1984. Vol. 3. pp. 77-88.

¹⁴³ **Бендриков К.Е.** Очерки по истории народного образования в Туркестане (1865-1924 годы). М.: АПН РСФСР, 1960.

¹⁴⁴ **Пясковский А.В.** Революция 1905-1907 годов в Туркестане. М.: АН СССР, 1958.

¹⁴⁵ **Kirimli Hakan.** Kirim tatarlarinda milli kimlik ve milli hareketler (1905-1916). Ankara, 1996.

¹⁴⁶ **Saray Mehmet.** Gaspıralı İsmail Bey ve Türk dünyasında Eğitim Reformu (1851-1914). Ankara, 1987; **Saray Mehmet.** Gaspıralı İsmail Bey'den Atatürk'e. Türk Dünyasında Dil ve Kültür Birliği. İstanbul, 1993.

¹⁴⁷ **Devlet Nadir.** İsmail Bey (Gaspıralı). Ankara, 1988.

¹⁴⁸ Ўл бўйинда кўрдигим, сездигим. *Таржимон*, 1908 йил, 47, 50-сонлар. Бухорода на кўрдим? *Таржимон*, 1908 йил, 57, 58, 60, 63, 65, 68, 78-сонлар.

¹⁴⁹ **Бехбудий.** Исмоилбек ҳазратлари ила суҳбат. – **Махмудхўжа Бехбудий.** Танланган асарлар. Т.: Маънавият, 1997. **Айний С.** Бухоро инкилоби тарихига материаллар. М., 1926, 32-бет.

¹⁵⁰ *Қаранг: Lazzerini J. Edward.* From Bakhchisarai to Bukhara in 1893: Ismail Bey Gasprinskii's Journey to Central Asia. *Central Asian Survey*, 1984. Vol. 3. pp. 81.

айланиб, Тифлис ва Боку шаҳарларида бўлди. Бу иккала шаҳарда ҳам Исмоилбей вақтини маҳаллий мусулмон маърифатчилари ёки ўзи ёзганидек, “*Шарқ ва Ғарб илмини ўзида мужассам қилган*”¹⁵¹ кишилар билан ўтказди.

Бокудан Каспий денгизини кечиб ўтиб, 1880 йиллар ўрталарида Русия томонидан забт қилинган Узун Адага келди. Гаспринский у ерга борган вақтида чор армияси ҳали ҳам ҳаракатда бўлганлигидан Узун Ада унинг кўзига “қишлоқ ҳам шаҳар ҳам эмас, балки катта ҳарбий лагерга”¹⁵² ўхшаб кўринди. Гаспринский у ердан поездга ўтирди. Бу поезд 1500 километрдан ортиқроқ масофа юриб, Қизил Арват, Кўк Тепа ва Марв шаҳарлари орқали Бухорога олиб бориши керак эди.

Гаспринский амирлик пойтахти Бухорога, тахминан 23 майда етиб келди ва ўша куннинг ўзидаёқ Қушбеги Мирзахон билан кўришишга муваффақ бўлди. Қушбеги Исмоилбейни жуда яхши кутиб олди ва у Бухорода бўлиш вақтида амирнинг меҳмони эканлигини айтиб, хорижлик элчилар учун тайрланган меҳмонхонага жойлаштирди. Қушбеги ҳозирда амир ўзининг ёзги қароргоҳи Шаҳрисабзда эканлигини, 9 июн куни Гаспринскийни унинг олдига олиб бориш учун Самарқанд шаҳрига файтун келиши хабарини беради¹⁵³.

Гаспринский 4 кун Бухорода бўлади ва бу вақт мобайнида бир қанча маҳаллий мактабларни бориб кўради. Яна, амирнинг молия вазири, Девонбеги билан учрашганлиги ҳамда шариат ва маориф бошқарувчиси, Бухоро уламоларининг раҳнамоси Қози калон билан “янги усул”, мактабларда ўтказилиши керак бўлган ислохотлар масаласида жиддий суҳбатлашгани тўғрисида хабар беради. Қози калон Гаспринскийнинг мактаблар ислохоти лойиҳасини тўла қўллаб-қувватлашини, лекин янги усул алифбоси туркча эмас, балки болаларни тезроқ ва тўлароқ савод чиқаришлари учун расмий тил, яъни форс тилида ёзилиши кераклигини таъкидлади. Гаспринский эса форс тили Бухорода адабий ва расмий тил бўлишига қарамасдан турк тилидаги машқ китоблари аҳолининг кўпчиликлари қисми ўзбек тилида гаплашгани учун янада фойдалироқ бўлишини тушунтиришга ҳаракат қилди¹⁵⁴. Лекин, Қози калонни бу масалада кўндириш кийин эканлиги ва бирор бир натижа бермаслигини тушунди.

¹⁵¹ Гаспринский Туркистонга кетишда Кавказда кўрган-кечирганлари ҳақида “*Таржимон*”нинг 1893 йил 29, 30, 31-сонларида маълумот беради. – *Қаранг*: Юқоридаги манба, 81-бет.

¹⁵² *Таржимон*, 1893 йил 32-сон. – *Қаранг*: Юқоридаги манба, 82-бет.

¹⁵³ Ўша манба, 82-бет.

¹⁵⁴ *Таржимон*, 1893 йил, 36, 37-сонлар. – *Қаранг*: Юқоридаги манба, 82-бет. Гаспринский Туркистонга келмасидан бир ярим йиллар аввал “Бухоро” номли туркум мақолаларида Алишер Навоийни “соф турк ёзувчиси ва ўз миллати фидойиси ...она турк тилисининг ривожини учун буюк хизмат қилган”лигини ёзган эди. Гаспринский ўз сўзларининг тасдиқлаш учун Алишер Навоийни

Гаспринский Бухородан Самарқандга йўл олди. У ерда Кулчанов деган маҳаллий рус бюрократи билан учрашди ва унга Самарқанд вилояти ҳокими граф Н.Я. Ростовцев¹⁵⁵ дан мактаблар борасидаги материаллар билан танишиш учун рухсатнома олиб борди. А.Я. Ростовцев Гаспринскийни бошқа рус маъмурларидан аксинча ўлароқ жуда яхши қарши олади ва унинг хотирасида жуда мулойим, қўл остидаги аҳолига ўта аҳамиятли киши сифатида сақланиб қолди. Гаспринский бу фикрларини граф Ростовцев вафоти муносабати билан “Таржимон”да берган таъзияномасида тилга олади¹⁵⁶. Ростовцев маҳаллий мактаблар хусусида маълумот олиш учун Гаспринскийга махсус рухсатнома ҳам берган эди.. Гаспринский саёҳатида оид мақолаларида Ростовцев билан яна нималар борасида суҳбатлашгани ҳақида бошқа ҳеч нарса ёзмайди¹⁵⁷. Гаспринскийнинг Самарқанддаги учрашувлари бошқа жойлардагидан кўра самаралироқ бўлган дейиш мумкин.

Шу сабабдан бўлса керак, Гаспринский муҳим бир ишни амалга оширига журъат этди. Бу ҳам бўлса Туркистонда биринчи янги усулдаги мактаб очилиши эди¹⁵⁸. Бу ҳақда юқоридаги фаслда батафсил гаприб ўтган эдик.

Бу орада Гаспринский амир билан учрашишдан аввал Тошкентга ҳам келиб кетди. Унинг Тошкентга боришидан асосий мақсади, 1892 йили юборган мактуби тақдири тўғрисида бирор-бир маълумот олиш эди. Туркистон генерал-губернатори билан учрашиш имконияти бўлмаса ҳам у “*ўлка маориф ишида “жонкуярлик” қилаётган муҳтарам ҳамкасаба...*”¹⁵⁹”, деб таърифлаган Н.П. Остроумов билан кўришди. Биз бу ерда Остроумовнинг қарашлари Гаспринскийнинг қарашларидан кескин фарқ қилиши ва умуман жади́д феноменига қарши кураш олиб борганлигини ҳамда Гаспринский яхши тарбия кўрганлиги ва ўқимишлилигидан хайратда бўлганини эслаб ўтишимиз жоиз. Ўз-ўзидан маълумки, Исмоилбей Остроумовдан ҳеч бир нарса олишга муваффақ бўлмади.

“Турклар ўз тилларини форс тилидан устун қўймоқлари керак”, деган сўзларини келтирган эди. Бу ҳақда қаранг: Таржимон, 1891 йил, 25-сон.

¹⁵⁵ Ростовцев Николай Яковлевич (1831–1897). Граф; Генерал-лейтенант; 1891-1897 йилларда Самарқанд вилояти ҳарбий губернатори вазифасида хизмат қилган.

¹⁵⁶ Граф Ростовцев. *Таржимон*, 1897 йил, 32-сон.

¹⁵⁷ *Таржимон*, 1893 йил, 40-сон. – Қаранг: **Lazzerini**. Кўрсатилган асар, 83-бет.

¹⁵⁸ Бу ҳақда қаранг: Муаллими шаҳир. *Таржимон* иловаси бўлган “*Олами сибён*” газетаси, 45-сон. Бу мактаб ҳақида яна Мажидбек Ғанизода. *Таржимон*, 1906 йил 15-сон. **Исмоил Гаспринский**. Турк юрдучиларина. *Турк юрду*, 1-жилд, 1912, 8-сон, 237-238-бетлар. **Шариф Б.** Ғанибой Хўсайинов ҳам фирмаси тарихи. Оренбург, 1913, 126-128-бетлар.

¹⁵⁹ *Таржимон*. 1893 йил, 41-сон. – Қаранг: **Lazzerini**. Кўрсатилган асар, 84-бет.

Бундан ташқари Гаспринскийнинг Тошкентдаги маҳаллий зиёлилар билан ҳам учрашгани айрим манбаларда сақланиб қолган. Ўзининг мақолаларида бу тўғрида ҳеч нарса йўқ.

1900 йил 31 декабрида Туркистон генерал-губернаторлигига Россия ички ишлар вазирлигидан 13444-рақамли махсус кўрсатма келган. Унда Туркистон бўйича янги усул мактаблари очиш, уларда дарс бераётган, матбуотда чиқаётган барча кишилар хусусида материаллар тўплаб, шахсан Ички ишлар вазирига маълум қилиш вазифаси Н.П. Остроумовга топширилган эди¹⁶⁰. Бу ерда Сирдарё вилояти губернаторининг махфий чакув қоғози диққатга молик. Унда ёзилишича: *“Таржимон” газетасининг жонқуяр тарғиботчиси генерал-майор Жўрабекдир¹⁶¹. У янги усул билан қизиқмоқда. Гаспринский Тошкентга келганда у билан учрашган¹⁶²”*. Гаспринский генерал Жўрабек вафоти муносабати билан берган таъзияномасида у ҳақда шу сўзларни айтган эди:

“Генерал Жўрабек авваллари Китоб шахрининг мустақил хони бўлиб, кейинчалик Русиянинг душмани сифатида асир тушган ва Туркистон ишларида Русияга садоқат билан хизмат қилган. Марҳум туғма аскар бўлиши билан баробар илм ва маорифни ҳам жуда севган бир киши эди. “Таржимон”ни чиққан кунидан бери доимий ўқувчиларидан эди. (Оллоҳ ундан ўз раҳматини дариг тутмасин)¹⁶³”.

Бундан кўриниб турибдики, Гаспринский расмий рус ҳокимияти томонидан бирор нарсага эриша олмагач, маҳаллий зиёлилар билан иш олиб борган. Уларни ўлкадаги мактабларни янги усулга ўтказишга тарғиб қилган.

Гаспринский Тошкентдан 8 июн куни яна Самарқандга қайтиб кетди. Уни амир томонидан юборилган махсус одам кутиб олди ва эртаси, яъни 9 июн куни эрталаб Шаҳрисабзга йўл олдилар. Исмоилбекнинг бу саёҳатида унга Мажид Ганизода ҳамроҳ бўлган эди. “Таржимон”даги мақолаларнинг Шаҳрисабз йўли, йўлдаги айрим воқеалар шундай тасвирланади:

“1893 йили Исмоилбек Мовароуннаҳр саёҳатида кетаётганида, иккиси Бокуда учрашганларидан сўнг Мажидбек ҳам Исмоилбек билан бирга Самарқандга қадар рафиқ бўлиб борган эди. Мажидбекнинг бу

¹⁶⁰ Содиқов Х. ва бошқалар. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Туркистон чор Россияси мустамлакаси даврида. Т.: Шарқ, 2000, 260-бет.

¹⁶¹ Жўрабек Қаландар ўғли. Амир Музаффариддин даврида Китоб шаҳри ҳокими бўлган. 1868 йилгача русларга қарши жанглар олиб борган. Хиёнат туфайли асир олингандан кейин рус армиясига хизмат қилишга мажбур бўлган. 1906 йили ўз уйида ўлдирилган.

¹⁶² Юсупов Шариф. Худоёрхон ва Фурқат. Т.: Шарқ, 1995, 86-бет.

¹⁶³ Таржимон. 1906 йил, 12-сон.

саёҳатдан матлаби Исмоилбекни ёлғиз қолдирмай, сақловчиси, лозим ҳолда қўриқчиси бўлиш эди.

Шаҳрисабз шох Темурнинг туғилган шаҳридир. Бу шаҳарда Яшил сарой ва Оқсарой номлари билан машҳур қасрлар бор. Яшил сарой Темур замонидан қолгандир. Турк ўзбек тоифаларининг энг ҳайбатлиси ва жасури бўлган кенагас тоифаси Кеш вилоятида яшайдилар. Тахти Қорача довонидан ошиб пастга тушаётганимизда йўл бўйида сайёҳларга ёш бир чўпон дуч келган эди. Беклар фойтундан тушиб, чўпоннинг ёнига борадилар.

Исмоилбек чўпонга: –Ким бўласиз?-деганида, -Кенагас! – деб жавоб берди.

- Қардош эканмиз, мен ҳам кенагасман,- деган эдим, чўпон: -Йўқ, бўла олмайсиз! -деди.

- Бўлишни истасам-чи?

- Йўқ бўла олмайсиз!

- Нима учун бўла олмас эканман?

Кенагас бўлиб туғилиш керак! – деди.

Чўпонни бундай сўйлатган тоифа маориф билан мунаввар бўлса борми, тоғларни ост-уст қилиши шубҳасиздир. Дарвоқеъ, буни тарих исбот этиб турибди-ку¹⁶⁴.

10 июнда Гаспринский Шаҳрисабзга етиб келганида, амир одамларидан бири Гаспринскийга Абдулаҳадхон уни Қурбон ҳайитининг биринчи куни намоздан кейин қабул қилиши тўғрисидаги хабарни етказди¹⁶⁵. Қурбон ҳайити 12 июнга тўғри келган. Гаспринскийнинг саёҳати ўша куни ўз кульминацион нуқтасига етган эди. У куни намоздан сўнг амир билан бўлиб ўтган 15 дақиқалик учрашув ҳамда тушдан кейин, қароргоҳдаги 4 соатга яқин давом этган суҳбат хақида қисқача маълумотга эгамиз. Унинг Шаҳрисабздаги охирги кунини қандай ўтказгани ҳам номаълум. Бу ҳақда ҳеч қандай маълумот йўқ. Лекин эртасига эрталаб, яъни 13 июн куни Гаспринский Самарқандга қайтди ва у ердан тўғри Қримга қараб йўл олди¹⁶⁶.

Гаспринскийнинг амир билан учрашувидан кейин дарҳол жўнаб кетишидан у Бухоро мактабларини янги усулга қўйиш масаласида амирдан кўмак ололмаган,

¹⁶⁴ Таржимон. 1906 йил, 15-сон.

¹⁶⁵ Таржимон. 1893 йил, 42-сон. – **Lazzarini**. Кўрсатилган манба, 84-бет.

¹⁶⁶ Таржимон. 1893 йил, 43-сон. - **Lazzarini**. Кўрсатилган манба, 84-бет.

деб таҳмин қилиш мумкин. Амир Гаспринскийга Боғчасаройда берган ваъдалари устидан чиқмади, тўғриси чиқа олмади. Амирнинг бундай йўл тутганини тушуниш қийин эмас. Чунки, унга икки томондан тазйиқ бўлаётган эди. Биринчиси Қози калон бошлиқ муллалар бўлса, иккинчиси рус маъмурлари эдилар. Иккинчилар биринчи гуруҳ “чўғини пуфлаб оловлантирмоқда” эди.

Бундай янги усул мактабларининг очилиши Русия манфаатларига зид эди. Шу боис Русиянинг амирга бўлган таҳдиди ҳам ортди. Рус мустамлакачилари бундай мактабларни “исломга қарши”, “ғайридин мактаблар” деган ташвиқот юргиздилар, жосуслик идораларини ишга солдилар¹⁶⁷. Маҳаллий муллаларни бу ишда “қўллаб-қувватладилар”. Амирнинг ҳар қандай янгиликка бўлган рағбати руслар ва Бухородаги мутаассиблар тарафидан мана шундай қаттиқ босимларга учради.

Гаспринский Қримга қайтганидан кўп вақт ўтмай “Таржимон”да “Икки хон” номли ҳикоя эълон қилди. Ҳикоянинг мазмунидан у Абдулаҳадхонга қаратилганини пайқаш қийин эмас.

“Бир замонлар икки хон бор эди. Ҳар икки хон ўзидан бирор яхши иш қолдирмоқчи бўлдилар. Биринчиси вазирларининг маслаҳати билан масжид қуришга қарор қилди. Иккинчи хон эса вазирларининг маслаҳатидан қониқмай, масжид ва унинг ёнида бир мадраса ҳам бино қилдирди. Орадан анча йиллар ўтди. Бир кун сайёҳлар биринчи хон мамлакатини тамошо қиларканлар, одамларининг аҳволлари оғир, жаҳолатда эканликларини кўрибдилар. Айни ўша сайёҳлар иккинчи хон салтанатидан ўтиб борар эканлар аҳолисини гоятда бахтиёр кўрибдилар. Кимдир илм билан кимдир шеърят ва адабиёт билан машғул. Ҳар соҳада ривож топган бу ўлканинг хони ўша вақтда мамлакатнинг ривожини илм ва ўқилишга боғлиқ эканлигини тушуниб етган эди¹⁶⁸”.

Гаспринский Абдулаҳадхон билан 1894 йилнинг кузида Ялта ва Боғчасаройда яна кўришди. Амир “маориф масаласини ҳал қилиш учун барча нарсасига тайёр” эканлиги каби самимий сўзлари билан Гаспринскийни ишонтиришга ҳаракат қилди. Лекин бу сўзлар куруқ сўз бўлиб қолаверди.

¹⁶⁷ Қаранг: **Содиқов Ҳ.** Ва бошқалар. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Туркистон чор Россияси мустамлакаси даврида. Т.: Шарқ, 2000, 263-бет.

¹⁶⁸ Қаранг: **Lazzarini.** Кўрсатилган манба, 85-86-бетлар.

Б) 1908 ЙИЛ САЁҲАТИ

Ўн беш йилдан сўнг Гаспринский Туркистонга иккинчи бор саёҳат қилди. Бу сафар ҳам унинг саёҳати ёз ойларига тўғри келди. “Тўлиқ ўн беш йилдан сўнг яна бу йўлда эдим”, - ёзади Гаспринский, - “яна дарвешона, яна шошганча вагондан вагонга, пароходдан пароходга югуриб, учар эдим¹⁶⁹”. У йўлда кетар экан, Красноводск, Ашхабод, Кўк Тепа қалъаларини кўрганча, бундан ўн беш йил олдиниғи ҳолатларини эсга олади. Кўк Тепа муҳорабаси ҳақида ўйлайди. Унинг “қаҳрамонлари” ҳисобланган генераллар Скобелев ва Куропаткинларни тилга олиб, қалъадан қочиб бораётган хотин-қиз, бола-чақаларни от оёғи остида топтаб ташлаган мудҳиш ишларини ёзар экан, “генералларнинг қуролсиз бир тоифани ўлдириши “баҳодирлик” бўлмаса керакдир¹⁷⁰” деган сатрлари билан фикрини якунлайди.

Амударёни кечиб, Бухоро тупроғига қадм қўяр экан, узокдан хароб бўлган кўрғончалар ва “темир гилдиракли ...Бухоро аробалари”га кўзи тушди. “Биринчи саёҳатимда “темир гилдиракли” кўрмаган эдим. Демак, аробачилик ривож торибди, тараққий қилибди. Лекин кўрғонларга нима бўлди? Эй, темир гилдирак, темир гилдирак! Ҳар кун кезиб, нималарни кўрасан? Эй, кўрғонча, кўрғонча – сени нима хароб қилди?¹⁷¹”, деган кинояли сўзлар билан Бухорога кириб келди.

Исмоилбекни Когон станциясида “дўқтур... ва бироз сўнгра, Русиянинг сиёсийет агентлиги таржимони Мирҳайдарбек” кутиб олди ва ўз уйига олиб кетди. “Мирҳайдарбек ерли зодагонлардан, гарб маорифина ва маданиятина ошно бир одамдур. Биринчи саёҳатимда гўришимши ошно ўлмиши эдим. У вақт Тошканда эди...¹⁷²”.

Гаспринский бу сафарги саёҳати мақсадини сўйларкан, “бундан роса ўн беш йил муқаддам Бухоронинг ҳар нарсаси ва усули эски, кўҳна бир суратда ва аҳолисида ҳеч қандай янги фикр асари йўқ эди. Ажабо, ўн беш йилдан бери ўзгариши, янгиланиши ва фикрий ўсишида қандайдир силжиси бормикан? Билишни хоҳлаганим ва балки, саёҳатимнинг бош сабаби бу эди¹⁷³”, деб тушунтирди.

Амир билан кўришмоқ истагида бўлган зиёратчилар Русиянинг Бухородаги сиёсат агентлигига мурожаат қилишлари керак эди. “Ўлканинг соҳиби, амир

¹⁶⁹ Йўл бўйинда кўрдигим, сездигим. Таржимон. 1908 йил, 47-сон.

¹⁷⁰ Юқоридаги мақола, 1908 йил, 50-сон.

¹⁷¹ Ўша ерда.

¹⁷² Бухорода на кўрдим. Таржимон, 1908 йил, 57-сон.

¹⁷³ Ўша ерда.

жанобларини кўрмасдан шаҳарни, ўлкани кезмоқ ва бошқалар билан кўришмоқ меҳмон одобига мувофиқ эмас...”. Гаспринскийнинг ҳам маслаги амир билан учрашиш бўлганидан агентлик бошлиғи Лутш ҳузурига борди. Лутш эса амирнинг қароргоҳи бўлган Карманага телеграмма жўнатиши ва жавоб келиши билан Гаспринскийга етказишини айтди.

Гаспринский Бухорога ўз маслакдошлари кўпайгани, марказлашган почта ташкил қилиниб, газета тарқатиш масаласи аллақачонлар ҳал қилинганлиги, йирик пахта заводлари қурилганлиги, Бухородаги “мадрасаи тиббия” қайта очилгани, шаҳар ва қишлоқларда усули савтия мактаблари ишга тушганлиги, мактаб ва мадрасалар учун Олия мадрасаларини тамомлаган муаллимлар таклиф қилингани, улар учун дарсликлар яратилгани хушхабарларини эштиб, кўриш истагида келди. Афсуски, унинг бу умидлари ҳали амалга ошмаган эди¹⁷⁴.

Амир Гаспринскийни Сарим Султон саройида қабул қилиши ҳақидаги хат келганидан кейин у Карманага қараб йўл олди. У ерда Амир одамлари томонидан кутиб олинган Гаспринский тонг саҳарда Сарим Султон сайройига йўлбошловчилар билан йўлга чиқди. Йўлда кўрганларини йўлбошчилардан сўраб, маълумот олди. Вабо касали туфайли бўм-бўш қишлоқларни кўриб, ҳукумат ушбу касалликнинг олдини олиш учун бирор иш қилмаганлигидан афеусланди¹⁷⁵.

Саройга етиб келган Гаспринский тўғри амир қабулига кирди. Суҳбат бир соат давом этди. Лекин унинг мавзуси бизга номаълум. Шундай бўлса-да, англаш мушкул эмас. Суҳбат усули жадида борасида бўлгани аниқ.

Гаспринский саройда валиаҳд Олимхон тўра билан ҳам кўришиб, ярим соат қадар суҳбат қилади. Сўнг яна Бухорога қайтиб келади¹⁷⁶.

Гаспринский Бухорога қайтишда йўл бўйида аввалги сафарида учратмаган кўплаб рус аёлларини кўрди. Бу ўтган ўн беш йил давомида жуда кўплаб рус аҳолиси кўчириб келтирилганлиги ва мустамлака идорасининг кўчириш сиёсатининг айни авжида эканлигидан далолат эди¹⁷⁷.

Бухородан кейинги ташриф маскани Самарқанд бўлди.

“Шоҳ Темур каби турк жаҳонгирини, Улугбек каби турк математигини, Навоий каби турк шоирини, Тафтазоний каби

¹⁷⁴ Қаранг: Бухорода на кўрдим? Таржимон, 1908 йил, 58-сон.

¹⁷⁵ Қаранг: Юқоридаги мақола. Таржимон. 1908 йил, 60-сон.

¹⁷⁶ Ўша ерда.

¹⁷⁷ Қаранг: Бухорода на кўрдим? Таржимон. 1908 йил, 63-сон

уламони этишдирган ва асраган Самарқанд бу кун нимага эга?¹⁷⁸”, ўзи ўзига савол беради Гаспринский.

Рус маъмурияти маҳаллий аҳоли яшайдиган жойларни фаровонлаштириш, кулайликлар яратишдан кўз юмиб турар эди.

“Самарқанд “эски” ва “янги” ўлароқ икки қисмдан иборатдир. Эскиси мусулмонлар турадиган қисм, кўчалар, бинолар мунтазамсиз, бозорлари, маҳаллалари жонсиз ва сукунатли бир ҳолда. Янги Самарқанд эса зоят мунтазам план ила кўчалари дарахтлар билан бурканган ўрмон ичкарисида бино қилинган рус шахридир. Эски Самарқандни қуёш ёқмоқда, янги Самарқандда қуёшнинг у қадар таъсири сезилмайди. Янги Самарқанднинг бинолари кўнглини қувонтирса, эски Самарқанднинг харобалари кўзларга ёш келтиради¹⁷⁹”.

Абдулқодир Шакурийнинг мактаби янги Самарқандда эди. Гаспринский ушбу мактабни бориб тамоша қилди. Мактаб ўқувчиларини имтиҳон қилиб кўрди. Ҳаммаси ўйлагандан ҳам зиёда. Гаспринский мактаб муаллимлари, Шакурий, Беҳбудийлар билан учрашиб узоқ суҳбатда бўлди¹⁸⁰.

Мактаб хусусида эса,

“Самарқанднинг усули жадида мактаби дастури ва ташикий шакли жиҳатидан анча мунтазам кўринади. Бош муаллим Абдулқодир афанди Шакурий мактабнинг интизоми ва тараққийси учун оддий бир ходим каби эмас, фидокор сувроти-ла хизмат қилади. Уламои мунавварадан Маҳмудхўжа Беҳбудий жаноблари мактаб таъсис этилганидан бери унинг давомий бўлишига жиддий ғиммат кўрсатиб келади... Мактабнинг юзга яқин ўқувчиси, уч муаллими бор. Форсий, туркий ва бошланғич араб тили, дин асослари, ёзув, арифметика, география ва тарих ўқув дастурига киритилган. Муножот ва шеър ўқитишига ҳам катта эътибор берилади¹⁸¹” каби илиқ сўзлар айтди.

Беҳбудий Гаспринский билан бўлган учрашувини кейинчалик эслаб шундай дейди: “...7 йил муқаддам устод ҳазратлари Самарқандга келиб, муаллим Шакурий ва бизга меҳмон бўлуб эдилар¹⁸²”.

¹⁷⁸ Юқоридаги мақола. Таржимон. 1908 йил, 63-сон.

¹⁷⁹ Ўша ерда.

¹⁸⁰ Бухорода на кўрдим? Таржимон. 1908 йил. 64-сон.

¹⁸¹ Ўша ерда.

¹⁸² Маҳмудхўжа Беҳбудий. Танланган асарлар. Т.: Маънавият, 1997, 81-бет.

Маҳмудхўжа Бехбудий ўша вақт яна бир усули жади́д мактаби, маориф хизмати учун таъсис этилган “Жамияти хайрия” ва кутубхона очиш ишлари билан машғул эди.

Гаспринский ички Русиядан келган татар аҳолисига мулк сотиб олиши таъқиқланганлиги масаласига ҳам тўхтайди. Рус ҳукуматининг бундай мужмал сиёсати икки пулга қиммат, яроқсиз, мусулмонлар ўртасига бундай сунъий тўсиқлар қўйилиши бесамаралигини таъкидлади.

“Русиядан келган мусулмонларнинг Ўрта Осиёда мулк сотиб ололмаслигидан Русия давлатига не фойдаси бор? Икки тараф бирлашмасин. Русияли мусулмонлар туркистонлиларга раҳбар бўлмасин каби ақлга сизмас бир фикр бор бўлса беҳудадир, бесамардир. Мусулмонларнинг бирлиги бундай қозиқлар билан ажралмайди, чунки бу бирлик динийдир, тарихийдир, жинсийдир. Бундай қозиқларнинг ҳатто фойдаси-да бор: мусулмонларни фикрлашга ундайди, кўзларини очади, ҳимматли бўлишга чақиради”¹⁸³.

Гаспринский Шакурый мактабида меҳмон бўлиб турганда Бухородан икки савдогар ва бир ёш муаллим келиб, у ерда мактаб очишга ва усулни ўрганишда ёрдам сўрайдилар. Исмоилбей кўлдан келганча ёрдам беришни ваъда қилади. Самарқандда ва Туркменистонда намуна мактаблари вужудга келган бир вақтда улар ўртасидаги Бухорода бундай мактаб йўқлиги ажабланарли бир ҳол эди. Гаспринский берган ваъдасига биноан Самарқанддан қайтишда Бухорода яна икки кун қолди. Амирликнинг Бош вазири Остонақулибек билан учрашди ва Самарқанддаги Шакурый мактабига усул ўрганиш учун бир одам юбориб, сўнг мактаб очилишига ваъда олди.

Гаспринский шу аснода “раиси уламо” бўлган Қози калон билан ҳам учрашди. Суҳбат давомида Қози калон ҳам мактаб ишида маҳаллий зиёлиларга кўмак беришини ваъда қилди. Суҳбатда муфтий Икром домулла ҳам иштирок этди¹⁸⁴. Бундан бир йил кейин худди шу муфтий Икром домулла жади́длар томонида туриб, янги усул мактабини ҳимоя қилди.

Гаспринский саёҳат таассуротлари битилган мақолаларини эълон қилаётган вақтда, яъни Туркистон сафаридан қайтганига беш ой вақт ўтганига қарамай

¹⁸³ Бухорода на кўрдим? *Таржимон*. 1908 йил, 68-сон.

¹⁸⁴ Бухорода на кўрдим? *Таржимон*. 1908 йил, 71-сон.

мактаб очилганлиги ҳақида бирор хабар олмаган. Мутасадди одамларни ишнинг канчали фоидали эканлигига ҳеч ишонтира олмаганлигидан афсусланди.

“Агар Бухорода бир баққол дўкони, ёки бир чойхона ва ёки баччалар рақсхонаси ташкили масаласи билан мурोजаат қилинса, қайдам анча илгари муваффақ бўлардим. Дарсхона таъсис этиши бундай осон иш эмас. Бунинг учун маънан, тил жиҳатдан ҳамда қаламим етарлича кучга эга эмаслиги билинди. Жаноби олий Амир ҳазратларига ва қўл остида бўлган Қушбегиларга, Мирохурларга, Қаровулбекларга ва бошқаларга усули савтия ва низомли мактаблар хусусида кўп марта маълумот ва тафсилот берганман, фақат масалани тушунтиришига иқтидорим етмаган кўринади. Шунинг учун бу сафар ҳам мактаб иши унитилиб, хотирдан чиқса гуноҳи мутлоқ менда. Балки оз бир вақтда ўқимоқ ёзмоқ, ҳисоб қилмоқ, дафтар тутмоқни ўргатадиган мактабга ҳожат йўқдир?”¹⁸⁵”.

Ички Русиядан келган татарлар Бухорода бир хайрия жамияти ташкил қилган эдилар. Қозондан муаллим таклиф қилиниб, усули савтия мактаби очилган эди. Ушбу татарлар Гаспринскийни ўз мажлисларига даъват қилдилар. Гаспринский ушбу мажлисда улар томонидан очилган Бухородаги биринчи усули савтия мактабини *“жаноби олийнинг падари марҳум амир Музаффариддинхон шарафига “Музаффария” деб номланишини*” таклиф қилди ва мажлис аҳли томонидан қабул қилинди¹⁸⁶. Шу ўринда Айнийнинг хотираларидаги ушбу парча диққатга лойиқ:

“1908 йил ёзида Гаспринский Бухорога келди. Янги усул мактабларини муҳокама қилиш учун бир қанча зиёлиларни ўз олдига таклиф қилди... Сухбат натижаси ўлароқ бир татар ва маҳаллий болалар учун мактаб очишга қарор қилинди. Бунинг учун мулла Низом уйи танланди. Мажлисда қатнашаётганлар мактабни Гаспринский номи билан аташни таклиф қилдилар. Лекин Исмоилбек рози бўлмай, мактабни амир Музаффариддин шарафига “Музаффария” деб аташни таклиф қилди”¹⁸⁷”.

Гаспринский ва Айний тилга олган мактаблар бир мактабми, ёки бошқа бошқа мактабларми? Агар “Таржимон”нинг 1909 йил 40-сонидagi “Бухородан

¹⁸⁵ Ўша ерда.

¹⁸⁶ Ўша ерда.

¹⁸⁷ Айний С. Бухоро инқилобига тарихий материаллар. М., 1926, 32-бет. Турдиев Ш. Гаспринский и Средняя Азия. // Культура Центральной Азии. 2001, №6.

мактублар” номи билан эълон қилинган хатдаги “*Хабарингиз борки, Бухоройи шарифда уч йилдан бери нўғойлар (Русияли турклар)нинг усули савтия мактаблари ишлаб турибди*”, деб ёзилган маълумотга таяниб, Бухородаги биринчи усули савтия татарлар томонидан 1906 йилда очилган бўлади. Гаспринский Бухорога борган вақтда ушбу мактаб қайта ташкиллантирилаётган эди. Демак, Гаспринский ўша мактабни “Музаффария” деб аташни таклиф қилган. Айний ёзган мактаб ҳам айнан шу мактаб бўлиши керак. Бўлиб ўтган мажлисда мактабда ҳам татар ҳам маҳаллий болалар учун синфлар очилиши кўзланган эди.

Гаспринский ўз саёҳат таасуротларини шу сўзлар билан якунлайди:

“Ҳозир баҳсларнинг энг муҳим нуқтасига келмоқдамиз, Бухоронинг ривож, истиқболи нимадан иборат бўлади? Маишхур Вамберининг айтгани каби “битдим” ёки рус маъмури Логофетинг айтганидек “губернатор тайин қилмоқ” вақти келдими ёки бу ватани маънавиямизнинг яна бошқа бир шаклдаги истиқболи борми?”¹⁸⁸.

Гаспринский Бухорони бутун туркларнинг маънавий Ватани, деб ҳисоблади. Уни ўтмиш замонлар каби илм ва маърифат ўчоғи бўлишини чин дилдан истади. Шунинг учун ҳам Туркистон масаласи унинг барча ишларида биринчи ўринда турди. Турк миллатининг истиқболи маълум даражада шу ўлка билан боғлиқ эди. Гаспринский бежиз ўз адабий асарларининг қаҳрамонини ҳам туркистонлик, тошкентлик қилиб танламади. Туркистон истиқболи у амалга ошираётган ишларининг асосий мазмуни бўлган эди.

Гаспринский Туркистонга келишидан кўзлаган асосий мақсади маҳаллий амиру хонларни, рус амалдорларини маълум даражада мусулмон мактабларини ислоҳ қилишга ташвиқ қилиш ва бунга эришиш эди. Абдулаҳадхон билан олдин бўлиб ўтган учрашувларда олган ваъдаларини бу ишнинг кафолати, деб ўйлади. Туркистонликларни асрлар оша давом этиб келаётган маънавий турғунликдан қўзғатиш, жаҳолат уйқусидан уйғотиш учун замин тайёрлашга ишонч билан келди. Лекин Гаспринский Абдулаҳадхон томонидан, расмий рус маъмуриятини айтмаса ҳам бўлади, ўзи кўзлагандек ғояларни амалга ошириш учун ҳеч қандай кўмак ололмади. Шундай бўлсада у маҳаллий зиёлилар ёрдамида маърифат чироғини ёқишга муваффақ бўлди. 1893 йилда Самарқандда очилган Туркистон ўлкасидаги биринчи намуна мактаби тез орада ёпилганига қарамай унинг нури сўнмади. Бирин-кетин янги мактаблар очилди. Гаспринский асосий эътиборини

¹⁸⁸ Бухорода на кўрдим? *Таржимон*. 1908 йил, 71-сон.

Бухорога қаратди. У Бухорони барча турк миллати учун маънавий Ватан, турк-мусулмонлар истиқболи маълум даржада Бухоронинг ривожиди, унинг тараққийсида, деб ҳисоблади. У ўз ташрифлари билан Туркистон жади́дларини оёққа туриб олишлари учун ҳам кўмак бўлди.

ИСМОИЛ ГАСПРИНСКИЙНИНГ ИЛМИЙ-БАДИИЙ АСАРЛАРИ ВА НАШРЛАРИДА ТУРКИСТОН МАВЗУСИ

1. “ТУРКИСТОН УЛАМОСИ” ВА ЯНГИ ДАВР ИЛМ-ФАНИ

Исмоил Гаспринскийнинг маърифатчилик фаолиятини акс эттирадиган манбалардан бири унинг 1900 йили “Таржимон” босмахонасида нашр қилдирган “Туркистон уламози” асаридир. Асар хажман кичик бўлса ҳам бизни Туркистонда етишган кўплаб машойихлар, муҳаддису муфассирлар, фақиҳлар, астроном ва математик олимлар, уларнинг таълиф қилган марғуб асарлари билан таништиради. Асарнинг яна бир қимматли жиҳати у бизга ҳали номлари яхши таниш бўлмаган уламолар, уларнинг қаламларига мансуб асарларидан маълумот беради. Гаспринский баъзи олимларни Туркистон ҳудудидан ташқарида туғилиб, ижод қилганига қарамай, уларнинг аجدодлари туркистонлик бўлганликлари учун уларни ҳам туркистонлик уламолар қаторига киритади. Уларга тегишли қимматли маълумотлардан хабардор қилади.

Охириги тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатдики, ушбу асар Бурсалик Меҳмет Тоҳир Бей¹⁸⁹га тегишли бўлиб, у “Туркларнинг улум ва фунунга хизматлари” номи билан Туркияда икки бор нашр қилинган (1896, 1911). И. Гаспринский ушбу асарнинг тилини бироз соддалаштириб, айрим ўзгартириш ва қўшимчалар билан қисқартирилган ҳолда 1900 йили ўз босмахонасида нашр қилган¹⁹⁰. У китобнинг бошида “Ноширдан бир сўз”да асарнинг нима учун чоп қилинаётганини айтиб ўтади. Лекин бу асар асли Бурсалик Меҳмет Тоҳир Бейга тегишли экани ҳақида ҳеч нарса йўқ. Ўзи “Ноширдан бир сўз” дейилганидан ҳам тушуниш мумкинки, китобни Гаспринский фақатгина нашр қилган. И.Гаспринский ҳақида ёзган замондошлари ҳам “Туркистон уламози”ни унинг асари сифатида тилга оладилар. Уларнинг мақолаларида ҳам Бурсалик Меҳмет Тоҳир Бей ҳақида бирор гап айтилмайди. Шундай бўлишига қарамай асарни Гаспринскийнинг маънавий-маърифий соҳада амалга оширган ишлари сирасига киритиб, тадқиқ этишни лозим топдик.

¹⁸⁹ Бурсали Меҳмет Тоҳир (1861 - 1924). Турк адабиёти тарихи билан шуғулланган. Биография ва библиография соҳасида жуда кўп илмий иш қилган.

¹⁹⁰ Бу ҳақда батафсил маълумот олиш учун қаранг: **Yavuz Akpınar**. İsmail Gaspıralı'ya Atfedilen Bir Eser: Türkistan Uleması. //Modern Türklük Araştırmaları Dergisi. Cilt 2, Sayı 4 (Aralık 2005) Mak. #50, ss. 26-36

Асар шу вақтга қадар махсус тадқиқ қилинмаган ва ўрганилмаган. Исмоил Гаспринский таваллудининг 150 йиллиги арафасида китоб 1900 йилги нашри асосида 2001 йили Озарбойжон Республикаси Муҳаммад Фузулий номидаги кўлёмалар институти тарафидан озарбойжон ва рус тилларида қайта нашр этилди¹⁹¹. Шунингдек, профессор Б. Қосимовнинг “Миллий уйғониш” номли китобида ҳам ушбу асар қисман таҳлил қилинган.

Биз тадқиқот объекти сифатида юқорида номи тилга олинган, қайта нашр қилинган нусхани асос қилиб олдик.

Дунёвий илмлар олдинги асрларда ўз тараққийи аълосига бизда, яъни турк-мусулмонларда етди. Дунё билан охират илмлари ёнма-ён, бир-бирини тўлдирган ҳолда ривожланди. Афсуски, XIX асрнинг охирига келиб бу илмлар қарама-қарши қўйилиб, дунёвий илмларни тарғиб қилувчиларга “кофир”, “дахрий” деган тамғалар босилди.

Гаспринский дунё ишлари, тараққиёт, ривожланиш учун керак бўлган илм “дахрийлик”ни тарғиб қилмаслиги, аксинча мусулмон оламини ҳам Ғарб каби юксакликка олиб боришини тушунтиришга ҳаракат қилди. “Туркистон уламоси” мана шу йўлда қилинган ишларнинг кичик, лекин унумли самарасидир.

Гаспринский китобни нашр қилишдан кўзлаган мақсадини “Ноширдан бир сўз”да шу тарзда ифодалайди:

“Уламо ва мусулмон ҳукмдорларининг таржимаи ҳоллари тадқиқ қилинса, кўплаб уламоларнинг турк ва туркистонли эканликларини кўриши мумкин. Уларнинг ёзган асарларга қараладиган бўлса, илм-фаннинг барча соҳаларида фаолият кўрсатганлари аниқ бўлади. Ҳозирги вақтда миллатимизнинг “керакмас”, “лозим эмас” деган фикрлар билан ўрганиш ва таҳсилига ҳиммат қилмаётган бир қанча фанларни аجدодларимиз замонларида Туркистонда ва Мовароуннаҳр мадрасаларида таҳсил этилганлигини асарларида кўрмоқдамиз”¹⁹².

Туркистонлик ва бошқа мусулмон уламолари олдинги асрларда мавжуд барча илм соҳаларида самарали ижод қилиб, улар яратган марғуб китоблар кўп асрлар давомида Европа университетларида асосий дарсликлар сифатида қўлланилиб келинганлигига қарамай Ғарбдагилар мусулмон олами жоҳил, динлари эса илм, фан ривожига тўсқинлик қилади, деган эътирозларига Исмоилбей куйидагича жавоб берди:

¹⁹¹ **Туркистон уламоси.** (Трансфонелитерация ва рус тилидаги таржимаси). Баку, Ўрнек, 2001.

¹⁹² Юқоридаги манба. 5-бет.

“Европада илм-фан жуда оз маълум бўлган вақтда Туркистон ўлкасида ҳеч қандай тўсиқларсиз ақлий ва нақлий илмлар билан ишгулланган эдилар. Бунинг бир далили сифатида, турк миллатининг табиий истеъдоди ва илм-фан ривожини учун қилган хизматларини кўрсатиши учун олдинги турк олимларидан бир қанчаси ҳақида қисқача маълумот нашр қилмоқдамиз¹⁹³”.

“Маданияти исломия” асарида эса И. Гаспринский яна ўша Европа олимларининг *“турк халқлари зехну салоҳиятдан ноқис ва ожиз бўлганлигидан қора ва паст ишлардан бошқасига ярамайди”* деган фикрларига қарши турк миллати идрок истеъдод, зехн ва ақл бобида бошқалардан заррача кам эмаслигини исботлади.

“Ислом оламида машҳур ва Европа илм доирасида “муаллими соний” номини олган Абу Наср Форобий ҳазратлари турк ўғли туркдирки, ҳам биринчи уламодан, ҳам биринчи ҳукамодандир. Али Ҳусайн ибн Сино ҳазратлари Европада “Ави Сена” номи билан машҳур бўлган экан, турк ўғли туркдир. Юнон халқи Буқрот каби табиб ва Арасту каби философлари билан ифтихор қилади. Ибн Сино эса ҳам табиби машҳур, ҳам философи нодир эди. Ибн Сино Арасту каби фикр юритади, лекин Арастунинг шогирди бўлмай ўзининг ақлий ва зехний истеъдоди билан Арастуга тенг келган. Ибн Сино Бухоро мевасидир...¹⁹⁴”

Гаспринский Туркистон уламози дер экан, ҳудудий жиҳатдан ҳозирги Марказий Осиё, Афғонистоннинг шимоли, Хитой ҳудудидаги Шарқий Туркистонда яшаб, ижод қилган олимлару машойихлар тўғрисида гапиради. Лекин бу уламо исломият оламининг забардаст илм вакиллари ҳам эдилар. Шу жиҳатдан ҳам “Туркистон уламози” бутун мусулмон дунёси уламози сифатида қаралган.

“Туркистон уламози” 10 фаслдан иборат бўлиб, ҳар бири маълум соҳа олимларига бағишланган. Асарда тилга олинган ҳар бир олимга таъриф берилар экан, у ҳақида қисқача маълумот ва унинг қаламига мансуб энг машҳур асарлари санаб ўтилган. Фасллар қуйидагилардан иборат:

¹⁹³ Ўша ерда.

¹⁹⁴ **Исмоил Гаспринский.** Маданияти исломия. // *Ёш куч*, 2001, 4-сон. **Қосимов Б.** Миллий уйғониш. Т.: Маънавият, 2002, 184-бет.

1. “Туркистонда етишган буюк ориф ва машойихлардан баъзилари¹⁹⁵”.

Бу фаслда Туркистон диёридан етишиб чикқан тасаввуфнинг забардаст вакилларида 11 машойихга таъриф берилган ва яна ушбу оқимга мансуб 7 суфийнинг номи тилга олинган. Улар: Шох Нақшбанд (в. 791 х.с.), Шайх Нажмиддин Кубро (в. 618 х.с.), Абдулхолиқ Ғиждувоний (в. 618 х.с.), Али Ромитоний Бухорий (в. 322 х.с.), Азиз Насафий (в. 618 х.с.), Шайх Иброҳим Бадахшоний Нақшбандий (в. 1160 с.), Амир Бухорий (в. 922 х.с.), Шайх Масъуд Бухорий, Муаййиддин Жундий, Абу Бакр Шиблий (в. 323 х.с.), Мавлоно Шайх Садриддин Кунявий (в. 671 х.с.), Хожа Абу Наср Порсойи Бухорий, Абу Саид Абулхайр, Убайдуллоҳ Ахрорий Самарқандий, Хожа Аълотдин Аттор Бухорий, Саъиддини Қошғарий, Абдуллоҳ Қошғарий, Абулқосим Гургоний.

2. “Туркистонда етишган машхур муфассирлар¹⁹⁶”.

Бу фаслда туркистонлик бутун ислом оламига машхур 10 муфассир ҳақида маълумот берилган. Улар: Абулқосим Муҳаммад бин Умар аз-Замахшарий (в. 538 х.с.), Мавлоно Қошғайи Сабзаворий, Мавлоно Жамолиддин Абу Абдуллоҳ Балҳий (в. 699 х.с.), Мавлоно Шайх Шихобиддин (в. 780 х.с.), Абуллайс Самарқандий, Абу Хафс Умар ан-Насафий, Имом Абу Мансур Мотуридий, Мавлоно Шайх Али ас-Самарқандий (в. 927 х.с.), Абу Хафс Умар бин Исҳоқ ибн Аҳмад ал-Ғазнавий (в. 773 х.с.), Ҳофизиддин Абулбаракот Абдуллоҳ бин Аҳмад бин Маҳмуд ан-Насафий.

3. “Туркистонда етишган буюк муҳаддислар¹⁹⁷”.

Ушбу фаслда бутун ислом оламига машхур 9 муҳаддис тўғрисида хабар берилган. Улар: Абу Абдуллоҳ Муҳаммад бин Исмоил ал-Бухорий (в. 256 х.с.), Муҳаммад бин Исо Термизий (в. 279 х.с.), Иброҳим Шокистоний, Абу Абдурахмон Аҳмад бин Шуайб ан-Нисоий (в. 303 х.с.), Исмоил бин Муслим Шиконий (в. 324 х.с.), Имом Аҳмад бин Ҳанбал (в. 241 х.с.), Абу Муҳаммад Абдуллоҳ бин Абдурахмон Доримий (в. 255 х.с.), Абу Бакр Шоший (в. 366 х.с.), Абу Бакр Аҳмад бин Муҳаммад ал-Хоразмий (в. 425 х.с.).

4. “Туркистонда етишган мутакаллим ва фақиҳлар¹⁹⁸”.

Бу фаслда туркистонлик 7 мутакаллим ва фақиҳлар таърифи келтирилган. Улар: Абу Мансур Мотуридий, Мавлоно Бақоий Хоразмий (в. 562 х.с.), Абуллайс Самарқандий (в. 373 х.с.), Мавлоно Абдуллоҳ бин Масъуд Бухорий (в. 722 х.с.),

¹⁹⁵ Қаранг: Туркистон уламози. Баку, Ўрнек, 2001, 6-бет.

¹⁹⁶ Қаранг: Юқоридаги манба. 8-бет.

¹⁹⁷ Қаранг: Юқоридаги манба. 11-бет.

¹⁹⁸ Қаранг: Юқоридаги манба, 13-бет.

Абдуллоҳ бин Умар Исо Абу Зайд Дабусий, Садру-ш-шариа Абдуллоҳ бин Масъуд Харавий, Амир Котиб ибн Умар ал-Амидий (в. 758 х.с.).

5. “Туркистонда етишган адабиёт илми уламоси¹⁹⁹”.

Ушбу фаслда туркистон диёрида етишган 11 адиб таърифи берилган. Улар: Абу Наср Исмоил бин ал-Ҳаммод ал-Гавҳарий (в. 393 х.с.), Сирожиддин Юсуф ас-Саккокий (в. 626 х.с.), Аллома Маҳмуд Ғазнавий, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад бин Али Термизий (в. 255 х.с.), Абу Иброҳим Фаробий (в. 350 х.с.), Мавлоно Ҳасан Сабзаворий, Рашидиддин Ватвот Балҳий (в. 587 х.с.), Носир бин Абдусаид бин Али ал-Мутарразий, Абу Бакр Муҳаммад бин ал-Аббос ал-Хоразмий, Муаллим Жоҳиз, Абу Исҳоқ Саййор ал-Балҳий, Тошкандий, Ҳасан бин Муҳаммад бин Ҳасан ас-Сағлий, Абулқосим Балҳий (в. 463 х.с.).

6. “Туркистонда етишган соҳиби девон бўлган машҳур шоирлар²⁰⁰”.

Бу фаслда соҳиби девон бўлган 23 буюк шоир ва шоиралар тавсифи берилган. Улар: Ҳаким Санойи Ғазнавий (в. 445 х.с.), Шох Бадахшоний, Зоҳир Фарёбий (в. 598 х.с.), Фатавойи Хоразмий (в. 732 х.с.), Камолиддин Чамандий (в. 793 х.с.), Шавкат Бухорий (в. 1108 с.), Султон Ҳусайн Бойқаро, Алишер Навоий (в. 906 х.с.), Асириддин Ахсикатий (в. 608 х.с.), Сайфиддин Асфранжий, Махтумқули, Мавлоно Лутфий, Абулфотих Бистий (в. 430 х.с.), Амир Хусрав Дехлавий, Муҳаммад Солих, Оиша Самарқандий, Азамат Самарқандий, Меҳри, Нуржаҳон Бегим, Лола Хотун, Асми. Иффатий, Дўхтар Қошғарий. Шунингдек Астрободда ижод қилган Ҳилолий, исфахонлик Жузвий, кошонлик Завқий, хуросонлик Хисолий, техронлик Хилатийлар ҳам турк шоирлари қаторига киритилган.

7. “Туркистонда етишган ҳаким ва табиблар²⁰¹”.

Ушбу фаслда туркистонлик 11 ҳаким ва табиб таъриф қилинган. Улар: Ибн Сино (в. 428 х.с.), Форобий (в. 339 х.с.), Хожа Фаҳриддин бин Авҳадийи Сабзаворий (в. 868 х.с.), Ҳаким Азрокийи Марвий, Бадриддин Самарқандий, Нажибиддин Абу Хумо Самарқандий, Абу Язид Балҳий, Абдурахмон ал-Ҳасан ал-Қитон ал-Марвий, Абу Иброҳим Гургоний (в. 531 х.с.), Шариф Шарафиддин, Абу-л-Аббос Аҳмад бин Табиб Сарахсий (в. 283 х.с.).

8. “Туркистонда етишган астроном ва математик олимлар²⁰²”.

¹⁹⁹ Қаранг: Туркистон уламоси, 14-бет.

²⁰⁰ Қаранг: Юқоридаги манба, 16-бет.

²⁰¹ Қаранг: Юқоридаги манба, 20-бет.

²⁰² Қаранг: Юқоридаги манба, 23-бет.

Ушбу фаслда туркистонлик 13 астроном ва математиклар ҳақида маълумот берилган. Улар: Абу Маъшар Балҳий (Европада “Албомазар” номи билан машҳур), Муҳаммад бин Мусо ал-Хоразмий, Аҳмад бин Касир Фарғоний (в. 266 х.с.), Муҳаммад бин Муҳаммад Чиғминий, Мавлоно Али Қушчи (в. 879 х.с.), Шамсиддин Самарқандий (в. 600 х.с.), Авлоди Шоҳ Темурдан Улуғбек (в. 863 х.с.), Муҳаммад Хўжандий, Али бин Можур ва унинг ўғли Абу-л-Ҳасан, Абдуллоҳ бин Саҳл ал-Фарғоний, Абу Райҳон ал-Беруний ал-Хоразмий (в. 430 х.с.), Ғиёсиддин Жамшид.

9. “Туркистонда етишган тарих ва жўғрофия уламоси”²⁰³.

Бу фаслда 10 тарихчи ва географ олимлар тавсиф қилинган. Улар: Ғиёсиддин Муҳаммад (Хондамир) (в. 942 х.с.), Муҳаммад Фарғоний, Ҳофиз Аbru (в. 834 х.с.), Жамолиддин Атоуллоҳ Найсабурий (в. 917 х.с.), Абу Сайид Самъоний ал-Марвий (в. 562 х.с.), Аҳмад бин ат-Табиб ас-Сархасий, Али Қушчи, Абдураззоқ Самарқандий, Абу Жаъфар Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Амир Абдулкарим Бухорий (в. 1246 х.с.).

10. “Турк фуқаҳосидан баъзилари”²⁰⁴.

Ушбу фаслда 10 фақиҳнинг номи ва асарлари санаб ўтилган. Улар: Абу Мутаббий Балҳий, Ҳакиму-ш-шаҳид Абулфазл Муҳаммад бин Муҳаммад Аҳмад ал-Марвий, Абулқосим Саффор Балҳий, Шамсу-л-аимма Сарахсий, Қози Абуллайс Муҳаммад бин Аҳмад ал-Бухорий, Фаҳриддин Али ал-Яздавий, Бурҳониддин Марғиноний, Нажмиддин Абу Хафс Умар бин Маҳмуд Аҳмад ан-Насафий, Зайниддин Итобийи Бухорий.

Асарда жами 115 туркистонлик уламо, адиб ва шоирлар тавсифи берилган.

Гаспринский турк миллатининг аجدодлари ҳар соҳада буюк бўлганлигини кўрсатиб, замондошларини ғафлат уйкусидан уйғотишга, замонавий илмларни эгаллашга чақиришда умрини охиригача тўхтамади. Бу ишда ҳам “Таржимон” унинг асосий минбари бўлди. У бир мақолаида жаҳолат номидан гапририб, “*Шоҳнома, Булбулнома, маърифат ва ҳатто Таъбирнома бордир. Фақат эшитмадимки, бўлсин “Жаҳолатнома”. Эй, адиблар, шоирлар ёзишингиз даркор бунга махсус бир нома. Чун ҳукмфармодир жаҳолат ҳар макону замонд*”²⁰⁵,-деб ёзган эди.

²⁰³ Қаранг: Юқоридаги манба, 25-бет.

²⁰⁴ Қаранг: Юқоридаги манба, 27-бет.

²⁰⁵ Жаҳолат хутбаси. *Таржимон*. 1909 йил, 14-сон.

Гаспринский жаҳолат замонаси одамлари устига миниб олганлигидан кулди ва уларни қаттиқ танқид қилди.

“Эй, кишилар, алданмагиз. Ғафлатда қолиб уйғонмангиз. Чун келур сизларга саодатни билмаслик, кўрмаслик бундай ётмоқ ила! Захмат чекиб, кўз очиб нима кўрасиз? – Рангоранг дунёни, нуроний самони эмасими? Захматга ўрин йўқ. Чун биридир ҳаммасида намоён. Бошқасини кўрарсиз не бўлсада эрта кеч! Бири учун керакдир кўп фикр ва ихтимом. Ҳолбуки, ирфон ва иқдам этилмишидир ҳаром!”²⁰⁶”.

Ҳар турлик илмий янгиликни бидъат, шайтоний нарса, ғайридинлар махлуки каби атамалар билан фатво берган мулларлар оддий авом халқни бунга ишонтирган. Одамлар эса жоҳилликлари сабабли бу фатволарни ҳеч иккиланмай қабул қилиб, уларга амал қилганлар. Гаспринскийнинг сўзи билан айтганда, “*Ҳол буки, ирфон ва иқдам эдилмишидир ҳаром*”.

Ғарб илм-фан билан юксак чўққиларга интилаётган бир вақтда мусулмон олами ғафлатда эканлигини айтиб, кинояли сўзлар билан уларни кўзини очишга ҳаракат қилди. Ҳатто динда буюрилган, фарз амали бўлган илм олиш, изланишни мулалар томонидан ҳаромга чиқариб қўйилганини танқид қалами остига олди. Жаҳолат туфайли мусулмонлар Ғарб қўл остида эзилаётганидан ачинди. Жаҳолат номидан гапириб уларни огоҳликка чақирди.

“Европа шошмоқда. Сиз унга қараманг! Боқинг, кўзингизни очиб қаранг – кечаю кундуз тинмай ҳаракатда, бешикдан қабргача девона. Ўқийди, ўқийди, кўз нурини тўкади. Тоғларни талқон қилиб, йўл очиб, ўтмоқда. Дарёда балиқ каби, ҳавода қуш каби учмоқда. Беи ойлик масофадан ёнма ён турган каби сўзлашади, фикрини етказида. Юздан ортиқ халқлар уларнинг қўл остида. Ўз хоҳлаганича улардан фойдаланади. Бунга ҳам қониқмай яна ҳаракат ва яна ҳаракат қилмоқда. Чунки кўз очган чоғидан илмдан хабар ва лаззат олган. ...Вой, бадбахт Европа! Илмдан, билимдан келмадими сенга бу ҳоллар, бу ишлар? Эй, кишилар, зинҳор сиз улардан ўртак олманг! Ғафлат билан уйқудан воз кечманг. Иш ва кўш заҳматиға кирманг. Қочинг тезлик билан саъй ва ғайратдан. Келар сизга саодат жаҳолату ғафлатдан! Бахтиёрдир шул кишики, уйғонмоқ истамас, роҳат,

²⁰⁶ Юқоридаги мақола.

*масъуддир шул кишики, ҳеч бир билим истамас... Воқеан, бу илм фоидаси, ҳунар ва маърифат сизларга керак эмас*²⁰⁷».

Гафлат номидан сўзлаган Гаспринский ўз миллатдошлари, буюк уламолар авлоди бу кунда чаласавод, чўпонлик ва қассоблик ўз ҳаёти мазмуни, қуллуқчилик ва хизматчилик тақдирим, деган мусулмон оламига “кўзингни оч!”, - дея хитоб қилиб, қуйидаги сўзлар билан фикрини якунлади:

*“Илм ва ҳикматдан тамом дарслар олиб бўлсинлар бировлар аҳли ирфон ва камол. Сиздан баъзилар алифбо билсалар етар! Осон усул ва низом билан оз вақтда кўп илм таҳсил этсин бошқалар, беш йилда сизларга ўн сатр етар. Тадбир билан, машина билан юрсин бошқалар, темирларни ипдай кесиб, эшсинлар, чўпонлик-ла қассоблик сизларга етар. Буларинг хотин-қизлари илм ва ирфон билан барча нарсага қодир бўлсин. Сизнинг аёлларингиз тўшак солса етарли, кифоя қилади, бошқа ҳеч нарсага хожат йўқ, шуни билгани етар! Илм ва ирфон-ла давронни ҳўб бошқалар сурсин. Хизматчилик, қуллуқчилик сизларга етар. Бошқаларнинг ватани бўлсин адолат гулишани. Ҳукмдорнинг утидан ҳукм сурсин қўнун, ҳуқуқ ва миллат. Сизларга лозим бўлган солиқ, бермоқ ва гафлат! Ғуломпараст, занпараст, зилли девона мустабиддан бири келсин, бири кетсин, сизларга байъат ила итоат – етар! Борсин, касб этсинлар бошқалар, мол, камол, ирфон ва ҳол. Сизларга уйқу ва гафлат – етар. Чунки, уйқуда кўрарсиз мол, камол, ирфон ва ҳол! Эй, жаҳолат сенми бу? Лаънат сенга, лаънат сенга*²⁰⁸».

Кўриниб турибдики, Гаспринский бу ерда ҳокимларни ҳам тилга олиб, келгиндиларга байъат ва итоат қилишдан бошқа нарсага ярамаслигига ҳам ишора қилиб, ҳажв тиғини теккизиб ўтган. Туркистоннинг иллоти бўлган баччабозлик ҳам четда қолмаган. Буларнинг барчаси халқнинг жаҳолатда қолганидан, илмсизлигидан эди.

Бир миллат бошқа миллат олдида ўзининг илмий, иқтисодий салоҳияти билан устун туради. Аксинча бўлмайди. Гаспринский илм олишга, ўқишга тарғиб қилар экан миллатни ушбу йўлда ҳаракат қилишга чорлади.

“Ҳар миллатнинг даражаси дўст ва душман қаршисида рағбати ва аҳамияти илмий ва иқтисодий қудрати-ла мутаносибдир. Жоҳил ва

²⁰⁷ Ўша ерда.

²⁰⁸ Жаҳолат хутбаси. Таржимон. 1909 йил, 14-сон.

*фақир бир миллатнинг рағбатда бўлганлиги қачон кўрилган. Олим, маорифманд ва бой бир миллатнинг оёқ остида қолдгани ҳам шу каби ҳеч вақт бўлмаган. Бундан кейин ҳар ким ўз ҳолича ва жумла жамоат билан илм ва мол тараққиёти йўлларида ҳаракат қилиши керак*²⁰⁹”.

Тараққиёт йўлига кириш учун эса билим олиш, ўқиш керак. “Барча миллатларнинг ҳаракат қилиб босиб ўтган ва ҳозирда бизларнинг курашадиган майдонимиз илм ва маориф, ҳунар ва иқтисод майдонидир. Бунга восита бўладиган нарсалар – мактаб, дунёқараиш, тил ва адабиёт ислоҳи. Булар бошқа нарсаларнинг асосидир, бошидир, мoyaсидир”²¹⁰”.

Исмоилбей тараққиётга эришишнинг асослари 4 нарсага, яъни мактаб, ўқиш, тил ва миллий адабиёт ислоҳига боғлиқ эканлигини таъкидламоқда. Тараққиётнинг пойдевори мактаб эканлигини яна бир бор таъкидламоқда. Ҳаммаси мактабдан, бошланғич тарбиядан бошланади. “Бу жиҳатда қилинадиган ҳиммат ва хизмат маданий фаолиятнинг энг фойдалиси, энг шарафлиси. Ҳозирги замон ва истиқбол учун энг самаралисидир”²¹¹” деб ёзган Гаспринский миллат бойларини ҳиммат қилишга, миллат тарбияси йўлида беминнат хизмат этишга чорлайди.

Гаспринский миллат тараққиёт йўлига кириши учун мактаблар билан бир қаторда мадрасалар ҳам ислоҳ қилиниши, уларнинг ўқув дастурларига замонавий илм-фанлар киритилиши кераклигини таъкидлади ва бу йўлда жуда кўп иш қилди. Ишнинг ўта муҳим эканлигини миллатнинг онгига сингдигишга ҳаракат қанча ҳаракат қилмасин, натижаси кам бўлаётганидан афсусланди.

*“1881 йили русча нашр қилинган “Русия мусулмонлари” номли рисоламизда биринчи дафъа ўлароқ мадраса ислоҳидан баҳс очилган эди. Мадрасаларнинг дастурига замонавий фанларни киритилиши ва маълумотли, назарий жиҳатдан етук уламо етиштириш кераклиги қаралган эди. ...Ҳозир масаланинг аҳамияти, миллатимизнинг тараққиёти ва юксалиши мадрасаларнинг ислоҳига ва илгарिलाшига боғлиқ эканлиги етарли даражада тушунилмоқда*²¹²”.

Олдинги асрларда ушбу мадрасалар ўз замонасидаги каби “дин мактаби” ёки “мулла фабрикаси” бўлмай бутун дунё миллатлари учун намуна, уларда етишиб чиққан уламолар эса олам хожалари эдилар. Европа университетлари эса

²⁰⁹ Бу кунги масала. *Таржимон*. 1911 йил, 32-сон.

²¹⁰ Ўша ерда.

²¹¹ Бу кунги масала. *Таржимон*. 1911 йил, 32-сон.

²¹² Мадрасаи олия ва мадрасаи олиялар. *Таржимон*. 1913 йил, 175-сон.

Андалуз дорилфунунлари асосида пайдо бўлди. Ислом олами олимларининг айрим асарлари hozirга қадар уларда асосий ўқув китоблари эканлигини уқтиришга уринган Гаспринский:

“Сираси келганда яна бир бор такрор қиламан: мусулмон мадрасаси айни тузилишига кўра ёлғиз “дин” мактаби, “мулла” фабрикаси эмас. ...Олдинлари улар улуми диния, фунуни ақлия, табобат ва адабиёт дарсхоналари бўлиб, миллатга лозим бўлган ҳар турли уламо ва аҳли ирфон етиштирар эди. Замонамизда Европада машҳур “Университа”, яъни Дорилфунунлар Андалус мусулмон мадрасаларига тақлидан таъсис қилингани ва уларни ташкил қилганларнинг аксари ўша мадрасаларда ўқиб кетган европаликлар бўлиши билан бир қаторда илмий дарс китоблари ҳам арабчадан таржима қилинди. ...Цивилизация тарихи бизга бу ҳоллардан батафсил хабар беради²¹³”, - деб ёзди.

Мадрасаларни эски замон мадрасалари йўлига қўйиш кераклигини таъкидлайди. Миллат хизматиға керак бўлган мутахассисларни фақат ана шу мадрасаларда етиштириш мумкинлигига ишонди ва бошқаларни ҳам бунга даъват қилди. *“...Агар мадрасаларимиз эски замон қоидалари узра кўтарилмас экан миллатинг кўзи очилмайди, миллат юксалмайди”.* Миллатни кўтариш, зеҳнини очиш фақатгина ана шундай мадрасада етишган уламо қўлида эканлигига ишора қилиб, *“Мусулмонларни наstdан юқорига, қолоқликдан тараққиётга олиб чиқадиган “уламо”дир”* деб ёзди Гаспринский. *“Лекин бундай уламони етиштирмоқ учун мадрасаларимизни бойқушлар ётоғи даражасидан чиқариб, дор ул-улум, дор ул-фунун, дор ул-адаб ҳолиға келтирмоқ керак²¹⁴”,* дея яна бир қарра таъкидлади.

Гаспринский ислоҳ қилиниши керак бўлган мадрасаларни Уфадаги ислоҳ қилинган Мадрасаи Олия каби иккига бўлишини таклиф қилди. Унда қабул қилинган ўқув дастурларини бошқалари ҳам қабул қилиши кераклигини таъкидлади. *“Тайёрлов” ва “Олий” – икки қисмдан иборат бу Мадрасаи Олияда таҳсил муддати уч йилдан олти йилгачадир. Дарс жадвали қуйидагича: араб тили наҳви, қироат ва имло, фикҳ, туркча имло ва ишио, татар тарихи, жуғрофия, рус тили, геометрия, расм, ҳуснихат, умумий тарих, илми ашъ, сияри ан-набий, фароизи ҳадис, тафсир, усули фикҳ, диний фалсафа, араб балогати ва*

²¹³ Қаранг: Юқоридаги мақола. Таржимон. 1913 йил, 175-сон.

²¹⁴ Мадрасаи олия ва мадрасаи олиялар. Таржимон. 1913 йил, 175-сон.

*адабиёти, Қонунлардан уч юз модда, рус тарихи, ҳикмати табиия, кимё, тарихи табиий, илми калом, илми иқтисод, рус қонунлари ва психология*²¹⁵”.

Гаспринский Бухоро мадрасалари ҳақида фикр юритар экан, улар авваллари машриқдан мағрибга қадар шуҳрат топган эди, улардан чиққан уламолар исми шарифлари барча илм одамларида Бухорога муҳаббат ва ҳурмат пайдо қилди, деб ёзган эди. Албатта, бир замонлар шундай бўлган “эди”. Ҳозирда эса мадрасаларда таълим ва тарбия бузилганлигидан ҳам номи оламга машҳур “Туркистон уламеси”нинг ўрини босадиган уламо чиқмаётганлигидан ачиниб, “эски мадрасалар...да ақл арслонлари, фикр қоплонлари, қиёс ва тасаввур қаҳрамонлари етишиб ва миллатни олдинга ва олдинга етаклар эди. Аммо ҳозирги мадрасаларимиз шундай тушкун ҳолга келдиларки, ...беш юз йилдан бери уч юз миллион мусулмон орасидан на бир Муҳйиддин, на бир Сино, на бир Ғаззолий чиқмади...”²¹⁶ дея ёзади.

Гаспринский XIX аср охири XX аср бошларидаги Бухоро мадрасаларининг ўқув дастурини келтиради. Ушбу мадрасаларда ўқиш 20 йил давом этган. Талабалар эса мактабда 5 йил, мадрасада 20 йил ўқиши давомида “илми ҳисобдан хабари, илми тарихдан ҳиссаси бўлмай, замон ва дунё аҳволидан зарра қадар маълумоти йўқ. Улуми ижтимоий ва иқтисодиянинг ҳатто вужудидан хабари йўқ”²¹⁷ эканликларининг асосий “...сабаби мадрасаларимизда илм ва тарбия қолмаганлигидир”²¹⁸, деган сўзлар билан уларни ислоҳ қилишга чорлади.

XIX асрнинг охирида яшаган ва дунё кўрган зиёлиларнинг бирортаси ҳам Туркистоннинг ўша давр аҳволидан қаноат ҳосил қилмайди. Гаспринский хонликлар салтанатининг сўнгги давр аҳволини эса қуйидагича тасвирлади:

“Шоҳ Темур замонида ҳар бири бир арслон бўлган туркистонийлар бу замонда зулм ва истибдод таъсири остида қолдилар. Эски илм ва уламодан ҳам деярли асар қолмаган... Шижоат майдонида Темурларнинг, Шайбонийларнинг исм-шарифлари унутилгани каби илм майдонида Ибн Синолар, Форобийлар, маориф майдонида Али Қушчи, Улғбеклар ёддан чиқиб, бутун Мовароуннаҳр бир хонақойи паришон ва диёри дарвешон бўлмиш эди. Илм, ҳилм, маориф иззат-нафс ва ҳайсият (ҳурмат-эътибор) риёкорликка айланган эди. Бу

²¹⁵ Юқоридаги мақола. *Таржимон*. 1913 йил, 175-сон.

²¹⁶ Мадрасаи олия ва мадрасаи олиялар. *Таржимон*. 1913 йил, 175-сон.

²¹⁷ Қаранг: Бухоро мадрасаларида дарс прўграми. *Таржимон*. 1913 йил, 247-сон.

²¹⁸ Мадрасаи олия ва мадрасаи олиялар. *Таржимон*. 1913 йил, 175-сон.

*сўзлар балки аччиқ сўзлардир, лекин тўри сўзлардир. Тарих ёзадиган муаррих мадҳия ёзадиган мирза эмас*²¹⁹”.

Мана шу “хонақойи паришон” ватанга, “дарвеш” ва “риёкор”лар миллатга айланмас экан, Туркистоннинг келажаги йўқ, дея ҳақиқатни айтишга журъат қилган Гаспринский, унинг бу гаплари фақат Туркистон аҳлига эмас, балки бутун Россия мусулмонларига тегишли эканлигини таъкидлади.

Гаспринский мусулмон илм-фани, маданияти ва уларнинг ривожига билан боғлиқ жуда кўплаб мақолалар эълон қилди. Унинг бу қилган ишларидан кўзланган асосий мақсад, мусулмон олами ўзини олдинги тараққиётига, ҳар жиҳатдан юксаклик даврига бир назар ташлаб, яна ўша чўққиларга интилишига эришиш эди. Бунинг учун жамиятнинг ҳар бир аъзоси бир ёқадан бош чиқариши керак. “Қадимчилар” ва “жадидчилар” ўртасидаги ихтилофлар олиб ташланиши, амалга оширилиши керак бўлган ислохотларга ҳеч ким қаршилиқ қилмаслиги керак. Гаспринский ўз мақолаларида мана шу ихтилофларни бартараф қилишга, мусулмон уммасини бирга иш олиб боришига чақирди.

Ислом илм-фани тарихига назар ташлаб, Гаспринский уламоларни уч қисмга ажратди. *“1300 йиллик исломиятнинг биринчи уч юз санаси давомида дунёга келган уламога умумият эътибори-ла “уламоий мутақаддимин” ва бундан сўнгра келганларига “уламоий мутаххирин” дейилди. ...Агар муносиб кўрилса биз (замонамиз) афкори мунавварси соҳиби бўлган уламомизга “уламоий асриюн” номи олиясини бермоқ истаймиз*²²⁰”.

Исломда илм қандай пайдо бўлди? Нима учун мусулмонлар ўз даврида бутун инсоният учун хожалик қилди? Гаспринский ушбу саволларга қуйидагича жавоб берди: *“Исломнинг бошида, ўттиз-қирқ йил давомида терига ёзилган лавҳ тўрт дона “Мусҳафи шариф”дан бошқа қўлда китоб йўқ эди. Ушбу давр аввалида Қуръондан бошқа бир китобга балки эҳтиёж ҳам бўлмагандир. Керакли баъзи маънолари, тафсири саҳобаи киромдан сўралиб, шунга амал қилинар эди. Фақат, ислом халифалиги Шом, Миср ва Ироқ мамлакатлариқадаар кенгайиб, форс, рум, қибтий ва бошқа миллатлар билан тўқнаш келганда Ҳижоздаги бўлгани каби осонлик билан иш юритиши мумкин бўлмади. Куфадан Мисрға қадар ва Шомдан Яманга қадар ёйилган халифаликни идора қилмоқ, қўлда тутмоқ, солиқ олмоқ, кўприklar, йўллар қурмоқ, қудуқлар, ҳовузлар қаздирмоқ, олиш-бериш учун дафтарлар ижод этмоқ, ҳар вилоятга волийлар, дафтардорлар,*

²¹⁹ Тарихи жади́ди Туркистон. *Таржимон*. 1906 йил, 33-сон.

²²⁰ Қаранг: Уламоий асриюн. *Таржимон*. 1913 йил, 38, 40-сонлар.

муҳофизлар, аскарлар таъйин қилмоқ, котиблар етиштирмоқ учун мактаблар, қозилар, ҳокимлар етиштириши учун мадрасалар таъсиси, араблар ва боҳусус ислом динини қабул қилган бошқа миллатларга араб тили ва Қуръонни билдирмоқ учун сарф, наҳв, луғат китоблари тартиб этмоқ кераклиги англашилди. ...Араблардан кўра маданиятлироқ ва ҳаётлари ҳам бошқа ва тижоратлари, саноатлари анча илгари бўлган халқлар ила яшамоқ, улари идора қилмоқ ...кераклигидан илми тафсир ва илми фикҳга эҳтиёж пайдо бўлди, “Китоб” вужудга кела бошлади²²¹”.

Гаспринский замон билан ҳамоҳанг бориш, бошқа миллатлар билан савдосотиқ қилиш, сиёсат юргизиш учун математика, геометрия, тил, сиёсий фанлар, география каби дунёвий илмларини ўқиб ўрганиш кечиктириб бўлмайдиган иш эканлигини тарих мисолида тушунтиришга ҳаракат қилди. “Оддий бир ҳисоб-китоб дафтари тутмоқ учун математика, катта бир кўприк ё иморат қуриши учун геометрия, миллатлар билан муомала ва тижорат, бошқа давлатлар билан муносабат қуриши учун тил, сиёсат, география ва уларнинг диний фикр ва илмларини ўрганишга тўғри келди. Мусулмон олимлари вақтни қўлдан бермай ҳинд, форс ва юнон тилларидаги мавжуд илмий китобларнинг энг муҳимларини араб тилига таржима қилди, мадрасаларда Қуръон, тафсир, фикҳ ўрганиш билан бирга математика, геометрия, астрономия, медицина, логика, фалсафа ва бошқа фанлар билан шуғуллана бошладилар²²²”.

Гаспринский мана шу ишларни тезлик билан амалга ошириш, мадрасалар ўқув дастурларини қайта замонга мувофиқ тарзда кўриб чиқиш ва зарур фанларни киритиб, таълим қилишгина бошқа ривож топган миллатлар қаторига, ҳатто улардан-да юксакларга олиб чиқишига умид билан қаради ва бунга яна тарихни мисол қилиб кўрсатди. “Уламоий мутақаддимин хизмати билан ...мулк ва давлат жуда мунтазам сурада идора қилинди. Миллат тараққий ва юксакликка юз тутди. Ислом фикри, ислом адабиёти, ислом тижорати, ислом саноати, ислом идораси ва маданияти барча бошқа миллат ва халқларга намуна ва ибрат бўлди. ...Бу ҳаракатнинг асосий кучи, бу юксалишининг сабаби уламоий мутақаддимин эди²²³”.

Гаспринский ислом ибтидосидан икки юз йил ўтиб ҳозирги Европадаги каби ҳаётда, идора қилишда, илм-фанда турли маслак, мазҳаб ва назариялар пайдо

²²¹ Юқоридаги манба. *Таржимон*. 1913 йил, 38-сон.

²²² Юқоридаги мақола. *Таржимон*. 1913 йил, 38-сон.

²²³ Ўша ерда.

бўлганига ишора қилиб, олимларнинг “хурфикрлилик айрим одамларга хуш келмайдиган бўлди. Ҳақ ва ҳаққониятнинг ҳарф баҳарф ижросини талаб этадиган, ҳукуматнинг, ҳатто, халифаларнинг ҳар бир хатоси ва номаъқул ишларини очиқ ва кескин танқид қилганлар, ҳар ишда Қуръон, илм ва адолатни раҳбар тутанлар фасод ва истибдод йўлига майл топган ҳукмдорларнинг кайфини, уйқусини қочирар эди”, деганида илм-фан тараққиётига кейинчалик бутунлай тўсқинлик йўлига ўтган мутассиблик пайдо бўла бошлаганини тушунтиришга киришди²²⁴.

Гаспринский илм-фан тараққий этиши билан бир қаторда уни инкор қилувчи, ривожига тўсқинлик қилувчи ҳукмдорлар чиққани, олимлар ҳибс қилиниб, ҳатто, ўлдирилганлиги ушбу тараққиёт таназзулга кетиши “уламоий мутақаддимин” даври тугаши билан бошланди, деб ўз фикрини шундай изоҳлади: “Ушбу уламога қарши оғиз очиш иқтидори ва муродида бўлганларга ...фатво эшиклари очилди. ...Уламоий мутақаддиминнинг эътиқоднинг, назарига, ҳуқуқ (фиқҳ), маориф, идораи мулк хусусида тутган маслақларигаа назиралар, шарҳ ва хошиялар ёзила бошлади. Авом назарида баъзи буюк олимларнинг ва маслақ соҳибларининг бошлаб қулоқдан қулоққа, сўнг очиқдан очиқ такфир қилинди. Яна бир оз вақтлардан кейин ҳибс қилинганлар, сургунга дучор, ҳатто қатл этилганлар бўлди. Секин, секин улари йўқ қилиб, дарсхоналарни беркитдилар. Шу тариқа даври мутақаддимин битди. Даври мутааххирин бошлади. Умнатнинг ва уламонинг фикрий, манتيқий қуввати ва басиратига қарши дин ва иймон номидан парда тортилиб, деворлар қурилди²²⁵”.

Муллалар “боби ижтиҳод”ни ёпиб, “боби хурофот”ни очдилар. Ҳукмдорларнинг кирдикорларини берктиш ва оммани уларга итоатини кучайтириш мақсадида амирлар сиёсатига мувофиқ келадиган турли фатволар чиқардилар. “Ҳар бир султоннинг каромати етти авлиёга бадалдир”, “Таҳсили фунун ва камолот эътиқодни бузар”, “Саодати инсон билим ва ақл ила эмасдир, таваккул ва итоатдадир”, “Ҳар на амр этилса итоат лозимдур. Омир (буюрувчи) бўлганлар масъулдир, сизлар эмас” каби “ҳақоиқи диния ва камолот”дан деб талқин қилинган фикрлар бутун олами исломнинг осмонини қора булутдек қоплади²²⁶. “Холис ва ҳалол (киши) қолмай, узун чопонларга, хилъатларга ўралган риёкор кўпайган эди. Золимлар йўлини тўсадиган шарият аҳли тугаб, золимларга фатво топиб бериб, 5-10 тилла-олтин учун сабоҳдан

²²⁴ Қаранг: Уламоий асриюн. Таржимон. 1913 йил, 38-сон.

²²⁵ Уламоий асриюн. Таржимон. 1913 йил, 40-сон.

²²⁶ Қаранг: Юқоридаги мақола, 1913 йил, 40-сон.

оқшомга қадар “омин”, “омин” айтиб, миллатни хароб ва барбод этганлар саноқсиз эди²²⁷” деб ёзади Исмоилбей бир мақоласида.

Аста-секин дунёвий илмлардан “бебаҳра” қилинган мадрасаларда фақатгина диний илмлар ўқитилди. Охир оқибатда диний таҳсилда ҳам нуқсонларга йўл қўйилди. Жамиятни бу йўлдан қайтаришга иқтидорли олимлар қолмаганидан “бу кофийдир”, “бу етарликдир”, “зиёдаси керак эмас”, “ҳикмат, мантиқ ўқиганларнинг ақлига зиён келур” деб, “эътиқодлари ва хутбалари йўл ва майдон олиб, хожа миллат маййит суратига келтирилди²²⁸”.

Гаспринский мусулмон олами дунёсидаги вужудга келиб бўлган ушбу ҳолатни қуйидаги шеърый сатрлар билан ифодалади:

“Орзуи илм ва маърифат қолмади.

Золима, зулма қариу сас эдан қолмади.

Душмана қариу қилич кўтаран қолмади.

Диний ва дунёвий ишлардан баҳс қолмади...

Миллат, жамият умурина доир фикр қолмади²²⁹”.

Гаспринский золим ҳукумдорга қарши бир сўз айтишга журъат қилолмайдиган халқ, душман келса унга қарши қилич кўтариб, аскарга бошчилик қилиш қўлидан келмайдиган мусулмон ҳукумдорларига ибрат учун айтган танбеҳлари эътиборсиз қолди. Унга эргашган кам бўлди. Натижада мусулмонлар бу кунги даражаларига келдилар. Нимага эришдилар? Гаспринский бир-бир жаҳолат оқибатларини санаб кўрсатаркан, ҳоким миллат маҳкум бўлганига, бошқаларга хизматчига айланишига бош сабаб, жаҳолат деб билди.

“Кўлдан илм ва маърифат кетди.

Адолат ва ҳақиқат сўнди.

Қувват ва иқтидор кетди.

Тижорат, санойеъ кетди.

Сарват, баракот кетди.

Амр ва ҳокимият кетди.

Жаҳл ва хурофот келди.

Зулм ва истибдод келди.

Зуъф ва итоат келди.

Фақр ва зарурат босди.

²²⁷ Тарихи жадида Туркистон. *Таржимон*, 1906 йил, 33-сон.

²²⁸ Қаранг: Уламоий асриюн. *Таржимон*. 1913 йил, 40-сон.

²²⁹ Уламоий асриюн. *Таржимон*. 1913 йил, 40-сон.

*Маҳкумият ва худдамлик келди.*²³⁰»

Гаспринский “уламоий мутақаддимин” миллатни юксакликка, етукликка олиб чиқиб, бошқа миллатларга хожа қилган бўлсалар, “уламоий мутааххирин” эса уни тубанликка олиб келди ва миллатни жаҳолат остида бошқаларга тобе қилди, деб ҳисоблади. Замонаси мутаассиб муллаларини ҳам “уламоий мутааххирин” сирасига киритди ва юқоридаги келтирган тарихий фактлар орқали уларнинг бу йўлдан қайтишларига чақирди ва янгиланиш, тикланиш тарафдорларига қаршилиқ қилмай, балки улар билан бирга қадам ташлашга ундади.

Гаспринский ислом дунёси учинчи бир даврга кириб, “қуйидан чиқмоқ, дирилмак, тараққий ва таолий йўлига кирмак нияти хайриясинда” эканлиги ва бу йўлда аҳволни жуда яхши англаган, тарих билган уламо бош кўтарётганидан хабар беради. *“Асримизнинг энг буюк ва энг фойдали бир аломати, асримизнинг уламози орасида аҳли накр ва аҳли ижтиҳоднинг бош кўтармасидир”* дейди²³¹.

Гаспринский бу янги давр уламози “уламоий мутақаддимун” дан бўлган “Туркистон уламози” йўлида бўлиб, *“маслаки – ҳаёти тараққий ва таолий йўллари маишуъ ўлароқ очмоқдир. Гоялари – олами ислом тушган ғафлат ва инхитотдан халос қилишдир”* деб таъриф берди. Жамолиддин Афғоний, Муҳаммад Абдуҳ, Амир Али Ҳиндий, Хўжа Таҳсин, Шихобиддин Маржоний, Олимжон Барудий, Зиёиддин ва Абдурашид қозилар, Мусо Бегиевларни учинчи тоифа уламо – “уламоий асриюн” деб атади²³².

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Гаспринский замондошларини “Туркистон уламози” билан таништирибгина қолмади. Мусулмонларни улардан ўрнат олишга чақирди. Европа буюк аждодларимиз яратган илмий бойликдан истифода қилган ҳолда юксакларга кўтарилиб, мусулмон дунёсидан ўн карра олдинда кетаётгани ва мана шу йўлда ўз эҳтиёжларини қондириш учун тинмай ҳаракат қилаётгани, бунинг натижасида эса биз, мусулмонлар уларнинг қўл остларидаги хизматчилару куллуқ қилувчиларга айланиб қолганимизни тушунтиришга ҳаракат қилди. Турк миллатининг “Туркистон уламози” каби илм-фанда буюк хизмат қилган олимлари бор миллат эканлигини Европа миллатчиларига баралла овоз билан айтди. “Таржимон” минбаридан туриб, ғафлат уйқусидаги мусулмонларни уйғотишга бел боғлади. Ғафлат номидан

²³⁰ Уламоий асриюн. *Таржимон*. 1913 йил, 40-сон.

²³¹ Қаранг: Уламоий асриюн. *Таржимон*. 1913 йил, 40-сон.

²³² Қаранг: Юқоридаги мақола, *Таржимон*. 1913 йил. 40-сон.

гапириб, огоҳликка чақирди. Замонавий илм даҳрийликка эмас, балки тараққиётни тарғиб қилувчи, юксакликка етакловчи, қуллик, тобеликдан чиқариб, бошқа миллатлар билан барабар қадам ташлашга олиб боровчи бир зиё эканлигини англатишга уринди.

Исломият оламидаги уламоларни уч қисмга бўлди. Мусулмонларни дунёга хожа қилган, уларнинг маданиятларини, идора усули ва таълим тизимини бошқа миллатларга намуна қилган уламоларни “уламоий мутақаддимин” деб атади. “Туркистон уламоси” мана шу тоифа олимлар сирасига киритилди. “Уламоий мутақаддимун” миллатни тараққиётга, юксакликка олиб чиққан бўлса, уни тобе, қарам миллатга айлантирган уламога эса “уламоий мутааххирин” номини берди. Замондош мутаассиб дин уламоларини ҳам “уламоий мутааххирин” давомчилари сифатида қабул қилди. Миллатнинг жоҳил бўлишига, ҳокимларнинг узоқни кўзламай оширилган сиёсати, унинг оқибатида миллатнинг қул, хизматчи бўлишига асосий айбдор деб ҳисоблади. XIX аср ўрталаридан янгилашни, ўзгариш тарфдорлари бўлиб майдонга чиққан янги уламолар тоифасини “уламоий асриюн”, яъни “уламоий мутақаддимун”дан бўлган “Туркистон уламоси” маслагадаги уламо деб таърифлади. Уларнинг қаторига Жамолиддин Афғоний, Муҳаммад Абдух, Шихобиддин Маржоний каби уламоларни киритди.

Замонаси мадрасалари илм ва тарбиядан “бебаҳра” қолганлигидан ҳам уч юз миллион мусулмон орасидан “Туркистон уламоси” каби Ғаззолийлар, Ибн Синолару Бухорийлар, Али Қушчилар етишиб чиқмаганидан афсусланди. Бунинг чораси сифатида эса миллат бутунлай тараққиёт йўлига ўтиши учун аввал мактаб ва мадрасаларни ислоҳ қилиш кераклиги ҳақида бонг урди. Эски мадрасалар андозасидаги янги мадрасалар барпо қилиш ва уларда жамиятнинг тарққиёти учун хизмат қиладиган уламо етиштириш кераклигини уқтиришга уринди.

2. МУЛЛА АББОС ФАРАНСАВИЙ ТОШКАНДИЙ – ЖАДИД ЗИЁЛИСИ ТИМСОЛИ

Турк-мусулмон дунёсининг йўлбошчиси Исмоил Гаспринскийнинг адабий асарлари жамоатга ҳали у қадар яхши таниш эмас. Исмоил Гаспринский ғоя ва фикр одами бўлибгина қолмай, айти замонда роман ва ҳикоячи, адабиётнинг

назарий муаммолари ва танқидчилик соҳасида ҳам самарали фаолият олиб борган адабиётчи ҳамдир²³³.

Гаспринский “Таржимон” газетасидаги фаолияти давомида бир қанча тахаллуслардан фойдаланди. У энг кўп фойдаланган тахаллусларидан бири Мулла Аббос Фарансавийдир. Исмоилбей ушбу имзо остида бир қатор роман ва ҳикояларини эълон қилди. Улар: “Фарангистон мактублари”, “Дор ур-роҳат мусулмонлари”, “Судан мактублари”, “Хотинлар ўлкаси”, “Мулла Аббос ила тасодиф учрашув – Гул Бобо зиёрати” ва бошқалар.

“Таржимон”да Мулла Аббос Фарансавий имзоси остида юқорида тилга олинган асарларидан биринчи “Фарангистон мактублари” эълон қилинди²³⁴. “Таржимон”да берилган эълонга кўра бу асар 1888 йили рисола шаклида нашр қилинган²³⁵. 1891 йилигача 126 саҳифадан иборат “Фарангистон мактублари” фаслларга бўлиниб, тўла нашр бўлган²³⁶. 1891 йилги ушбу нашрни кримлик олим Керимов И.А. икки манба: 1929 йили нашр бўлган “Адабиёт энциклопедияси” ва 1923 йили Д. Валидов томонидан ёзиб, нашр қилинган “Татар адабиёти” очеркига асосланиб, унинг номи “Дор ур-роҳат мусулмонлари” бўлган деб ёзади²³⁷. Проф Явуз Акпинар эса, буни инкор қилади ва Мулла Аббоснинг аввал Францияга, сўнг у ердан Испанияга қилган саёхатини ёритувчи мактублар 1891 йилги нашрда ажратилмаган ва “Фарангистон мактублари” номи билан нашр қилинган, деб таъкидлайди²³⁸. Чунки, “Фарангистон мактублари”нинг Андалуз билан боғлиқ қисми 1895 йилдагина янги ном “Дор ур-роҳат ёхуд ажойиб диёри ислом” билан алоҳида “Иловаи Таржимон”да қайта нашр қилинган. Бу нашр бошида “Ношир” имзоси остида куйидаги билдириш чоп қилинган: “Бу ҳикоя тошкентлик Мулла Аббос афандининг Фаранкистон мактублари номида “Таржимон”да нашр қилган

²³³ Исмоил Гаспринскийнинг адабий танқидга оид туркум мақолалари туркиялик профессор Явуз Акпинар томонидан жамланиб, биринчи марта 1988 йили Ege Universitesi, Edebiyat Fakultesi, Turk Dili ve edebiyati Arastirmalari Dergisi, IX. c., Izmir, 1988, s. 87-115. да эълон қилинган. 2001 йили эса Исмоил Гаспринский ижоди ва фаолиятига бағишланган интернетдаги сайтда www.ismailgaspirali.org қайта эълон қилинди.

²³⁴ “Фарангистон мактублари” “Таржимон” газетасининг 1887 йил 25 январдаги 4-сонидан эътиборан чоп қилина бошланиб, 1889 йил 21 апрелдаги 15-сонига қадар давом этган. Бу ҳақда қаранг: **Gaspirali Ismail**. Secilmis eserleri: 1. Roman ve Hikayeleri. Istanbul, Ötüken, 2003. Nesre Hazirlayanlar: Yavuz Akpinar, Bayram Orak, Nazim Muradov, 64-бет.

²³⁵ Қаранг: **Gaspirali Ismail**. Secilmis eserleri: 1, 64-бет. Проф. Явуз Акпинарнинг таъкидлашича, “Таржимон”нинг 1888 йил 41-сонидан берилган эълон: “Фарангистон мактублари, Мулла Аббоснинг мактублари рисола шаклида босилиб, газета оловчиларга 50, бошқаларга эса 75 капик нархда юборилади”даги “рисола шаклида босилиши” ифодаси фаслларга бўлинган ҳолда нашр қилиниши кўзда тутилган.

²³⁶ **Gaspirali Ismail**. Secilmis eserleri: 1, 64-бет

²³⁷ Бу ҳақда қаранг: **Гаспринский Исмаил**. Молла Аббас (роман). Эки томлукъ. Биринджи том. Симферополь, 2001, 6-бет.

²³⁸ **Gaspirali Ismail**. Secilmis eserleri: 1, 64-65-бетлар.

саёҳатининг хотимасидир. Оврупода саёҳати ва Оврупо ҳақида мутолаалари тарк бўлиб, асарининг хотимаси мамолики Усмониядаги муштарийларимизга тақдим қилинади...²³⁹”. Проф. Явуз Акпинарнинг аниқлашича, “Иловаи Таржимон”да 1895 йил 5 мартдаги 9-сонидан 1895 йил 17 сентябрдаги 35-сонигача чоп қилинган “Дор ур-роҳат ёхуд ажойиб диёри ислом” газетанинг фақатгина Туркияда тарқатилган сонларидагина босилган. Русияда тарқатилган сонларида эса бу асар чоп этилмаган. У Туркия ва Русия кутубхоналарида сақланаётган “Таржимон” газетасининг 1895 йилги сонларини солиштириб кўриш давомида бу фикрга келган²⁴⁰.

“Таржимон”нинг 1903 йил 46-сонидан 1905 йил 1-сонигача юқоридаги қисм “Дор ур-роҳат мусулмонлари” номи билан яна қайта чоп қилинди ва 1906 йили эса ушбу номда алоҳида китоб шаклида босмадан чиқди.

Гаспринскийнинг “Дор ур-роҳат мусулмонлари” асари 1996 йили Сафтер Нагаев таржимасида ўзбек тилида “Қалб кўзи” газетасининг 16 сониди қисқартирилган ҳолда эълон қилинди.

1895 йили “Таржимон”да “Дор ур-роҳат ёки ажойиб диёри ислом” нашридан сўнг “Судан мактублари” газетанинг 1889 йилиги 35-37, 40, 41, 43, 44 ва 46-сонларида эълон қилинди. Иккинчи марта нашри эса 1896 йили “Иловаи Таржимон”нинг 1 ва 2-сонларида нашр қилинади, аммо ниҳоясига етмаган²⁴¹.

Мулла Аббоснинг “Судан мактублари”дан сўнг “Таржимон”нинг 1890 йилги 28, 29, 36, 38, 42, 44-46 ва 1891 йилги 1, 14-16-сонларида унинг имзоси билан “Хотинлар ўлкаси” асари босилиб чиқди²⁴².

И. Гаспринскийнинг юқорида тилга олинган адабий асарларининг тўла шакли ўзбек тилида 2006 йили унинг танланган асарлари қаторида нашрдан чиқди²⁴³.

“Фарангистон мактублари”дан бошланган Мулла Аббоснинг кечинмалари “Хотинлар ўлкаси” билан тўхтайди. Лекин унинг бу саёҳатномалари охирига етмаган. Гаспринский Мулла Аббос ҳикояларини давом эттириш ниятида унинг “Истанбул мактублари” эълон қилиниши тўғрисида хабар ҳам берган. Лекин бу иш нимагадир амалга ошмай қолган²⁴⁴.

²³⁹ Қаранг: **Gaspirali Ismail**. Secilmis eserleri: 1, 65-66-бетлар.

²⁴⁰ **Gaspirali Ismail**. Secilmis eserleri: 1, 65-67-бетлар.

²⁴¹ **Gaspirali Ismail**. Secilmis eserleri: 1, 67-бет.

²⁴² **Gaspirali Ismail**. Secilmis eserleri: 1, 68-бет.

²⁴³ **Исмоилбек Гаспринский (Гаспринский)**. Ҳаёт ва мамот масаласи. Танланган асарлар. Т.: Маънавият, 2006, 320 бет. Нашрга тайёрловчилар: Б.Қосимов, З.Абдирашидов.

²⁴⁴ Бу ҳақда қаранг: **Gaspirali Ismail**. Secilmis eserleri: 1, 69-бет.

Айрим тадқиқотчилар “Фарангистон мактублари” билан “Дор ур-Роҳат мусулмонлари”ни бир асар, деб қарайдилар.²⁴⁵ Чамаси, ҳар икки асар воқеаларининг бир киши томонидан ҳикоя қилиниши ва уларнинг Европа мамлакатларида бўлиб ўтганлиги, бунга асос бўлиб хизмат қилади. Иккинчи томондан, И. Гаспринскийнинг Европа мамлакатларигина эмас, Африка сафари ҳам, бир киши томонидан, Мулла Аббос Фарансавий тилидан ҳикоя қилинган. Шу сабабли уларнинг ҳар бирини алоҳида асар сифатида қарамоқ мақсадга мувофиқ. Уларнинг барчаси учун ҳикоячининг бир киши бўлиши барча воқеаларни боғлаб туришга ва яхлит, муштарак бир нуқтаи назарни белгилаб олишга ўнғай бўлганлигини ҳисобга олиш керак. Профессор Явуз Акпинар мазкур асарларни атрофлича ўрганиб, барча нашрларини таққослаб, чоп этган уч жилдлигида “Фарангистон мактублари” билан “Дор ур-Роҳат мусулмонлари”ни бир-бирини тўлдирувчи, бири иккинчисининг давоми бўлган мустақил асарлар сифатида қарайди²⁴⁶. Шундай ёндошиш анча мантиқли кўринади.

Ҳозирги вақтда Гаспринскийнинг адабий асарлари бир неча бор нашрдан чикди. Бу асарлар проф. Явуз Акпинар²⁴⁷, Керимов И.А.²⁴⁸ ва Эржумент Дурсун, Эржан Шакаря²⁴⁹лар томонидан нашр қилинди. Бу нашр қилинган асарлар ичида энг мукаммали проф. Явуз Акпинар томонидан нашр қилинган нусхаси. Бу нашрларни бир-бирига қиёслаганда яққол кўзга ташланади.

Гаспринский адабий асарлари қаҳрамони тошкентлик Мулла Аббос исмли бир йигит. Саёҳатга чиқмасидан олдин 22 ёшда бўлган Мулла Аббос отаси вафотидан кейин катта бойликка меросхўр қолди. У отасидан айрилиб, бу дунёда ёлиз қолганидан сўнг, дунё кезиб, саёҳат қилмоқчи бўлди. “...*Юрт кезмоқ, саёҳат қилмоқ - улуғ бир дарсхонада дарс олмоқ мақомида*²⁵⁰” деб ўйлаган Мулла Аббос барча ишларини ташлаб, йўлга чикди. У Тошкент мадрасаларидан бирида диний таҳсил кўрган. Дунёвий илмлардан беҳабар. Дини исломда мукаддас ҳисобланган

²⁴⁵ Қримлик проф. Керимов И.А (Бу ҳақда қаранг: **Гаспринский Исмаил**. Молла Аббас (роман). Эки томлукъ. Биринджи том. Симферополь, 2001), шунингдек, Туркияда “**Исмоил Гаспринский**. Мулла Аббоснинг Европа можаролари” номи остида “Фарангистон мактублари” ва “Дор ур-роҳат мусулмонлари”ни эълон қилган Эржумент Дурсун ва Эржан Шакаря юқорида номи тилга олинган барча асарлар яхлит бир “Мулла Аббос” романи парчалари деб ҳисоблайдилар (Бу ҳақда қаранг: **Исмоил Гаспринский**. Мулла Аббоснинг Европа можаролари. Истанбул, 2002).

²⁴⁶ Бу ҳақда қаранг: **Gaspıralı İsmail**. Secilmiş eserleri: 1, 64-67-бетлар.

²⁴⁷ **Gaspıralı İsmail**. Secilmiş eserleri: 1. Roman ve Hikayeleri. Istanbul, Ötüken, 2003. Nesre Hazırlayanlar: Yavuz Akpınar, Bayram Orak, Nazim Muradov.

²⁴⁸ **Гаспринский Исмаил**. Молла Аббас (роман). Эки томлукъ. Симферополь, 2001.

²⁴⁹ **Исмоил Гаспринский**. Мулла Аббоснинг Европа можаролари. Истанбул, 2002.

²⁵⁰ Дор ур-роҳат мусулмонлари. – **Gaspıralı İsmail**. Secilmiş eserleri: 1, 88-бет.

жойларни зиёрат қилиш ниятида йўлга чиққан Мулла Аббос у ёқ, бу ёқдан эшитиб, Европага ишқи тушди.

“Мол-давлатга эга, соғ-саломат бўлган мўмин бир мусулмон Ҳижозга, мамолики муқаддасияга йўл тутса, мен бўлсам кўзимни бир юмиб, очганда, золим фалакнинг ҳукми билан ўзимни Фарангистонда кўрсам бўладими!... Нима ҳам қила олардим! Пешонага битилгани шу бўлса, Худога шукур қиламан!”²⁵¹ деб ёзади у биринчи мактубида.

У ерга боришдан мақсад эса *“эски китоблардан Европада замони арабу туркдан қолган азизлар ва қадамжолар борлигини билиб, уларни зиёрат этмоқ”²⁵²* эди.

Мулла Аббос мадрасада диний таълим олганига карамай, мутаассиб эмас, аксинча янгиликка мойилроқ, уни тез қабул қиладиганлардан. Лекин ўзлигини унутмайди, эътиқоди мустаҳкам. Асар бошиданок Мулла Аббос жадид намоёндаси сифатида кўзга ташланади. Мулла Аббос қаерда бўлмасин ўзининг фикрлаш усули ва ҳаракатларининг қандайдир ўзига хос бўлган жиҳатлари билан ажралиб туради. Энг аввало, унинг ҳақиқатгўйлиги, изланувчанлиги, барча нарсага қизиқиши билан бир қаторда унинг табиатидаги сабр, матонат ва кўзлаган мақсадига етиб боришлик, тиришқоқлик ва ҳоказо. Мулла Аббос ғоятда ёш бўлишига карамай, амали ва фикрлари анчагина шаклланиб бўлган, дунёқараши кенг, тажрибали бир инсондир. Энг асосийси Мулла Аббос ишдан қўрқмайдиган, фалакнинг бутун зарбаларига дош бера оладиган, ғояси учун жон беришга ҳам тайёр турган бир йигит тимсолидир. Шу сабабдан ҳам у Судан каби узоқ бир мусулмон мамлакати озодлик курашида иштирок этиш мақсадида у томон йўл олди. Севгилиси Маргаритани шаънини сақлаб қолиш учун ўлим жазосига ҳам рози бўлади. Сирли Роҳат ўлкасидан чиқа олмаслиги маълум бўлган ҳолда эса, ватанпарвар Аббос ўз Ватани Туркистонга қайтмоқ учун бутун куч-қуввати ва иродасини тўплаб, мақсадига эришди. Яна шуни ҳам қайд этмоқ керакки, Мулла Аббос миллатчиликни қабул қилмайди, ўзида сингдира олмайди. У ислом дини тарихини ўрганиб, илм ва маданият инкишофни ёлғиз дин билан боғлайди. Чунки инсоннинг қалби соф ва имони кучли бўлса, ҳар нарсада инсониятга фойдали бўлган нарсаларга эришиши мумкин. Мулла Аббоснинг бутун фикрлари унинг ана шундай ҳаракатлари таҳлилидан келиб чиқади.

²⁵¹ Дор ур-роҳат мусулмонлари. –Кўрсатилган асар, 83-бет.

²⁵² Юқоридаги асар, 85-бет.

Гаспринский ўз асарларида яратган образлари, албатта, аввалида ўзининг ғоя ва фикрлари билан боғлангандир. Шунинг учун унинг бутун умри бўйи қилган хизматлари нафақат кримтатарлар, балки бутун турк миллати ва мусулмон олами билан чамбарчас боғлиқдир. Мулла Аббос ҳам ўзини бутун мусулмонларнинг амалга оширган ва амалга ошириши керак бўлган ишларига жавобгар деб ҳисоблайди.

Мулла Аббос диний таҳсил олганига қарамай том маънода ҳақиқий жади́д. Миллат, Ватан қайғуси доим уни азоблайди. Бутун ўй-фикри илм олиш, ўрганиш, маърифатга эришиш. Қилаётган ҳатти ҳаракатлари бунинг ёрқин далили. “Фарангистон мактублари”, “Дор ур-Роҳат мусулмонлари” ва бошқа асарлар қаҳрамонлари тилидан сўйлаган Мулла Аббос энг аввало диндош ва миллатдошларини ғафлатдан уйғониб, илм олишга даъват этса, ҳукмдорлар кўзларини очиб, миллатни оёққа турғизишларига даъват қилади.

Адабиётдаги макон кўчириш усулидан устамонлик билан фойдаланган Гаспринский Европада, Андалуз халифалигида бўлиб ўтган воқеалар орқали мусулмон олами аҳволи, босқинчилар сиёсатларини фош қилишга ҳаракат қилади. Проф. Ингеборг Балдауф “Дор ур-Роҳат мусулмонлари” асарини таҳлил қилар экан, Гаспринский тасвирлаган сирли юртни *“утопик идеал юрт, географик харитадан ташқарида, ажралган, барчага номаълум бир маконда жойлашган”* дейди. У ўз таҳлилида давом этиб, нима учун муаллиф бундай йўл тутганлигини шарҳлайди: Асар қаҳрамони у ерга ўз ихтиёрисиз бориб қолади. Кема ҳалокати туфайли баъзида асар қаҳрамонлари номаълум ҳаёлий оролга тушиб қолишлари ҳам мумкин. Биз бу каби ривоятларни ҳали дунё яхши тадқиқ этилмаган, шундай ороллар борлигига одамларни бемалол ишонтириш мумкин бўлган даврлардан биламиз. Аммо XIX аср охирига келиб жаҳон харитасида оқ доғлар деярли кўринмай қолди. Айнан шу ҳолат Гаспринскийнинг бирор-бир номаълум географик оролни эмас, балки бир утопик макон танлаб, уни реал дунёдан ташқарида эканлигини бошқа бир восита, яъни уйқу орқали тасвирлашига сабаб бўлган. Мулла Аббоснинг ўнгими-тушими эканлиги ноаниқ - ахир у Ал-Хамрода ухлаб қолган эди. Туш эса утопиянинг севимли адабий либоси²⁵³.

Роҳат ўлкаси. Унчалик катта бўлмаган, мўжазгина бу ўлкада ҳар тарафлама тартиб ва низом, осойишталик ва гўзаллик, аҳолиси эса юксак маданият эгаси бўлганлиги Аббоснинг бирдан кўзига ташланади. Ўлканинг қаерига бормасин,

²⁵³ Ингеборг Балдауф. Замон ва макон бўйлаб саёҳат: Жади́дчилик утопияси ҳақида ўйлар. Эълон қилинмаган мақоладан.

барча кўрган нарсалари янгилик, мўъжиза. Буларнинг барчаси ислом дини ва шариати асосига қурилган идеал бир давлат намунаси сифатида тасвирланади.

Европа халқларининг динлари бир, тиллари яқин бўлганлиги сабабли бир миллат сифатида қараган Гаспринский турк миллатини уларга солиштиради ва аҳволларини англатишга уринади. “...Булар (француз ва испанлар) эски қавм-қариндошлар, чунки жинслари, тиллари яқин бўлиб, мазҳаблари бир. Шундай бўлсада, французлар ва испанлар бир-бирлари билан катта урушлар қилиб, қорабоғликлар бодкубалик²⁵⁴ларни ёки бухороликлар қўқонликларни қирғинбарот қилганлари каби, улар ҳам бир-бирларини жуда қийратганлар, балки, яна қийратарлар!”, - деб турк мусулмон миллати кўзини очишга интилади.

Мусулмон ҳукмдорлари айшу ишратга берилгани, миллат келажаги ҳақида умуман ўйламасликлари, “подшоҳ саройи биргина хотин-қизлар боғчаси эмас, балки уламо ва мутафаннин²⁵⁵ мажлиси, умумий “Анжумани дониш”²⁵⁶...” бўлиши кераклигини ҳам эслатиб ўтади. “Амир қатл қилувчи, жон олувчи”, “боқии ва қиёфатида қўрқинчи” бўлган амир эмас, балки энг маданиятли ва маърифатли бўлиши керак дейди.

Мусулмон аҳлининг бошқалар кўлида хору зор бўлишига ҳам ҳукмдорларнинг калтабин сиёсатлари ва миллатнинг билимсизлигида деб қарайди. Миллат бошига тушган савдоларнинг асосий сабаби – жаҳолатдан эканлигини уқдиришга интилади. Қуйидагиларни Фаридабону тилидан гапирган Мулла Аббос кўз ўнгимизда ҳақиқий миллатпарвар зиёли сифатида гавдаланади:

“Инсон иши, инсон тартиби ҳеч қачон боқий бўлмайди. Чунки борлик ва йўқлик, тараққиёт ва таназзул сабаблари ўз ичимизда. Талофатимизга сабаб бўлган оғу ва заҳар, жони саодатимизга сабаб бўлган қуввайи маънавия вужудимиздадир. Тўғрилиқ ва нафсоният, ҳаққоният ва зулм, марҳамат ва ғаддорлик, танбаллик ва ғайрат, илмга муҳаббат ва жаҳолатга майл, мардлик ва олчоқлик, баҳодирлик ва қўрқоқлик – барчаси инсонга хос. Шундайки, ушбу ҳолларнинг қай бири золиб келса, жамияти башария ана шунга мувофиқ тартиби маишат қилади... Инсонлар ҳусни ахлоқли, ҳуш қилиқли бўлсалар, жамият ва ҳаётлари давомли бўлиб, тараққий этар, саломат ва саодатҳол бўлурлар. Аммо, акс ҳолда, ичидан чириган олмадек, бир-бир тўкилиб инқирозга юз тутаяди. Эвоҳ! Кечаги кун соҳиб бўлганлар бугун қул ва хизматчи бўладилар, баҳодирлар ўрнига

²⁵⁴ Боқулик.

²⁵⁵ Фан олимлари.

²⁵⁶ Донишмандлар йиғини.

қўрқоқлар, аҳли инсоф ўрнига олчоқлар келадилар, Пардаи жаҳолат уламони сатр этади. Танбаллик гайратни забт этади. Бу ҳолга етишган халқ хоҳ йиғласин, хоҳ қонли кўз ёш тўксин, охири хароб ва аянчлидирки, қор уюмидек эриб, йўқ таралиб кетади... Водариз!

Мулла Аббос ислом тарихида ёрқин из қолдирган Андалуз халифалиги мисолида мусулмон ҳукмдорлари сиёсатларини, миллатнинг иллати бўлган баъзи гуруҳлар кирдикорларини очиб ташлади. “Тугён, танбаллик, қайғусизлик, кибр, тафриқа²⁵⁷, илон оғуси каби, вужуди давлат ва миллатни чирита бошлади. “Ҳолсизланмиш дарахтда соғ мева бўлмас” деганларидай, адолатсиз қозилар, порахўр волийлар, ақли ноқис ва гайратсиз ҳукмдорлар келиб, фитнабозлар-уламога, ширин ёлгон сўйловчилар-содиқ бандаларга, нафсоният ва манфаати шахсия-фавоиди умумияга, риёбозлик ва намоёниш учун ўқилган намозлар, амали хайрияга ва миллатпарварликка золиб келди!... Бу заҳар ва оғу икки юз йил Андалузнинг вужудини кемириб, хароб қилди. Бир давлат уч-тўрт қисмга бўлиниб, бир-бирларига иддао билан уруш йўлига ўтдилар. Шаҳар шаҳар билан, вилоят вилоят билан тескари бўлиб, душман тушдилар! Бир-бирларига қонли чоҳлар, номсиз, шонсиз қабрлар ҳозирлаганликларини тушуниб етмадилар! Инсон иши бу-я, ёху!”.

Русиянинг Туркистонга бостириб келишини олдиндан кўра билган миллат фидойиларининг сўзларини эътиборга олмаган хону амирларни танқид остига олди. Мулла Аббос бу фикрларини ўша вақтда Русия қўл остида бўлган Туркистон ҳукмдорларига тўғридан тўғри айта олмас эди. Шунинг учун у яна тарихга, Андалуз халифалигидан гап очади. “Инқирозга қирқ-эллик йил қолганида бу ишнинг охири нима билан тугашини фаҳмлаган одамлар бўлган бўлсалар-да, не фойда? Аввало, бундайлар оз эди. Уларга қулоқ тутганлар эса, ундан-да оз эди! Чунки, билганлар ҳақиқат ҳолни баён қилардилар, ҳақиқат ҳол эса аччиқ ва оғули эди”.

Мулла Аббос чинакам ватанпарвар, Ватан учун “жон ва бошни фидо қилмоқ ва номус ила дунёдан кетмоқ-номуссизлик ила бориб, душманга асир бўлишдан минг мартаба лаззатли ва шарафлидир” деб билади. Кези келганда “ўлка ва ватан айби учун қипқизил бўлиб, қонли терга” ботди.

Одессада танишгани Жозефина унга “чалма²⁵⁸ ва судрама чопонни ташилаш керак. Фарангистонда бундай кийим кийилмаганлиги боис ҳар кишининг кўзи

²⁵⁷ Бўлиниш.

²⁵⁸ Салла.

сизда бўлади. Томоша бўласиз. Фарангча кийинсангиз, бемалол юрасиз, кимса танимайди, эътибор қилмайди!” деган сўзига “йўқ, йўқ, Жозефина хоним, икки кўз эмас, қирқ кўз билан қарасинлар, чалмамни ҳам, чопонимни ҳам ташиламайман! ...Табдили қиёфат²⁵⁹ лозим бўлса, Фарангистон саёҳатидан воз кечиши”ни айтади. Истанбулликлар кийими ва фас²⁶⁰ кийиш таклиф қилинганда эса “бошларидаги фасларини олиб ташиланг, бирор фарангдан фарқи йўқ. Мусулмон эканликлари фақатгина фасдан маълум... Мен Туркистонликман, билсинлар, кўрсинлар...” деган Мулла Аббос ҳақиқий ватанпарвар эканлигини исботлайди.

Яна ҳукмдорларга қарата айтилган фикрларини бу сафар Андалуз лашкарбошиларидан бўлган Мусо бин Абу ал-Ғазон тилидан сўзлайди: “Душманга таслим ила жон ва молимизни омон сақлаб бўлмайди. Ўзимиз асир ва қул бўламиз, молимиз эса яғмо ва горатда қолади! Душман қиличидан қўрққан бу кўзларимиз хотин-қизларимизни уларнинг қучоқларида ва ишрат мажлисларида шароб қадаҳлари тўлатишларини кўражакдир!”.

Олдинги замонларда Туркистон олами ислом учун маърифат ва илм чашмаси бўлганлигидан фахрланган Мулла Аббос Бухорони Парижга тенглаштиради. “Туркистон учун Бухоройи шариф қандай бўлса, Фарангистон учун ҳам Париж шаҳри шундай. Фарангларнинг гулшан-боғчаси, фунун ва маърифат чашмаси бу шаҳардир”, дейди.

Роҳат ўлкасидан чиқиб кета олмаслигини билганда эса ўз Ватанига қайтиш учун курашди, ҳақ-ҳуқуқини талаб қилиб, мақсадига эришди. Шайх Жалолнинг “маишатимизга қўшилиб, кўникиб кетасан ва Туркистонга қайтиши фикридан воз кечиб, биз билан бирга қоласан...” деган сўзлари “дўстона ва мулойимлик” билан айтилган бўлса-да, бу сўзларнинг “ҳар бири тош каби тегиб, ...ич-бағри” ёнди. “...Ҳар кас туғилган ватанига ошиқ” эканлигини айтган Аббос мажлис томонидан ўлкадан чиқиб кетиш рад қилинганлигини эшитганидан сўнг “Ватанимга қайтиши фикридан қайтмайман. Гуноҳим недирки, маҳбус ҳолига қўясиз? Хур ва болиғ мусулмонман” деганча ҳаққини талаб қилади. Унинг бу хатти ҳаракатлари барча мусулмонлар учун ўрнак, ибрат эди.

Босқинчилар билан тил топишишга, улар билан турли аҳдномалар имзолаб, салтанатларини сақлаб қолишга уринган баъзи ҳукмдорларга ишора қилган ҳолда яна ўша Мусо бин Абу ал-Ғазон тилидан шу сўзларни айтади: “Муқоваланомага

²⁵⁹ Қиёфатни ўзгартириш.

²⁶⁰ Туркларнинг бош кийими

ишонаяписизми?! Таслим бўлган шаҳарлар тақдиридан ибрат олинг! ...Ҳали иттифоқимизни бузиб, Фарнатага эгалик қилсалар, бошимизга не ишлар, не балолар келади, кўрасиз!... Фарната ҳукуматида уч миллион мусулмон аҳолиси бўлишига қарамай, душманга ўзимизни ўз қўлимиз билан асир қилишига нима мажбур этмоқда? Бизга вожиб бўлган нарсасўнғи, охирги нафасга қадар миллат ва юрт қайғусида зайрат қилмоқдир. Жаноби Ҳақ оғир кунларда ўзи қўллайди. Бу йўлда жон ва бошни фидо қилмоқ ва номус ила дунёдан кетмоқ-номуссизлик ила бориб, душманга асир бўлишдан минг мартаба лаззатли ва шарафлидир”.

Ўз миллати ва давлатини муҳофазасини эплай олмаган, “*ҳукуматини сақлай олмаган подшоҳ, хотин каби йиғлаши керак*” деган аччиқ ҳақиқатни айта олишга журъат қилган Мулла Аббос ўқувчи кўз ўнгида ҳақиқий миллатпарвар, ватанпарвар шахс сифатида гавдаланади.

Мулла Аббос асарнинг бошқа персонажлари тилидан испанларнинг Андалузни босиб олганларидан кейин олиб борган сиёсатлари орқали Русия давлатининг империя ҳудудидаги “ғайрижинслар” борасида юргизган сиёсатини танқид остига олганлигини ҳам кўришимиз мумкин. Муаллифнинг сиёсий ўткирлиги, асардаги юксак бадиият Гаспринскийни жасорат ила фаолият кўрсатган бир ёзувчи сифатида кўрсатади. Яъни, муаллиф, ўз вақтида миллий озодлик борасидаги курашларни ёритишни истамаган ва бутун жони ва қони ила бундай ҳаракатларни инкор этган империялар, уларнинг занжирида тутилган цензураларни чеклаб ўтиб, ёритишга эришган. Фаридабону тилидан айтилган ушбу сўзлар бунган далил: “*Мактабларда таҳсил ва тарбия ман қилинди. Вақфлар хазинага олинди ёхуд ўз руҳонийсига берилди. Ҳуллас, мусулмоннинг қўли ва қанотини қирқа бошладилар. Кичик бир гуноҳ ё шубҳа билан мусулмонларнинг бор мулкани олиб, ўзини, бола-чақасини асир қилардилар. Фигон ва фарёд Андалузнинг у бошидан бу бошига қадар қоплаб олди. Аҳли исломнинг кўз ёшига яҳудийларнинг кўз ёши қўшилди. Чунки, уларга ҳам зулм қилинаётган эди*”.

Мамлакатнинг фаровонлиги ҳукмдорларнинг одилона идора қилиши ҳамда илму ҳунар ривожига деб билди. “*Давлатнинг бойлиги миллатнинг бойлигидан келади. Миллатнинг бойлиги эса одилона идора қилиши ила ҳунар, саноат ва илмдандир. Ўқиш ва унга тарғиб қилиш, илму фунун ҳам бу бойлик ва мўлкўлчилик нисбатида...*”

Миллат ҳақида фикр юритар экан, “миллат ва халқ учун бойлик ва саодат олтинда эмас, иш ва ҳунарда...” дейди. “Бир давлат ёки миллат хароб бўладиган бўлса, энг аввало, илмсиз ва маърифатсиз қолади. Шу ҳолда қўй сингари, фаҳмсиз-идроксиз, ўз бошларини ўзлари узатиб тураверадилар. Нима қилсинларки, кўзлари боглиқ”лиги сабабли бошқа миллатларга тобеъ, кул бўлди. Шунинг учун ҳам “олами исломиятга мусаллат”²⁶¹ бўлган мустабидларнинг бу ҳолларига таажжуб этилмиш. Оллоҳ бандаларини согин мол деб, ҳисоб қиладиганлардан бошқа нарсани кутиш тўғри эмас. Таажжублиси шуки, уч-тўрт юзи бир қўшинга ҳолиб келадиган, етиштирган уч-тўрт олимнинг зиёи камолоти асрларни мунаввар қилган қавми нажибнинг бу қадар тушқунлиги қанчалар мискинликдир. Ватан ва истиқболларини барбод этган, касби корларини йиғиштириб, сафоҳат ботқоқларига отган амирларига итоат ва қуллуқ қилишларига ажабланмаслик мумкин эмас. Бунинг асосий сабаби маълум: жаҳолат” эканлигини ачиниб сўзлайди.

Мусулмонларни эса “замони ҳозирада гафлат уйқусида ва дарёи қоронғуда” эканликларини ағлатишга уринган Мулла Аббос, илм олиш, маърифатли бўлишга чорлаб, “...мурод Худоники, инсон бир восита, холос. Ҳар ҳолда маълумот ва камолотдан куч олган ақл инсон учун чашмайи бахт ва саодатдир...” дейди.

Барча нарсадан беҳабар бўла туриб “илм, билим ва ҳунарда ўзимизни биринчи” ҳисоб қилишимиз ақлга тўғри келмайди. Ўз вақтида “Чин двлати ёлғиз ўзини инсон билиб, улум ва ҳунар фақатгина ўзида эканлигига ишониб, бошқа миллатларни паст ва ваҳший ҳисоблаб, улар билан мухорабат ва унсият”²⁶² қилмай, не ҳолга” келганлигини мисол келтириб, “барчаси бола ва сибён”²⁶³ фаҳмида қолиб, тўрт юз миллионлик бир давлат, бир кафтдек Белжика”²⁶⁴ ҳукумати афранжияси қадар нуфуз ва қудрати бўлмагани маълумдир... Қандай бўлсинки, тўрт юз миллион Хитой халқи тўрт юз миллион сибён мақомида бўлса” дейди.

“Бу асрда кўрилган хароблик; саёҳат, тижорат касб ва кор майдонларида аҳли исломнинг европаларга мағлуб бўлиши, фақатгина мана шу ожизликнинг самарасидир. Агар, аҳли Туркистон кўз очиб, дунё кўриб, хоби гафлат”²⁶⁵ дан

²⁶¹ Салтанат ўрнатиш, эгалик қилиш.

²⁶² Муомала ва яқинлашув.

²⁶³ Болалар.

²⁶⁴ Белгия.

²⁶⁵ Гафлат уйқуси.

уйғонмас экан ва бир нарса билмаганликларини тушуниб, билишга ғайрат қилмас экан, дунё-дунё мол ва сарват²⁶⁶, касб ва тижорат кўпроқ билгувчи, комил халқларга ўтиши табиий бир ҳолдир. Бу ҳол эса, барча инқирознинг муқаддимасидир. Бир кишининг иши иш бўлмаса, билгани билим бўлмаса, тижорат ва саноати мақбул ва мўътабар бўлмаса, бу дунёда нима қилади? Миллат ҳам шундай...” Мулла Аббоснинг миллат борасида куйиниб гапирганлари аччиқ ҳақиқат эди.

Мусулмон ҳукмдорларига Амир Темур ва унинг набираси Улуғбекни ибрат қилиб кўрсатади ва улар каби илм-фан ҳомийлари бўлишларини истади. “...Амир Темур замонида ва боҳусус, ўғли Улуғбек замони салтанатида Самарқанд илм ва фунун ва ишлаб чиқариш соҳаларида олами исломиятнинг биринчи балдаларидан эди. “Илм ва фунун подшоҳларни ҳам мушарраф этар” деганларидай, ҳам ўқир эдилар, ҳам илмга катта ёрдам берардилар. Исмидан билиш мумкин бўлган Темурнинг тўпол²⁶⁷ ва оқсоқлиги нисф дунёни забт этишига монё бўлмаган бўлса-да, агар у басиратсиз, кўзсиз, яъни илмсиз бўлса эди, дунёнинг ярмига молик бўлмас эди. Жоҳиллик ва нодонлик билан футуҳот ва шижоатнинг бир ерда жамланиши мумкин эмас”.

Гаспринскийнинг асл мақсади турк миллатини, умуман мусулмон оламини ажодлари каби билимли, маърифатли қилиш эди. У яратган образ, Мулла Аббос ҳам мана шу йўлда хизмат қилмоғи лозим эди.

Ўз ҳаракатлари билан барчани илм олишга чорлаган Мулла Аббоснинг илм борасидаги фикрлари ҳам диққатга сазовор. “Дунёда тўймаган ва тўймайдиган бир нарса борки, у – илм ва маърифат. Нақадар кўп олсанг ҳам озга ўхшаб кўриनावеради, булар. Илм ва маърифат нури-олтин, қайси ўлкада чиқса ҳам, жумла дунёга қийматли ва мақбул. Нақадар кўп бўлса ҳам оз кўриनावеради... Инсон олтин, жавҳар кўриб, қадр-қийматини билса, олишни истамайдими? Илм, ҳақиқат ва маърифат зиёи шамс²⁶⁸ кабидир. Жумла оламга ёруғлик ва қувват беради. Олам учун муштарак бўлган бир неъмат ва эҳсондир”.

Мулла Аббоснинг Роҳат ўлкасидаги қишлоқ имоми билан бўлган суҳбатида унинг асл муддаоси, миллатнинг илллати бўлган жаҳолат нимада эканлиги очиб берилади. “Бухоро ўлкаси илм билан мушарраф бир ўлка ва уламо боғчаси эканини ривоят қиладилар, ажабо, мадрасалари не тартибда ва

²⁶⁶ Бойлик.

²⁶⁷ Оқсоқ.

²⁶⁸ Куёш нури.

фунуннинг жами таҳсил қилинадими?” деган саволга “дин ва шариатдан бошқа фан ва илм таҳсил қилинмайди” жавобини олган имом: “Сизнинг диёрларда табиб, кимёгар, меъмор ва муҳандислар керак бўлмайдими? Сизнинг хонлар ва ҳукуматлар идорайи мулк ва давлат²⁶⁹ учун умури идора²⁷⁰га, фунуни молия²⁷¹га, моҳир маъмурларга ва тўраларга ҳожат сезмайдиларми?” деб яна савол беради. Мулла Аббос эса “...мадрасаларда диний илмлардан бошқа бирор фан ўқитилмайди. Тибб, ҳандаса, кимё, физика, илми сарват²⁷² ва бошқа шу каби фанлардан дарс берилмайди, аҳли руҳониядан бўлак аркони мулк ва миллат етиштирилмайди”, деб жавоб беради.

Мулла Аббос имом тилидан сўзлар экан, миллатни бу аҳволидан жуда ачинади, бошқалар олдида уялади. Имом орқали ўз муддосини изҳор қилади: “...Фунуни мутанаввиъа²⁷³ ва камолатдан бебаҳра ҳолда дунёда қандай яшаяпсизлар? Ажабо! Ҳукуматларингиз нечук идора, нечук муҳофаза қилинади?...

-Нақадар аянчли, нақадар даҳшатли ғафлат – бу! Ёҳу! ...Кўзи бойланган киши юра оладими? Тупроқни билмай – экин экаси, сувни билмай – сув ичасиз, дунёни билмай – умр ва кун кечирасиз... Воҳ, қандай шўр пешоналик, қандай ғафлат! Жаноби Ҳақ ислоҳ айла. Оддий халқ, майли, билмасин. Аммо аркони давлат, казо-казо тўразодаalar ҳам фани фароиз²⁷⁴нинг ўз ўрни борлигини, ...билмайдиларми?! Мамлакатни бошқариш учун ҳам бошқа қатор фанлар ва камолот керак. Илм бор-дин учун, илм бор-кун учун, илм бор-руҳ учун, илм бор-бадан учун...”

“...Иншооллоҳ, замона келур, аҳли Туркистон ҳам фунун ва камолот оиноси бўлиб, тарийқи тараққия²⁷⁵га минар... Ғафлат нақадар кучли бўлмасин, келиб-кетар бир ҳолдир” дея ўз истакларини ҳам билдиради.

Мусулмон мактабларидаги ўқитиш тизими бутунлай яроқсиз ҳолга келгани, бунинг оқибатида эса “аҳолининг, ярми эҳтимол, ўқишни билар. Аммо ёзишни биладиган юздан ўнлар чиқар” деган Мулла Аббос “ўқиш-ёзиш ва илм олишнинг барча муслим ва муслимага фарз эканлиги сизларга маълум эмасми? Маълум бўлса, нега бажармайсизлар? Бунга менинг ақлим етмади! Камолот борасида – инкор; таҳсилда – кўринмас кор”, дея мурожаат қилади ва “нима

²⁶⁹ Давлат ва мамлакат бошқаруви.

²⁷⁰ Девонхона кўзда тутилмоқда.

²⁷¹ Молиявий илмлар.

²⁷² Сиёсий иқтисод.

²⁷³ Турли фанлар.

²⁷⁴ Мусулмонлик фарзларига оид удумлар кўзда тугилади.

²⁷⁵ Тараққиёт, ривожланиш йўли.

десам ҳам, жоним оғриганидан айтаман. Диндошларимнинг бу паришон ҳолларига афсусландим, ачиндим...” деб дил изҳори қилади.

“Европа илгарилари мусулмонлардан олган дарслари самараси ўлароқ ҳозирги даражаларига етишдилар. Булар мусулмон эмас, аммо, кўп ҳоллари ислом қоидаларига асослангандек туюлади”. Мушоҳада қилади Мулла Аббос. Европада “барчанинг ўқиш-ёзиш ва илм олиши, “илм жумлага фарз” ҳукмига кўра одат... Бу қоида ислом қоидаси. Лекин, мусулмонлар орасида қўлланилмаганлиги сабабли... юз мусулмондан ўн беши ўқир-ёзар, юз француздан ўн беш нодон топилмайди”. “Билиш ва ўрганиш борасида фарангларнинг ҳавас ва ғайратларига таажжубда қоласан, киши. Қари, ёш, бой, фақир-ҳар ким ўқиш ва билиш тараддудида”. Бундан ибрат олиш керак. Бу масалани фикр қилмоқ керак. Туркистонда “фаранглар – шайтон”, дейдилар. Йўқ, шайтон эмас, комил ва моҳир одамлар.

Шундай бўлса-да, Мулла Аббос Европа ҳозирги вақтда бутун дунёга ўрناк бўлганлигидан унга кўр-кўрона тақлид қилишни ҳам хоҳламайди. Шарқ ва Ғарб маданиятларини солиштиради ва мусулмон маданияти ҳар тарафлама усутун эканлигини исбот қилади. “Фарангистоннинг аҳволи зоҳира²⁷⁶си жуда ялтироқ, ёқимли ва зиёли бўлса-да, сариқ ва оқ маъданнинг ҳаммаси ҳам олтин-кумуш эмаслиги” мисолини келтиради.

Маданият ҳақида мулоҳаза юритар экан, “маданиятнинг ўлчови ва мезонинсонларнинг аҳволидир” дейди. Ғарб маданияти эски Юнон маданиятининг вориси бўлиб, ундан ўта ривожланиб ҳам кетмаганлиги, “қозон-товоқлар тоза ва янги; лекин, ичидаги аксари эскиб қолган нарса”лар эканлиги борасида мушоҳада қилади.

“Дарҳақиқат, Европанинг тараққиёти санойиси ва тўплаган молу бойликлари эскиларнинг тушларига ҳам кирмаган даражада бўлса-да, фойдаси бормики, маданияти ҳозира соясида кўзи тўла ёш, ўзи мазлум бўлганлар аввалги замонлардан кам бўлмаса...” деган фикрлар уни чулғаб олган.

Ғарб маданияти ичидан чириб бораётганлиги, “инсонларнинг раҳбари махсусалари “фойда” ва “нафс” эканлигидан ҳам “турли Социалист мазҳаблари пайдо бўлиб, Европа ичида, Европа маданиятига қонли душман бўлган миллионлаб одамлар чиқмоқдалар; Лекин улар маданияти ҳозирага қарши чиқиб, боби

²⁷⁶ Ташқи кўриниш, ташқи киёфа.

саодат²⁷⁷ни кўрдиларми? Йўқ...! Улар йўлдан адашиб, йўл кўрсатишга муҳтож кўр-сўқир ҳолидадирлар” дейди. Фикрларининг исботи сифатида эса бир далил келтиради: “Мамолики афранжиянинг ҳар қайсисида сана ва сана миллионлаб пул топилади ва сарф қилиниб, мактабларда неча турли илм ва маърифат таълим қилинади. Бу таҳсил ва тааллум²⁷⁸дан муродлари битта, касбу кор учун олати моддия ва ақлия яратмоқдан иборат. Таҳсил ва мактаблари ила фаранглар биринчи устодлар, биринчи ишчилар ҳисобланадилар; аммо, биринчи “инсонлар” бўлмоқлари учун таҳсиллари кофий²⁷⁹ ва етарлик эмасдир... Шунинг учун, маърифат тарбияга; ақл ахлоққа; манманлик ва нафс ҳаққониятга золиб келмоқда! Молнинг кўплиги ва касрати, саноат ва ҳунарнинг тараққийси инсонларни саодатли қила олмайди. Саодати инсониянинг чаимаси биттадир. У ҳам бўлса – ҳаққониятдир! Улум, таҳсил ва тарбия ҳаққоният интишори²⁸⁰га хизмат қилмагунича, инсон зоти саодатдан йироқ қолаверади. Европанинг гуллаб-яшинаши, порлоқлиги саноат ва техника самараси бўлиб, саодати умумий самараси эмас”. “Замонамизда саноат, тижорат, сарват²⁸¹ ва нуфуз ҳаммаси фаранг ақвомида. Уларнинг дунёга ҳоким бўлганлари бизга ҳам маълум. Лекин маданият ва маишатлари нуқсонлидир. Фарангистоннинг вужуди сиз ўйлаган даражада саломат эмас”лигдан ҳам бошқа миллатлар “Европани муаллим ва хўжа тутишлари керак эса-да, Европанинг тажриба ва хатоларидан ҳисса ва ибрат олиб, ундан аъло, ундан саодатли сурати маишат қуришга зайрат қилишлари янада зарур” деган хулосага келади.

Мулла Аббос ўткир сиёсатчи ҳамдир. Унинг ҳаракатлари муаллиф ғояларининг акс садоси эди. Ўз вақтида миллий озодлик борасидаги курашларни ёритишни истамаган ва бутун жони ва қони ила бундай ҳаракатларни инкор этган империялар, уларнинг занжирида тутилган цензураларни чеклаб ўтиб, Гаспринский, керакли вақтда, тўғридан-тўғри миллий озодлик ҳаракатида курашган қаҳрамонлар хусусида гапириб, хатто ўзи ҳам бу курашга тайёр эканлигини очик айта олган ва буни ўз ҳаракатлари билан кўрсатиб берган эди.

Маълумки, мусулмон Шарқидаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар ўша вақтда рус мустамлакачиларини қаттиқ ташвишга солган эди. 1898 йили подшо амалдорларидан бўлган Владимир Череванский Судан ва Жазоир қўзғолони

²⁷⁷ Бахт-саодат эшиги.

²⁷⁸ Ўргатиш.

²⁷⁹ Етарли.

²⁸⁰ Ёйилиши, тарқалиши, томир отиши.

²⁸¹ Бойлик.

ҳақида шундай ёзган эди: *“Муслмонлар ўртасидаги тенгликни тиклаш ҳамда муслмон мамлактларидаги ўзгалар ҳукмронлигига чек қўйишига чақирилганлигини эълон қилган Маҳди (Муҳаммад Аҳмад) фаол ҳаракат бошлади... Судан қўзғолони давомида Маҳдининг газотга даъвати бутун муслмон дунёсига ёйилди... Бу таҳликали вазиятда олдинда кутилиши мумкин бўлган фанатик портлашдан чўчиб, Туркистон генерал-губернатори Судан ислоҳотчисини сохта Маҳдий деб эълон қилишини талаб қилди”²⁸²*.

Мулла Аббос Суданда, Маҳди Муҳаммад Аҳмад исмли бир киши чиқиб, Миср ҳукумати ва Мисрга келган инглизлар билан муҳораба бошлагани борасида хабарлар келгани ва французлар, инглизларнинг Ўрта Ер денгизи соҳилларида касби қувват ва нуфуз этаётганлари хушларига ёқмай, уларга қарши чиқиб, аҳли Суданга ёрдам бермоқ мақсадида бўлганликларини ва баъзи ватанпарварларнинг Суданга бориб, Маҳди Муҳаммад Аҳмадга хизмат қилиш фикрида... эканликларидан сўз очиб, *“муҳорабада бўлиш бир кайф ва ифтихор...”* деб юқорида ёзиб ўтилган подшо маъмурларининг таҳликаларини четлаб ўта олган эди.

Ўша вақтда бўлаётган жаҳондаги сиёсий жараён ҳам четда қолмади. *“Қизиқ, французлар, арабларга қарши кураш олиб бораётган инглизларга кундошлик қиладилар. Сизларга бундан нима фойда-ю, нима зарар? Ўрта Ер денгизни кўзлайсиз-у, Африка ичкарисида муҳораба қиласизми?...”* Бу фикрлар унинг сиёсий жиҳатдан етуқлигини билдиради.

Инглизларнинг сиёсий манфаатлари учун хизмат қилган венгр шарқшуноси Вамберининг Туркистонга қилган саёҳатини таҳлил қилади. *“Унинг Туркистонга саёҳатидан мақсади не эди? Унинг давлатини Туркистонда бир турли иши ва мудохала”²⁸³си бўлмаса”*. Икки муносабатни келтиради. Бири расмий, иккинчиси норасмий. Вамберининг Туркистонга қилган саёҳатидан кўзлаган мақсади расмий равишда бундан иборат:

“Гап бундай..., Венгрия халқлари қадим замонда Туркистондан ҳижрат”²⁸⁴ қилиб, бу тарафларда сокин”²⁸⁵ бўлиб қолганлар. Татар ва турк қавмига мансуб бир фирқа бўлганларидан, эски юртларини зиёрат қилиш, венгр тили билан

²⁸² Содиқов Х. ва бошқалар. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 1-китоб. Т.: Шарқ, 2000, 322-323-бетлар.

²⁸³ Ичига кириш.

²⁸⁴ Кўчмоқ, яшаш жойини ўзгартирмоқ.

²⁸⁵ Ўтроқ.

Туркистон тиллари орасида бўлган фарқ ва муносабатини кашф ва тажриба қилмоқ афкорида бўлган. Сабаби-шу”.

Норасмий, лекин ҳақиқий мақсад эса қуйидагидача эди: *“Айтишларича, Вамбери дарвеш қиёфасига кириб, Туркистонга тилни кашф этиш учун борган эмас. Бу одамни у тарафга инглиз ҳукумати йўллаган. Унинг вақти саёҳатида руслар Оқмасжид ва Авлиё Ота қалъаларини олиб, Қўқон ва Тошкентга яқинлашиб келар эдилар. Инглизлар... ўз тасарруфларидаги Ҳиндистондан хавотирга тушиб, русларнинг Туркистонга яқинлашаётганини ёқтирмасдилар. Шу сабаб, Туркистон аҳволини яхшироқ билишни истардилар. Ҳар турли шубҳалардан холи бўлиши учун инглиз жосусини эмас, венгрияли Вамберини юборганлар. Шундан кейин Вамбери Эрон, Хивадан ўтиб, Бухорога боради ва Афғонистонни айланиб қайтади. Хива хони Муҳаммад Раҳимхон ва Бухоро Амири, марҳум Музафариддин билан кўришиб, барчаларини усмонли дарвеш эканлигига ишонтирган”.*

Бу келтирилган фикрлар ўша вақтдаги цензураларни чеклаб ўтиб, баралла айтилган фикрлар эди.

Маълумки, муסיқа ҳақидаги баҳслар XX аср бошларида Туркистонда жуда катта баҳсларга сабаб бўлган эди. Диний мазмунда бўлган “Ал-Ислоҳ” журналида бу хусусда кўплаб мақолалар эълон қилинган. Мақола муаллифлари Қуръон ва ҳадислардан далиллар келтириб бирлари жоиз десалар, бошқалари номаъқул иш деб қарши чиққан эдилар. Мулла Аббос ҳам жади́д сифатида бу масала ҳақида фикр билдирмаслиги мумкин эмас эди. Бир суҳбат чоғида *“Туркистонда жир”*²⁸⁶ *ва муסיқа одобсизлик ва тақводорликка монеъ ҳисобланади*” деган сўзларни айтиш билан бу мавзу ҳақидаги фикрларини Фаридабонунинг отаси шайх Абдулло тилидан айтади:

*Муסיқадан одобсизлик ва олчоглик йўлида фойдаланмаслик керак, албатта. Чунки, муסיқа нозик ҳиссиётлар ва руҳнинг таржимонидир. Ризолик ва масруриятнинг сурати зоҳири*²⁸⁷*дир. Махлуқ*²⁸⁸*нинг масрурияти индаллоҳ*²⁸⁹*номашируъ*²⁹⁰*эмас. Одобона муסיқа ва ихлосли муножот инсонни асликдан зиёда тоат ва ибодатга жалб қилади... Ҳунар ва илмнинг барчаси муқаддас, лекин ҳамма гап улардан қайдай фойдаланишга боғлиқ. Илм ақлни очганидек, одобона*

²⁸⁶ Ашула.

²⁸⁷ Очиқ намоён бўлиши.

²⁸⁸ Яратилган нарсалар, инсон.

²⁸⁹ Оллоҳ олдида.

²⁹⁰ Номакбул.

мусиқа кўнгил ва ҳиссиётни очади, уни тарбия қилади, инсонларга мулояма²⁹¹ ва юмшоқлик беради. Қози бўлган таҳсил қилган илми ҳуқуқ билан жамоани маъмур ва роҳатли қила олади. Аммо, уларни ёмонлик учун қўлласа, хароб бўлишига сабабчи бўлади. Комил кимёчи илми кимё воситасида дори ва иложлар тартиб қилиб, инсонларнинг шифосига сабаб бўлиши билан бир қаторда, заҳар ва оғулар яратиб, вафот ва ажалларига ҳам сабаб бўла олади. Шу сабабдан илми ҳуқуқ ва кимё тарк қилинмаганлиги каби, мусиқа ҳам одоби исломияга акс, деб ўйланмаслиги керак.

Бу ўша даврнинг зиёли бўлган ҳақиқий жади́днинг фикрлари эди.

Театр саънати XIX аср охирларида мусулмон мамлакатларида хали умуман бир асосга ҳам эга эмас эди. Мулла Аббос ўз мухлисларини театр билан таништириб: *“Театр надир десангиз – бу шундай бир тамошо ва сайр хонасидирки, унда бўлган нарсалардан гапирадилар, бўлмаган ҳолларни ҳам баён қиладилар. Хотин-қизлар очилиши мумкин бўлмаган жойларини-да очиб юраверадилар”* дейди. Лекин бу европача театр эканлигини ҳисобга олиб, *Фарангистон аҳволи шундай-да!-* деб уқтириб ҳам кўяди.

Театр ҳақида бошланган мулоҳаза ўша вақтдаги мусулмон оламида бўлаётган яна бир баҳсли мавзу, аёллар ва ҳижоб масаласига уланиб кетади: *“Ҳар нима бўлса марҳамат ва неъмат деб биламан. Ҳеч ҳам очилмасинлар, демайман: лекин бундай гавжум жамоа орасида бундай юрмоқни ҳам муносиб кўрмайман”*. Бу, албатта, Мулла Аббоснинг фикри. Лекин Мулла Аббос “Таржимон” ўқувчилари ва ҳатто газета чиқармоқ масаласида *“дажжоллик”* қилиб, тўсқинлик қилган кимсаларни ҳам ўз мактублари орқали ром қилиб олган сайёҳ. Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, унинг бундай нозик масалалардаги мулоҳазалари оммага ўз таъсирини ўтказганлигини гувоҳи бўламиз. 1893 йили “Таржимон” таҳририятига Қозон шаҳридан келган бир мактубда ушбу сатрлар бор: *“Ҳурматли муҳаррир афанди. Мулла Аббос исмли ходимингиз қаерда, соғ-саломатми? Яна мактубларини давом эттирадими? Унинг мактублари, газетани куфр деб ўқимаган кишиларни-да ўқувчиларга айлантirmoқда. Мулла Аббос уларнинг кўр кўзларини очмоқда. Биз бундан жуда ҳам хурсандмиз”*.

Яна театр масаласига қайтсак. Мулла Аббос Одесса шаҳрида кўрган театр тамошасига муносабати қуйидагича:

²⁹¹ Мулойимлик.

Бир ўйин тамом бўлди. Ўйинчилар, хотин ва эр кишилар, ўпишиб, қучоқлашиб ичкарига кириб кетдилар... Чаршоф²⁹² тушди. ...Тамоша ёмон эмас, ўйин мазмунига кўра, кўп вақт сафарда бўлиб, уйига қайтган эр, албатта, хотини ва рафиқасини соғинади. Айтган шеър ва ашулалари муҳаббатларига доир бўлса керак, албатта. Лекин, сабрсизлик қилдилар. Парда тушар-тушмас, ўпиша бошладилар... Ўпишмоқ хато эмас. Эр ва хотин бир-бири учун неъматдир. Лекин, бундай ишлар ёлғиз қолганда бўлиши керак. Бундай ошкоралик ярашмайди. Гул ила булбул ё ярим кечада, ё саҳар маҳали севишадилар. Сас узоқ кетса-да, муҳаббат, севинч мастурдир...

Аббоснинг театр ҳақидаги мулоҳазалари шундан нарига ўтмайди. Унинг икр-чикирларини гапиришига эҳтиёж ҳам йўқ эди.

Мулла Аббос сиймоси тафсилотли, мароқли ва нозик суратда ишланганини қайд этмоқ керак. Муаллиф уни тасвирлашда бош қаҳрамонга хос бўлган бир қатор табиий чизгилар орқали уни турли ҳолатларга солиб, зиёли инсонга хос характер нуқталарини янада ойдинлаштириб беради. Яна шуни ҳам қайд этмоқ керакки, Мулла Аббос ислом дини тарихини ўрганиб уни дунёвий билимлар билан мустаҳкамлайди, илм ва маданият инкишофни ёлғиз дин билан боғлайди. Чунки инсоннинг қалби соф ва имони кучли бўлса, ҳар нарсада инсониятга фойдали бўлган нарсаларга эришиши мумкин.

Асарда Мулла Аббос ўз замонасининг энг долзарб масалаларини таҳлилга тортади ва бир қадар ечимини ҳам топади. Бу ислом дунёсида давлатчилик, суд, аёллар масаласи, диний илмлар билан бир қаторда дунёвий билимларни ҳам таҳсил қилиш, мусиқа, театр...

Мулла Аббос хотин-қизларнинг ҳақ-ҳуқуқларини замонавий бир ҳолда қабул қилади, ўз ўрнига қўяди. Лекин у вақтдаги ислом дунёсидаги хотин-қизларнинг аҳволини кўз кўз олдимизга келтирсак, албатта, у тавсиф этган мусулмон аёлининг образи ўз даври учун хаёлий эди. Лекин бу айти ҳақиқат. Бир сўз билан айтганда Мулла Аббос ҳақиқий жади́д зиёлиси тисмоли.

²⁹² Парда.

1-Илова

Китоблар рўйхати **Adeeb Khalid**. The politics of Muslim Cultural Reform: Jadidism in Tsarist Central Asia. Ph.D. diss., University of Wisconsin-Madison, 1993, pp. 448-454. дан олинди

№	Муаллиф	Китоб номи	Мазмуни	Нашр йили ва ҳажми
1	Абдулҳолиқ Усмон Қори	Миръоти таълим – таълим ойнаси	Ўқиш ва ёзишга мўлжалланган	Т., 1912. 24 с.
2	Абдулҳолиқ Усмон Қори	Таҳсил ул-тажвид	Қуръонни тўғри ўқишга мўлжалланган қўлланма.	Т., 1914-1915
3	Абдулҳолиқ Усмон Қори	Таълими аввал. (Алифбои Қуръоний)	Араб алифбоси ва арабча ўқиши билан таништиради	Т., 1914-1915
4	Қори Абдулҳалил Қори Аҳмаджон ўғли.	Нақд ул-тавҳид (Форс тилида)	Ислом ақидаси билан таништиради	Самарқанд, 1904
5	Абдуллаҳўжа Саид Аҳмадхўжа ўғли (Муҳаммад-амин Фаҳриддинов билан ҳаммуаллифликда)	Раҳбари соний	Ўқиш китоби	Т., 1916
6	Абдулқодир Шакурӣ	Жомеъ ул-ҳикоят	Усули жадиd мактабларининг иккинчи синфи учун ўқиш китоби. Саъдийнинг “Тулистон”идан кўчирмалар берилган. Самарқанддаги тожик-форс макталарида ҳамда турк мактабларида форс тили ўргатиш учун қўлланилади.	Самарқанд, 1907, 1911
7	Абдулваҳҳоб бин Ибодуллоҳ Хўкандий, Муаллим Мулла	Таҳсил ул-алифбо	Биринчи синф учун алифбо	Т., 1912
8	Абдусамиъ Қори	Тажвид	Қуръонни тўғри ўқишга мўлжалланган қўлланма	Т., 1911, 1913. 32 с.
9	Абулқосим Охунзода, Шайх	Тажвид	Қуръонни тўғри ўқишга мўлжалланган қўлланма	Самарқанд, 1905.
10	Абулқосим	Рисолайи		Самарқанд,

	Охунзода, Шайх	иттиҳодия		1905
11	Абулқосим Охунзода, Шайх	Асос ул-ислом	Ислом динидан бошланғич таълим асослари	Самарқанд, 1905
12	Абулқосим Охунзода, Шайх	Илми ҳисоб	Бошланғич ҳисоб-китобни ўргатади	Самарқанд, 1907
13	Абулқосим Охунзода, Шайх	Фуруқи ислом	Ислом динидан бошланғич таълим асослари	Самарқанд, 1907
14	Аҳмадхўжа Эшон	Насоих ул- атфол	Насихатомуз матнлар ўқиш ва машқлар учун	Т., 1912, 3- нашри
15	Аъламхон тўра Шокирхўжа Эшон ўғли	Мабда ус-сибён фи сиҳлат ил- лисон	Биринчи синф учун машқлар	Тўқмоқ, 1916. Оренбургда чоп қилинган. 31 с.
16	Оғаев Серикбой	Хрестоматия яъни терма китоби: алифбодан кейин қироат китоби. Мухаррир ва хаттот Ашурали Мухаммад Зоҳир ўғли	Рус-тузем мактаблари учун	Қўқон, 1912. 63 с.
17	Авлоний Абдулла	Биринчи муаллим	Бошланғич синф ўқувчилари учун дарслик	Т., 1912-1916. 4 марта нашр қилинган
18	Авлоний Абдулла	Иккинчи муаллим	Бошланғич синф ўқувчилари учун дарслик	Т., 1910, 1912
19	Авлоний Абдулла	Мухтасар тарихи анбиё	Пайғамбарлар тарихи.	Т., 1913, 1916. 38 с.
20	Авлоний Абдулла	Адабиёт, ёхуд миллий шеърлар	Шеърлар	Т., 1909, 1912. 44 с.
21	Авлоний Абдулла	Адабиёти Авлоний	Шеърлар.	Т., Мактаб, 1913, 44 с.
22	Авлоний Абдулла	Адабиёт	Шеърлар.	Т., Иршод, 1915
23	Авлоний Абдулла	Туркий гулистон ёхуд ахлоқ	Насихатомуз матнлар мажмуаси.	Т., 1913, 132 с.
24	Авлоний Абдулла	Мактаб гулистони		Т., Рустамбек Юсуфбек ўғли, 1914- 1915
25	Айний Садриддин	Тартил ул- Қуръон	Қуръонни тўғри ўқиш учун мўджалланган	Бухоро, Маърифат,

			қўлланма.	1917 йилдан олдин нашр қилинган
26	Айний Садриддин	Заруриёти дийния: таълими иймон	Бошланғич диний таълим сабоқлари.	Бухоро: Ширкати Бухоройи шариф, 1914. 108 с.
27	Айний Садриддин	Таҳзиб ус-сибён	Ўқиш китоби	Самарқанд, 1910, 1917. 88 с.
28	Беҳбудий Маҳмудхўжа	Мадхали жўғрофияи умроний: мухтасар жўғрофияи Русий	Кичик синфлар учун география билан танишув	Самарқанд, 1906. 40 с.
29	Беҳбудий Маҳмудхўжа	Асбоби савод: алифбойи мактаби исломия батарзи усули жадида	Форс тили алифбоси	Самарқанд, 1906. 40 с.
30	Беҳбудий Маҳмудхўжа	Китобат ул-атфол	Хат ёзиш усулига ўргатади. Турли даражадаги хатлар намуналари киритилган	Самарқанд, 1908, 1913. 28 с.
31	Беҳбудий Маҳмудхўжа	Амалиёти исломия: ...саволу жавоб	Ислом ақидаси асослари. Осон эсда қолиши учун савол-жавоб тарзида берилган	Самарқанд, 1909. 36 с.
32	Беҳбудий Маҳмудхўжа	Мухтасар тарихи ислом	Пайғамбарлар тарихи	Самарқанд, 1909. 37 с.
33	Биданов Р.А.	Суллами аввал	Рус-тузем мактабларининг 2-синфи учун	Т., 1909
34	Дада Мирза Қори бин Абдураззоқ Намангоний	Мифтах ул-аввал	Алифбо билан танишув	Наманган, Ҳофизия ширкати. 1916-1917. 72 с.
35	Фитрат Абдурауф	Мухтасар тарихи ислом. (форс тилида)	Пайғамбарлар тарихи	Самарқанд. 1915. 36 с.
36	Фитрат Абдурауф	Мавлуди шариф.	Муҳаммад (а.с.) ҳаёти	Самарқанд, Зарафшон. 1914
37	Фитрат Абдурауф	Ўқув	Ибратли ҳикоялар тўплами	Бухоро, Маърифат. 1917. 61 с.
38	Ғуломиддин Акбарзода	Таълими соний	Иккинчи синф учун ўқиш китоби	Т., Қори бин Абдулҳолиқ

				1912-1913. 33 с.
39	Ҳожи Муин бин Шукруллоҳ	Раҳнамои савод: форсий алифбо	Форсча ўқиш китоби.	Самарқанд, Абдулқодир Шакурӣ. 1908
40	Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий	Миллий ашулалар учун миллий шеърлар мажмуаси. 7 қисмда чоп этилган	Шеърлар	Тошкент, Қўқон, 1915-1917
41	Ҳусайн Мақайи	Илми ҳол	Янги усул мактабларининг биринчи ва иккинчи синфи учун. Эски мактабда ўқитилган форс тилидаги китобнинг туркчага таржимаси	Наманган, Исҳоқия. 1910. 72 с.
42	Иноятуллоҳ Қори бин Домулло Мирзажон	Тухфат ус-сибён	Ўқиш китоби	Т., Рожий Раҳматуллоҳ бой. 1908, 1911
43	Иноятуллоҳ Қори бин Домулло Мирзажон	Таълими ҳисоб	Математика сабоқлари	Т., Мактаб. 1912, 23 с.
44	Иноятуллоҳ Қори бин Домулло Мирзажон	Ҳисоб масаласи	Математика сабоқлари	Т., 1913. 27 с.
45	Исмоил Алавий	Тажвиди қавоиди Қуръон	Қуръон ўқиш учун қўлланма	Т., Исроилжон Иброҳимжон ўғли. 1912
46	Исматуллоҳ Раҳматуллоҳ	Раҳбари мактаб	Форс тили учун алифбо ва ўқиш китоби	Т., Абдулқодир Шакурӣ томонидан нашр қилинган. 1915. 46 с.
47	Калинин Али Асқар	Муаллими соний	Рус-тузем мактабининг иккинчи синфи учун ўқиш китоби	Т., 1903
48	Комилжон Ҳожи ал-Каримий	Алиф	Алифбо билан танишув. Ўқиш учун матн берилмаган	Т., 1910. 28 с.
49	Ҳолид Саид	Раҳбари ҳисоб	Арифметика асослари	Т., Мактаб. 1914. 127 с.
50	Хилватий	Мактаб чироғи:	Дин асослари.	Т., 1911

	Намангоний	...рисолаи ақоиди манзума		
51	Маҳкамбой	Муамолот: савдо ва тижорат хусусида	Динда савдо қилиш қоидалари ҳақида	Т., 1911
52	Мажид Қори	Ҳисоб	Математикадан бошланғич таълим асослари	Т., Туркистон кутубхонаси. 1913, 1915. 35 с.
53	Максудхўжа бин Мансурхўжа Эшон Ғофурulloҳ	Максуд ул- мутааллимин		Т.
54	Мирза Хўқандий Хайруллоҳон	Тухфат ул- атфол	Ўқиш китоби	Қўқон, Маърифат. 1912. 16 с.
55	Мирза Хўқандий Хайруллоҳон	Рисолаи иймон	Диний таълим асослари	Қўқон, Маърифат. 1914-1915
56	Мирза Раҳим Мирза Бобозода Мулла Мирсайидий	Тасҳил ул- иншо	Ёзув қоидалари	Қўқон, Маърифат 1917. 23 с.
57	Мулла Мўминжон Муҳаммаджоно в	Насоих ул- атфол	Ибратли ҳикоялар тўплами	Т., Қори Ҳасанхўжа бин Хонхўжа 1912. 46 с.
58	Муҳаммад Аъламхон бин Шокирхўжа Эшон	Мифтах ун- наҳв	Тил қоидалари	Т., 1915
59	Муҳаммадамин бин Муҳаммадқари м Фаҳриддинов	Жўғрофияи риёзий	Географиядан қўлланма	Т., 1917
60	Муҳаммадамин бин Муҳаммадқари м Фаҳриддинов	Раҳбари аввал	Ўқиш китоби	Т., 1917
61	Муҳаммадамин бин Муҳаммад- қарим Фаҳриддинов	Туркча қоида	Туркий тил қоидалари	Т., 1913
52	Муҳаммаджон Қори бин Раҳимжон	Одоблик ўғлон	Ибратли ҳикоялар мажмуаси	Т., Муҳаммадхон Подшоҳон ўғли. 1912. 28 с.

63	Муҳаммаджон Қори бин Раҳимжон	Неъмат ул-ислом	Дин қоидалари	Т.
64	Мунавварқори Абдурашидхон ўғли	Адиби аввал	Ўқиш китоби	Т., 1907. 8 марта қайта нашр қилинган
65	Мунавварқори Абдурашидхон ўғли	Адиби соний	Ўқиш китоби	Т., 1911. 48 с.
66	Мунавварқори Абдурашидхон ўғли	Ер юзи: ...жўғрофия рисоласи	Географиядан қўлланма	Т., 1913. 45 с.
67	Мунавварқори Абдурашидхон ўғли	Ҳавоижи диния: Ўтиқодот	Диний таълим асослари	Т., Ҳасанхўжа бин Хонхўжа. 1912
68	Мунавварқори Абдурашидхон ўғли	Ҳавоижи диния: таҳорат ва солот	Диний таълим асослари	Т., 1909
69	Мунавварқори Абдурашидхон ўғли	Ҳавоижи диния: савм, закот ва ҳаж амаллари	Диний таълим асослари	Т., 1910. Юқоридаги уч китоб бир муқова остида ҳам нашр қилинган
70	Мунавварқори Абдурашидхон ўғли	Ақоиди исломия. Ҳожи Муин таржимасида	Диний таълим асослари	Самарқанд, Абдулқодир Шакурӣ. 1911, 1915. Ҳавоижи диниянинг 1-қисми таржимаси
71	Мунавварқори Абдурашидхон ўғли	Тажвид	Қуръон ўқиш учун қўлланма	Т.
72	Қори Низомиддин бин Мулла Хусайн	Илми ахлоқ	Насихатомуз ҳикоялар тўплами	Т., Мактаб. 1913. 28 с.
73	Расулий Муҳаммад Расул	Қироати форсий ёхуд мунтахаби Гулистон	Форсча ўқиш китоби. Рус-тузем мактаблари учун	Т., 1916
74	Расулий Муҳаммад Расул	Болалар боғчаси	Рус-тузем мактаби учун машқлар китоби	Т., 1917
75	Расулий Муҳаммад Расул	Раҳбари форсий	Форс тили грамматикаси	Т., 1911, 1914, 1917

76	Мулла Рустамбек бин Юсуфбек	Таълими аввал	Алифбо сабоклари.	Т., 1911, 1913-1914
77	Саид Али Ризозода	Вожиботи диния	Диний таълим асослари	Самарқанд, 1916
78	Саид Али Ризозода	Биринчи йил	Биринчи синф учун машқ ва ўқиш китоби	Самарқанд, Зарафшон. 1917. 96 с.
79	Саид Расулхўжа муфти Саид Азизхўжа Махдум муфти ўғли	Устоди аввал	Ўқиш китоби	Т., 1902. 85 с. Қўп ўзгартиришлар билан 1917 йилгача 17 марта қайта нашр қилинган
80	Саййид Аҳмад Сиддиқий	Тажвид ул- Қуръон ил- мажид	Қуръон ўқиш учун қўлланма.	Самарқанд, Зарафшон. 1915
81	Шокир Қори бин Домла Зокир	Таълими аввал	Алифбо билан танишув.	Т., 1910, 1914
82	Шокир Қори бин Домла Зокир	Таълими соний	Ўқиш китоби	Т., 1910
83	Шокиржон бин Абдурахмон	Тарихи муқаддас	Ислом дини қисқача тарихи	Т., Туркистон кутубхонаси. 1913, 1916, 1917
84	Васлий Саййид Аҳмад	Асл ул-аҳком (форс тилида)	Ислом асослари	Самарқанд. 1904
85	Васлий Саййид Аҳмад	Асос ул-аҳком	Ислом ақидаси асослари	Самарқанд, 1904
86	Васлий Саййид Аҳмад	Баён ул-хуруф	Форсча машқ китоби	Самарқанд, 1904
87	Васлий Саййид Аҳмад	Ақоид (таржима)	Дин ва ибодат асослари	Самарқанд, Юлдуз кутубхонаси. 1915
88	Зоҳирий Ашурали	Имло	Алифбо ва машқ китоби	Қўқон, Ғайрат. 1916. 38 с.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Авлоний Абдулла. Танланган асарлар. Т.: Маънавият, 1-жилд, 1998.

Авлоний А. Таржимаи ҳолим. – **Миллий уйғониш ва ўзбек филологияси масалалари.** Т.: Университет, 1993.

Айний С. Бухоро инкилоби тарихига материаллар. М., 1926.

Akpınar Yavuz. Ismail Gaspirali'ya Atfedilen Bir Eser: Türkistan Ulemasi. // *Modern Türklük Araştırmaları Dergisi*. Cilt 2, Sayı 4 (Aralık 2005).

Akpınar Yavuz. Ismail Gaspiralinin Edebiy Tenkitleri. Ege Üniversitesi, Edebiyat Fakültesi, Turk Dili ve edebiyati Arastirmalari Dergisi, IX. c., Izmir, 1988.

Аъло хадрат амири Бухоро Саййид Абдулахад Баходурхон. На персидском и русском языках. Казань, 1895. Подготовил к изданию И.Гаспринский.

Байрамов Энвер. Великий просветитель российских мусульман Исмаил Гаспринский. Москва, Экслибрис-Пресс, 2001.

Балдауф Ингеборг. Джадидизм в Центральной Азии в плане реформизма и модернизма в мусульманском мире. – Марказий Осиё XX аср бошида: ислохотлар, янгиланиш, тараққиёт ва мустақиллик учун кураш (жадидчилик, мухториятчилик, истиқлолчилик). Халқаро конференция материаллари. Т.: Маънавият, 2001.

Baldauf Ingeborg. Die Knabenliebe in Mittelasien: Bacabozlik. Berlin: Verl. das Arab. Buch, 1988.

Балдауф Ингеборг. Замон ва макон бўйлаб саёҳат: Жадидчилик утопияси ҳақида ўйлар. Эълон қилинмаган мақола.

Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана. Ленинград: Издательство Академии наук СССР, 1927.

Бехбудий М. Исмоилбек хазратлари ила суҳбат. *Ойина*, 1914,

Бендриков К.Е. Очерки по истории народного образования в Туркестане (1865-1924 годы). Москва, АПН РСФСР, 1960.

Вамбери А. Культурное движение среди русских мусульман. – **Гольдциер И.** Лекции об Исламе. СПб, 1912.

Вамбери Херман. Маърифат йўлидаги уйғониш. Петербург, 1912. (*Тафаккур* журналы, 2000, 3-сон. О.Шарафиддинов таржимаси).

Wennberg, Franz: An Inquiry into Bukharan Qadimism. Mirza Salim-bik. Berlin: Klaus Schwarz Verlag, 2002

Гайнуллин М. Татарская литература и публицистика начала XX века. Казань, 1966.

Гаспринский Исмаил. Русское мусульманство. Мысли, заметки и наблюдения мусульманина. Симферополь, 1881.

Гаспринский Исмоил. Турк юридичиларина. *Турк юрду*, 1-жилд, 1912, 7, 8-сонлар.

Гаспринский Исмоил. Ҳинд йўлидан. *Турк юрду*, 1-жилд, 1912, 11-сон.

Гаспринский Исмоил. Ҳинддан қайтишда. *Турк юрду*, 1-жилд, 13-сон.

Gaspirali Ismail. Secilmis eserleri: 1. Roman ve Hikayeleri. Istanbul, Ötüken, 2003. Nesre Hazirlayanlar: Yavuz Akpınar, Bayram Orak, Nazim Muradov.

Gaspirali Ismail. Secilmis eserleri: 2. Fikri Eserleri. Istanbul, Ötüken, 2004. Nesre Hazirlayan: Yavuz Akpınar.

Гаспринский Исмаил. Молла Аббас (роман). Эки томлукъ. Биринджи том. Симферополь, 2001.

Гаспринский Исмоилбек. Ҳаёт ва мамот масаласи. Танланган асарлар. Т.: Маънавият, 2006. Нашрга тайёрлаганлар: Қосимов Б., Абдирашидов З.

Гаспринский Исмоил. Мулла Аббоснинг Европа можаролари. Истанбул, 2002. Нашрга Эржумент Дурсун ва Эржан Шакаря тайёрлаган.

Гаспринский Исмоил. Туркистон генерал-губернаторига мактуб. // *Гулистон*, 1995, 2-сон.

Гаспринский Исмоил. Маданияти исломия. // *Ёш куч*, 2001, 4-сон.

Ганкевич В. На службе правде и просвещению. С.: Доля, 2000.

Гафаров С. Исмаил Гаспринский – великий просветитель. С.: Тарпан, 2001.

Граменицкий С. Положение инородческого образования в Сыр-Дарьинской области. Ташкент, 1916.

Граменицкий С. Очерки развития народного образования в Туркестанском крае. Ташкент, 1896.

Devlet Nadir. Ismail Bey (Gaspirali). Ankara, 1988.

Deliorman A. Ismail Gaspirali ve Terjüman gazetesi. // *Türk kulturu*, 1968, VI, No. 69.

Добросмыслов А. Учебные заведения в г. Ташкенте. // *Средняя Азия*, №4, Ташкент, 1914.

Dudoignon A. Stéphane. Qadîmiya as a Historiographical Category. The Question of Social and Ideological Cleavages Between "Reformists" and "Traditionalists" among

the Muslims of Russia and Central Asia, in the early 20th century. – *The Reform Movements and Revolutions in Turkistan (1900-1924)*. Edited by Timur Kocaoglu. SOTA, Haarlem 2001.

Ибрат. Ажзий. Сўфизода. Танланган асарлар. Т.: Маънавият, 1999.

Ильминский Н.И. О системе просвещения инородцев и о Казанской Центральной кещено-татарской школе. Казань, 1913.

Избранные места из педагогических сочинений, некоторые сведения о его деятельности и о последних днях его жизни. Николай Иванович Ильминский. Казань, 1892.

Имамутдинова З.А. Просодия Корана и противоречия «нового метода» Исмала Гаспринского. – Исмал Гаспринский – просветитель народов Востока. К 150-летию со дня рождения. Материалы Международной научной конференции. Ред. Червонная С.М. Москва, 2001.

Clive Ashwin. Pestalozzi and the Origins of Pedagogical Drawing. // *British Journal of Educational Studies*, Vol. 29, No. 2. (Jun., 1981), pp. 138-151.

Климович Л. О первой тюркоязычной газете «Терджиман» и ее издателе И. Гаспринском. // Звезда Востока, 1987, №9.

Khalid Adeeb. The politics of Muslim Cultural Reform: Jadidism in Tsarist Central Asia. Ph.D. diss., University of Wisconsin-Madison, 1993.

Kocaoglu, Timur (ed.). *The Reform Movements and Revolutions in Turkistan (1900-1924)*. SOTA, Haarlem 2001

Кочаров В.Т. Из истории организации и развития народного образования в дореволюционном Узбекистане. Ташкент, 1966.

Константин Дмитриевич Ушинский его жизнь и педагогическая деятельность. Биографическая серия Ф. Павленкова. Биографический очерк А. Фролкова. Санкт-Петербург, 1893. - http://az.lib.ru/u/ushinskij_k_d/text_0020.shtml

Lazzerini E.J. Ismail Bey Gasprinskii and Muslim modernizm in Russia. 1878-1914, University of Washington. Ph.D., 1973.

Lazzerini J. Edward. From Bakhchisarai to Bukhara in 1893: Ismail Bey Gasprinskii's Journey to Central Asia. // *Central Asian Survey*, 1984. Vol. 3.

Lazzerini Edward J. Ismail Bey Gasprinskii's *Perevodchik /Tercüman*: A Clarion of Modernism. In H. B. Paksoy, ed., *Central Asian Monuments*. Istanbul: Isis, 1992.

Лордкипанидзе Д. Ян Амос Коменский (1592-1670). Москва: Педагогика, 1970.

Махмудхўжа Бехбудий. Танланган асарлар. Т.: Маънавият, 1997.

Мухаммаджонов М. Турмуш уринишлари. Т.: Ўзбекистон давлат нашриёти, 1926.

Мунаввар Қори Абдурашидхонов. Танланган асарлар. Т.: Маънавият, 2003.

Николай Иванович Ильминский и его основные педагогические взгляды. Смоленск, 1897.

Наливкин В.П. Школы у туземцев Средней Азии. // Сборник материалов для статистики Самаркандской области, 1887-1888 гг. Самарканд, 1889.

Османов Ю. Из плена лжи. Научные статьи о творчестве и деятельности Исмоила Гаспринского. Симферополь, Доля, 2001, стр. 189.

Остроумов Н.П. Мусульманские мактабы и русско-туземные школы в Туркестанском крае. // Журнал Минстерства народного просвещения, 1906, №1.

Остроумов Н.П. Исламоведение. Ташкент, 1910.

Остроумов Н.П. Коран и прогресс: по поводу умственного пробуждения современных российских мусульман. Ташкент, 1901.

Остроумов Н.П. Сарты. Ташкент, 1908.

Остроумов Н.П. Константин Петрович фон-Кауфман, устроитель Туркестанского края. Личные воспоминания Н.Остроумова. Ташкент, 1899.

Остроумов Н.П. Введение в курс исламоведения. Ташкент, 1914.

Paksoy H. B., ed. Central Asian Monuments. Istanbul: Isis, 1992.

Пясковский А.В. Революция 1905-1907 годов в Туркестане. М.: АН СССР, 1958.

Рахимов Р.Р. Традиционное начальное школьное обучение детей у народов Средней Азии (конец XIX начало XX вв.) – Памятники традиционно-бытовой культуры народов Средней Азии, Казахстана и Кавказа. Ленинград, 1989.

Kirimer Sedahmet Cafer. Gaspıralı İsmail Bey: Dilde, Fikirde, İşte Birlik. Istanbul, 1934.

Saray Mehmet. Gaspıralı İsmail Bey ve Türk dünyasında Eğitim Reformu (1851-1914). Ankara, 1987.

Saray Mehmet. Gaspıralı İsmail Bey'den Atatürk'e. Türk dünyasında dil ve kültür birliği. Istanbul, 1993.

Soëtard Michel. Johann Heinrich Pestalozzi. Sozialreformer – Erzieher – Schöpfer der modernen Volksschule. Eine Bildbiographie. Zürich, 1987.

Содиқов Ҳ. ва бошқалар. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. Т.: Шарқ, 2000.

Спасский Н.А. Просветитель инородцев Казанского края Николай Иванович Ильминский. Самара, 1900.

Турдиев Ш. Гаспринский и Средняя Азия. // *Культура Центральной Азии*, 2001, №6.

Туркистон уламоси. (Трансфонелитерация ва рус тилидаги таржимаси). Баку, Ўрнек, 2001.

Тутаев М. З. Развитие народного образования в Татарии. - Казань: Татарское книжное издательство, 1975.

Ушинский К.Д. Предисловие к статье А. Печкина «Очерк жизни и деятельности английского педагога Фомы Арнольда». // Журнал Министерства народного просвещения, 1861, № 1, 5. – Архив К.Д. Ушинского. Том 1. Москва, 1959, стр. 137.

Ушинский К.Д. Средние и низшие учебные заведения во Франции. // Журнал Министерства народного просвещения, 1862, № 2, 3. – Архив К.Д. Ушинского. Том 1. Москва, 1959, стр. 346-350.

Ушинский К.Д. Элементарная школа. // Журнал Министерства народного просвещения, 1860, № 11. – Архив К.Д. Ушинского. Том 2. Москва, 1960, стр. 66-67.

Фархшатов М. Самодержавие и традиционные школы башкир и татар в начале XX века (1900-1917 гг.). Уфа: Гилем, 2000.

Florence Hay Anastas. And They Called Him Amos. The Story of John Amos Comenius: A Woodcut in Words. Drawings by Rosina Yost. Exposition Press, New York, 1973.

Ханбиков Я. И. История развития педагогической мысли татарского народа. - Казань, 1975.

Харисов Ф. Ф. Национальная культура и образование. - Москва.: Педагогика, 2000.

Ходжаев Ф. Избранные труды в трех томах. Т. I. - Ташкент: Фан, 1970.

Чернышев В.И. К.Д. Ушинский и его труды в отношении русского языка и русской литературы. // Известия Академии наук Союза ССР, 1946, том V, вып. 1, стр. 3-26.

Шариф Бурхон. Ғанибой Ҳусайинов ҳам фирмаси тарихи. Оренбург, 1913.

Юсупов Шариф. Худоёрхон ва Фурқат. Т.: Шарқ, 1995.

Kirimli Hakan. Kirim tatarlarinda milli kimlik ve milli hareketler (1905-1916). Ankara, 1996.

Қосимов Бегали. Маслакдошлар.Т.: Шарқ, 1994.

Қосимов Бегали. Миллий уйғониш. Т.: Маънавият, 2002.

Мақолалар:

Амир Саййид Абдулаҳад. *Таржимон*, 1892 йил 27, 45, 47, 48-сонлар.

Ахторлар. *Таржимон*, 1909 йил, 49-сон.

Бухоро. *Таржимон*, 1891 йил 23, 24, 25-сонлар.

Бухоро. *Таржимон*, 1893 йил 23-сон.

Бухорода на кўрдим? *Таржимон*, 1908 йил, 57, 58, 60, 63, 65, 68, 78-сонлар.

Бухоро мактублари. *Таржимон*, 1909 йил 40-сон.

Бухоройи шарфдан мактуб. *Таржимон*, 1909 йил, 41-сон.

Бухоройи шариф. *Таржимон*, 1910 йил, 17-сон.

Бухородан мактуб. *Таржимон*, 1910 йил, 2-сон.

Бу кунги масала. *Таржимон*. 1911 йил, 32-сон.

Бухоро мадрасаларида дарс прўграми. *Таржимон*. 1913 йил, 247-сон.

Вақт. Оренбург, 1912, 29 март.

Граф Ростовцев. *Таржимон*, 1897 йил, 32-сон.

Доҳилия хабарлари. *Таржимон*, 1912 йил, 14-сон.

Жаҳолат хутбаси. *Таржимон*. 1909 йил, 14-сон.

Идорая мактублар. *Таржимон*, 1908 йил, 68-сон.

Идорая мактуб. *Таржимон*, 1912 йил, 94-сон.

Идорая мактуб. *Таржимон*, 1913 йил, 133-сон.

Йўл бўйинда кўрдигим, сездигим. *Таржимон*, 1908 йил, 47, 50-сонлар.

Муаллими шаҳир. *Олами сибён*, 45-сон.

Мажидбек Ғанизода. *Таржимон*, 1906 йил 15-сон.

Марҳум Саййид Ислomхўжа. *Таржимон*, 1913 йил, 187-сон.

Мадрасаи олия ва мадрасаи олиялар. *Таржимон*. 1913 йил, 175-сон.

Миллий матбуотимиз. Иқбол. *Таржимон*, 1914 йил, 51-сон.

Остроумовнинг жавоби. *Гулистон*, 1995, 1-сон.

Приезд Бухарского хана. *Таржимон*, 1892 йил 45-сон.

Путешествие Бухарского Эмира. *Таржимон*, 1893 йил 5-сон.

Приезд Эмира. *Таржимон*. 1894 йил, 30-сон.

Сартож уламо Қози калон ҳазратларина очик мактуб. *Таржимон*, 1909 йил, 42-сон.

Самарқанддан мактуб. *Таржимон*, 1913 йил, 75-сон.

Саййид Ислomхўжа. *Таржимон*, 1913 йил, 278-сон.

Таржимон, 1893 йил 1-8, 29-32, 36, 37, 40, 41-43-сонлар.

Таржимон, 1891 йил, 25-сон.

Таржимон. 1906 йил, 12, 15-сонлар.

Тарихи жади́ди Туркистон. *Таржимон*. 1906 йил, 33-сон.

Туркистон вилоятинда усули жади́д тарихи. *Шўро*, 1913 йил, 23-сон.

Уламо́йи асрию́н. *Таржимон*. 1913 йил, 38, 40-сонлар.

Хивадан мактуб. *Таржимон*, 1907 йил, 34-сон.

Хивадан мактуб. *Таржимон*, 1907 йил, 47-сон.

Хивадан мактуб. *Таржимон*, 1908 йил, 4-сон.

Хива тамаддун йўлинда. *Таржимон*, 1914 йил, 75-сон.

Ҳиндистонда биринчи усули савтия мактаби. *Таржимон*, 1912, 16-сон.

Ҳиндистонда бир турк мужаддиди. *Турк юрду*. 1-жилд, 1912, 344-бет.

www.ismailgaspirali.org.

МУНДАРИЖА

Мукаддима.....	6
Сўз боши ўрнида.....	7
Туркистонда “усули жади́д” мактаблари ва Исмоил Гаспринскийнинг саёҳатлари	12
1. Исмоил Гаспринский ва “усули жади́д”нинг йўлга қўйилиши.....	12
2. Туркистонда янги мактаблар ташкили.....	26
3. Исмоил Гаспринскийнинг Туркистонга саёҳатлари.....	41
а) 1893 йил саёҳати.....	43
б) 1908 йил саёҳати.....	49
Исмоил Гаспринскийнинг илмий-бадний асарлари ва нашрларида Туркистон мавзуси.....	56
1. “Туркистон уламози” ва янги даври илм-фани.....	56
2. Мулла Аббос Фарансавий Тошкандий – жади́д зиёлиси тимсоли.....	72
1-Илова.....	91
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	98

INSTITUT FRANÇAIS
D'ETUDES
SUR L'ASIE
CENTRALE




IFEAC

ФРАНЦУЗСКИЙ
ИНСТИТУТ
ИССЛЕДОВАНИЙ
ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

в сотрудничестве

с Институтом истории Академии наук Республики Узбекистан,
Ташкентским исламским университетом, МИЦАИ (ICAS) и ЮНЕСКО



Ташкент - 2008

Série des « Publications cofinancées »

Из серии «Публикации, выпускаемые в рамках партнёрства»

<http://www.ifeac.org/fr/publications/pubcofinan/>

Публикации ИФЕАК

Les Cahiers d'Asie Centrale

Центральноазиатские тетради, журнал ИФЕАК

<http://www.ifeac.org/fr/publications/CAC/>

Bibliothèque d'Asie Centrale

Центральноазиатская библиотека

<http://www.ifeac.org/fr/publications/bibl/>

Publié aux éditions « Aux lieux d'être »

Публикации в издательстве « Aux lieux d'être »

<http://www.ifeac.org/fr/publications/public/>

Publications de l'IFEAC à Tachkent

Публикации ИФЕАК в Ташкенте

<http://www.ifeac.org/fr/publications/pubtash/>

Bilingues et dictionnaires L & M

Двуязычные публикации и словари издательства L & M

<http://www.ifeac.org/fr/publications/bilingues/>

Participation aux publications extérieures

Участие во внешних публикациях

<http://www.ifeac.org/fr/publications/participation/>

Aide à la production de CD musicaux

Помощь в публикации музыкальных компакт-дисков

<http://www.ifeac.org/fr/publications/aide/>